

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
ТЎПЛАМИ

16-сон
(308)
2008 й.
апрель

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

тўпلامнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

тўпلامнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

+

-

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

116. «Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 58-моддасига қўшимча киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 11 апрелдаги ўРҚ–152-сон Қонуни
117. «Вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 16 апрелдаги ўРҚ–153-сон Қонуни
118. «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 17 апрелдаги ўРҚ–154-сон Қонуни

Учинчи бўлим

119. «Республика саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 11 апрелдаги 67-сон қарори

Бешинчи бўлим

120. «Ўзбекистон почтаси» очик акциядорлик жамиятининг талаб қилиб олинган махсус депозит ҳисобварақларидан операцияларни амалга ошириш ва уларни бухгалтерия ҳисобида акс этириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки Бошқаруви, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг 2008 йил 10 мартдаги 22, 301-В, 10-8/729-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 14 апрелда 1790-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
121. «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни ташиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2008 йил 17 мартдаги 4, 3-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 16 апрелда 1791-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
122. «Банк кассаларига топшириладиган нақд пул тушумининг барқарор ўсишини ва уларнинг узлуксиз берилишини таъминланиши бўйича мансабдор шахсларнинг рағбатлантирилиши ва уларнинг масъулиятини ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Давлат солиқ қўмитасининг 2008 йил 24 мартдаги 296-В, 2008-21-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 16 апрелда 1792-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
123. «Селекция ютуғига Ўзбекистон Республикаси патентининг амал қилишини узайтириш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси директорининг 2008 йил 25 мартдаги 13-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 16 апрелда 1793-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
124. «Божхона юк декларациясини тўлдириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2008 йил 3 апрелдаги 01-02/8-29-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 16 апрелда 834-17-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
125. «Инвестиция лойиҳаларининг техник-иқтисодий асосномаларини Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида кўриб чиқиш тартибини ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг 2008 йил 14 апрелдаги ЭГ-01/10-2212-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 16 апрелда 846-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

126. «Супер элита, элита ва кейинги авлодларга мансуб уруғлик ғалла етиштириш ҳуқуқига эга бўлиш учун хўжаликлар ўртасида танлов ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг 2008 йил 22 мартдаги 41-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 17 апрелда 1794-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
127. «Биржа савдоларида мазут ёқилғисини сотиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлигининг 2008 йил 2 апрелдаги 48, 30-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 17 апрелда 1795-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги норматив ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2008 йил 12 апрелдан 18 апрелгача бўлган маълумот

+

-

БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

116 Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 58-моддасига қўшимча киритиш тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2008 йил 21 февралда қабул қилинган

Сенат томонидан 2008 йил 27 мартда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда) **58-моддаси:**

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Жиноятга тайёргарлик кўрганлик ҳамда жиноят содир этишга суиқасд қилганлик учун жазонинг муддати ёки миқдори ушбу Кодекс Махсус қисмининг тегишли моддасида назарда тутилган энг кўп жазонинг тўртдан уч қисмидан ошмаслиги керак. Мазкур қоида:

а) ўта хавфли рецидивистларга, уюшган гуруҳ ёки жиноий уюшма аъзоларига нисбатан;

б) тинчлик ва хавфсизликка қарши тамом бўлмаган жиноятлар учун, шунингдек қуйидагилар билан:

жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш билан;

ўн тўрт ёшга тўлмаганлиги айбдорга аён бўлган жабрланувчининг номусига тегиш ёки унга нисбатан зўрлик ишлатиб, жинсий эҳтиёжни ғайритабiiий усулда қондириш билан;

ядровий, кимёвий, биологик ва бошқа турдаги оммавий қирғин қуролини, бундай қурол яратишда фойдаланиш мумкинлиги аён бўлган материалларни ҳамда усқуналарни контрабанда қилиш билан боғлиқ бўлган жиноятлар учун жазолар тайинлашда қўлланилмайди»;

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2008 йил 12 апрелда эълон қилинган.

иккинчи ва **учинчи қисмлари** тегишинча **учинчи** ва **тўртинчи қисмлар** деб ҳисоблансин.

2-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2008 йил 11 апрель,
ЎРҚ-152-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

117 Вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2008 йил 10 январда қабул қилинган

Сенат томонидан 2008 йил 27 мартда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги 915–XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 14 апрелда қабул қилинган 758–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 5, 110-модда; 2003 йил, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 9, 420-модда) **13-моддасининг ўн биринчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича жамоатчилик ишларини ташкил этади, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ҳақидаги маълумотларни васийлик ва ҳомийлик органларига тақдим этади, шунингдек бундай болаларни тегишли давлат муассасаларига жойлаштиришга кўмаклашади».

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотнома-

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2008 йил 17 апрелда эълон қилинган.

си, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда) куйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **122-модда:**

биринчи қисмидаги «уч йилгача» деган сўзлар «икки йилгача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ўша қилмиш хавfli рецидивист томонидан содир этилган бўлса, —

икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;

2) **127-модда:**

биринчи қисмининг санкцияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч ойгача қамоқ ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;

учинчи қисмининг русча матнидаги «несовершеннолетних» деган сўз «несовершеннолетнего» деган сўз билан алмаштирилсин.

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар) куйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **34-модданинг тўртинчи қисми** қуйидаги мазмундаги **тўртинчи** ва **бешинчи қисмлар** билан алмаштирилсин:

«Башарти шахс ушбу Кодекснинг Махсус қисмидаги тегишли модда билан маъмурий жавобгарлик назарда тутилган ҳаракатни (ҳаракатсизликни) вояга етмаган шахсни маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишга жалб қилган ҳолда (ушбу Кодекснинг 188¹-моддаси) содир этган бўлса, иш материаллари кўриб чиқиш учун судга топширилади.

Ушбу модданинг иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмларида назарда тутилган ҳолларда асосий жазога содир этилган ҳуқуқбузарликлардан исталган биттаси учун жавобгарлик тўғрисидаги моддаларда назарда тутилган қўшимча жазо чораларидан бири қўшилиши мумкин;

2) қуйидаги мазмундаги **47¹** ва **47²-моддалар** билан тўлдирилсин:

«47¹-модда. Ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болалар тўғрисидаги маълумотларни васийлик ва ҳомийлик органига хабар қилмаслик

Ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болалар тўғрисидаги маълумотларни шундай болалар турган муассаса раҳбари ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахси томонидан васийлик ва ҳомийлик органига хабар қилмаслик, худди шунингдек улар томонидан ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болалар ҳақида атайин нотўғри маълумотлар бериш —

мансабдор шахсга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

47²-модда. Ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштиришда қонун ҳужжатлари талабларини бузиш

Ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болаларни оилага тарбияга (патронат), фарзандликка беришда, уларга васийлик (ҳомийлик) белгилашда ёхуд уларни етим болалар ёки ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болалар учун тайинланган тегишли давлат муассасасига жойлаштиришда қонун ҳужжатлари талабларини бузиш —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг икки бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

3) **188-модданинг санкцияси** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

4) қуйидаги мазмундаги **188¹-модда** билан тўлдирилсин:

«188¹-модда. Вояга етмаган шахсни маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишга жалб қилиш

Вояга етмаган шахсни маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишга жалб қилиш — энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўттиз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

5) **245-модданинг биринчи қисми** «47» рақамидан кейин «47¹, 47²» рақамлари билан, «187-моддасининг иккинчи қисми» деган сўзлардан кейин эса «188, 188¹-моддаларида» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

6) **246-моддадаги** «188» рақами чиқариб ташлансин;

7) **247-моддадаги** «47, 188-моддаларида» деган сўзлар «47-моддасида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8) **248-модданинг:**

биринчи қисмидаги «188-моддаси (вояга етмаган болаларнинг ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларга тааллуқли ишлар бундан мустасно)» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

иккинчи қисми 1-бандидаги «188» рақами чиқариб ташлансин.

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган

607–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 5-6-сонга илова; 2003 йил, № 1, 8-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 157-модда) **149-моддасининг учинчи қисми** қуйидаги мазмундаги **учинчи** ва **тўртинчи қисмлар** билан алмаштирилсин:

«Муассасаларнинг (мактабгача таълим муассасалари, умумтаълим муассасалари, даволаш муассасалари ва бошқа муассасаларнинг), фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг мансабдор шахслари ва бошқа фуқаролар болалар ота-она қарамоғидан маҳрум бўлганлигидан хабардор бўлгач, етти кунлик муддат ичида бу ҳақда болалар ҳақиқатда турган жойдаги васийлик ва ҳомийлик органларига хабар беришлари шарт. Васийлик ва ҳомийлик органи бундай маълумотларни олган кундан эътиборан уч кун ичида боланинг турмуш шароитини текшириб чиқиши ва бунда боланинг ота-она ёки қариндошлари қарамоғидан маҳрум бўлганлиги аниқланса, уни жойлаштириш масаласи ҳал бўлгунига қадар боланинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаши шарт.

Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар тўғрисидаги маълумотларни васийлик ва ҳомийлик органига хабар қилмаганлик, шунингдек бундай болаларни жойлаштиришда қонун ҳужжатлари талабларини бузганлик учун ушбу модданинг учинчи қисмида кўрсатилган муассасаларнинг раҳбарлари ва органларнинг мансабдор шахслари қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади».

5-модда. Ушбу Қонун кучга кирган кундан эътиборан бир ой муддат ичида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар тўғрисидаги маълумотларни васийлик ва ҳомийлик органига тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

6-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2008 йил 16 апрель,
ЎРҚ–153-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

118 Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2008 йил 18 мартда қабул қилинган

Сенат томонидан 2008 йил 27 мартда
маъқулланган

1-боб. Умумий қоидалар**1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонуннинг мақсади одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Одам савдосига қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Одам савдосига қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг одам савдосига қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

одам савдосига қарши курашиш — одам савдосининг олдини олиш, уни аниқлаш, унга чек қўйиш, унинг оқибатларини минималлаштириш, одам савдосидан жабрланганларга ёрдам кўрсатиш бўйича фаолият;

одам савдоси — куч билан таҳдид қилиш ёки куч ишлатиш ёхуд бошқа мажбурлаш шакллари билан фойдаланиш, ўғирлаш, фирибгарлик, алдаш, ҳокимиятни суистеъмол қилиш ёки вазиятнинг қалтислигидан фойдаланиш орқали ёхуд бошқа шахсни назорат қилувчи шахснинг розилигини олиш учун уни тўловлар ёки манфаатдор этиш эвазига оғдириб олиш орқали одамлардан фойдаланиш мақсадида уларни ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш. Одамлардан фойдаланиш бошқа шахсларнинг фоҳишалигидан фойдаланишни ёки улардан шахвоний фойдаланишнинг бошқа шакллари билан, мажбурий меҳнат ёки хизматларни, қуллик ёки қулликка ўхшаш одатларни, эрксиз ҳолат ёхуд инсон аъзолари ёки тўқималарини ажратиб олишни англатади;

одам савдоси билан шуғулланувчи шахс — мустақил равишда ёки бир гуруҳ шахслар таркибида одам савдоси билан боғлиқ ҳар қандай ҳаракатни содир этувчи жисмоний ёки юридик шахс, шунингдек ўз ҳаракатлари билан одам савдосига кўмаклашадиган, худди шунингдек гарчи ўз мансаб ваколатларига кўра тўсқинлик қилиши ва қарши курашиши шарт бўлса ҳам одам савдосига тўсқинлик қилмайдиган ёки қарши курашмайдиган мансабдор шахс.

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2008 йил 18 апрелда эълон қилинган.

4-модда. Одам савдосига қарши курашишнинг асосий принциплари

Одам савдосига қарши курашиш қўйидаги асосий принципларга асосланади:
қонунийлик;
одам савдоси билан шуғулланувчи шахслар жавобгарлигининг муқаррарлиги;
одам савдосидан жабрланганларнинг камситилишига йўл қўймаслик;
ижтимоий ҳамкорлик.

2-боб. Одам савдосига қарши курашишни ташкил этиш**5-модда. Одам савдосига қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи давлат органлари**

Одам савдосига қарши курашиш бўйича фаолиятни бевосита амалга оширувчи давлат органлари қўйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги;

Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати;

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги.

Одам савдосига қарши курашиш фаолиятини қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа давлат органлари ҳам амалга ошириши мумкин.

6-модда. Одам савдосига қарши курашиш бўйича идоралараро комиссиялар

Одам савдосига қарши курашишни амалга оширувчи давлат органларининг фаолиятини мувофиқлаштириш учун одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идоралараро комиссияси (бундан буён матнда Идоралараро комиссия деб юритилади) тузилади. Идоралараро комиссияни шакллантириш ва унинг фаолияти тартиби Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланади.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда одам савдосига қарши курашиш бўйича ҳудудий идоралараро комиссиялар (бундан буён матнда ҳудудий идоралараро комиссиялар деб юритилади) ҳам тузилиши мумкин.

Идоралараро комиссиянинг асосий вазифалари қўйидагилардан иборат:

давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш;

одам савдосига имкон берувчи сабаблар ва шароитларни аниқлаш ҳамда барта-
раф этишга доир ишлар самарадорлигини оширишга қаратилган тадбирларни таш-
кил этиш;

одам савдосининг қўлами, ҳолати ва хусусиятлари тўғрисида ахборот тўплаш
ҳамда таҳлил қилиш;

ҳудудий идоралараро комиссияларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш;

одам савдосидан жабрланганларга ёрдам кўрсатиш ва уларни химоя қилиш
ишларини яхшилаш бўйича таклифлар тайёрлаш;

одам савдосига қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаш-
тириш бўйича таклифлар тайёрлаш;

одам савдосига қарши курашиш масалалари ҳақида аҳолини хабардор қилиш тадбирларини ташкил этиш.

7-модда. Одам савдосига қарши курашиш бўйича фаолиятни бевосита амалга оширувчи давлат органларининг ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги одам савдосига қарши курашиш соҳасида:

одам савдоси билан боғлиқ жиноятларни очиш бўйича тезкор-қидирув фаолиятини ташкил этади ҳамда амалга оширади, жиноят ишлари бўйича суриштирув ва дастлабки тергов ўтказилишини таъминлайди;

одам савдоси билан боғлиқ жиноятларнинг статистика ҳисобини ташкил этади ва амалга оширади;

одам савдоси билан шуғулланувчи шахслар, уюшган гуруҳлар ва жиноий уюшмаларнинг фаолиятига чек қўйиш бўйича халқаро ташкилотлар ҳамда бошқа давлатларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари билан ҳамкорликни амалга оширади;

одам савдосига қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритади;

одам савдоси билан шуғулланувчи шахслар, уюшган гуруҳлар ва жиноий уюшмалар ҳақида тегишли давлат ҳокимияти ҳамда бошқарув органларига ахборот тақдим этади;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлик қилади, оммавий ахборот воситаларини жалб этган ҳолда аҳоли ўртасида кенг миқёсда огоҳлантириш-профилактика ишларини ўтказиши;

Ўзбекистон Республикасининг икки томонлама ва кўп томонлама халқаро шартномаларида назарда тутилган, ички ишлар органлари ваколатига кирадиган тадбирларни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати одам савдосига қарши курашиш соҳасида:

халқаро террорчилик ташкилотлари ва уюшган жиноий гуруҳларнинг одам савдоси билан шуғулланувчи шахслар билан алоқаларини аниқлайди;

халқаро террорчилик ташкилотлари ва уюшган жиноий гуруҳлар томонидан амалга ошириладиган одам савдоси билан боғлиқ жиноят ишлари бўйича суриштирув ҳамда дастлабки тергов ўтказиши;

одам савдоси билан шуғулланувчи шахслар ва одам савдосидан жабрланганлар томонидан Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасини кесиб ўтишга уринишларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш ва уларга чек қўйиш чораларини кўради.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари одам савдосига қарши курашиш соҳасида:

одам савдосидан жабрланган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида турган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш фаолиятини амалга оширади;

одам савдосидан жабрланганларни Ўзбекистон Республикасига қайтаришга кўмаклашади, уларда Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар бўлмаган тақдирда эса, белгиланган тартибда уларнинг шахсини аниқлаш чораларини кўради ҳамда уларга консуллик йиғимлари ва бошқа йиғимларни

ундирмасдан Ўзбекистон Республикасига қайтиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларни расмийлаштиради;

зарур бўлган ҳолларда чет давлатларнинг тегишли ваколатли органларига Ўзбекистон Республикасининг одам савдосига қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ҳақида маълумотлар тақдим этади;

одам савдосидан жабрланганларга уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳақида ахборот тақдим этади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги одам савдосига қарши курашиш соҳасида одам савдосидан жабрланганларга тиббий ва психологик ёрдам кўрсатишни белгиланган тартибда ташкил этади.

Одам савдосига қарши курашиш бўйича фаолиятни бевосита амалга оширувчи давлат органларига қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатлар ҳам берилиши мумкин.

8-модда. Одам савдосига қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи давлат органларига кўмаклашиш

Давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, мансабдор шахслар, шунингдек фуқаролар одам савдосига қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи давлат органларига кўмаклашади ҳамда зарур ёрдам кўрсатади.

3-боб. Одам савдосидан жабрланганларни ҳимоя қилиш ва уларга ёрдам кўрсатиш

9-модда. Одам савдосидан жабрланганларга ёрдам кўрсатувчи ва уларни ҳимоя қилувчи ихтисослаштирилган муассасалар

Одам савдосидан жабрланганларга ёрдам кўрсатиш ва уларни ҳимоя қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан одам савдосидан жабрланганларга ёрдам кўрсатувчи ва уларни ҳимоя қилувчи ихтисослаштирилган муассасалар (бундан буён матнда ихтисослаштирилган муассасалар деб юритилади) ташкил этилади.

Ихтисослаштирилган муассасаларнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат: одам савдосидан жабрланганларга қулай яшаш ва шахсий гигиена шароитларини таъминлаш;

одам савдосидан жабрланганларни озиқ-овқат, дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлаш;

одам савдосидан жабрланганларга шошилиш тиббий, психологик, ижтимоий, юридик ва бошқа хил ёрдам бериш;

одам савдосидан жабрланганларнинг хавфсизлигини муҳофаза қилиш;

одам савдосидан жабрланганларнинг қариндошлари билан алоқа ўрнатилишига кўмаклашиш;

одам савдосидан жабрланганларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳақида ахборот бериш;

одам савдосидан жабрланганларни ижтимоий реабилитация қилишга кўмаклашиш.

Ихтисослаштирилган муассасалар ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган Низомга мувофиқ амалга оширади.

10-модда. Одам савдосидан жабрланганларни ижтимоий реабилитация қилиш

Одам савдосидан жабрланганларни ижтимоий реабилитация қилиш, уларни нормал турмуш тарзига қайтариш мақсадида амалга оширилади ва мазкур шахсларга юридик ёрдам бериш, уларни психологик, тиббий, касбий реабилитация қилиш, уларни ишга жойлаштириш, уларга вақтинчалик турар жой беришни ўз ичига олади.

Одам савдосидан жабрланганларни ижтимоий реабилитация қилиш Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

Одам савдосидан жабрланганларни ижтимоий реабилитация қилишни амалга ошириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

11-модда. Одам савдосидан жабрланган болаларга ёрдам кўрсатиш

Ихтисослаштирилган муассасаларнинг раҳбарлари уларда одам савдосидан жабрланган болалар ҳақида маълумот пайдо бўлган тақдирда, қонун ҳужжатларига мувофиқ одам савдосидан жабрланган болаларнинг ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш мақсадида бу ҳақда васийлик ва ҳомийлик органларига дарҳол хабар қилиши шарт.

Одам савдосидан жабрланган болалар ихтисослаштирилган муассасаларга жойлаштирилганда улар катта ёшдагилардан алоҳида туришлари керак.

Ихтисослаштирилган муассасаларга жойлаштирилган одам савдосидан жабрланган болаларга қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат таълим муассасаларига қатнаш имконияти берилади.

Агар одам савдосидан жабрланган болалар ота-онаси қарамовидан маҳрум бўлган бўлса ёки ўз оиласи турган жойдан беҳабар бўлса, уларнинг ота-онасини ёки ота-онасининг ўрнини босувчи шахсларни қидириш чоралари кўрилади.

12-модда. Одам савдосидан жабрланганларнинг хавфсизлигини таъминлаш чоралари ва уларга бериладиган бошқа қафолатлар

Суриштирувчи, терговчи, прокурор, судья одам савдосида гумон қилинаётган шахсларни аниқлаш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлик қилиш хоҳишини билдирган одам савдосидан жабрланган шахсга нисбатан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига назарда тутилган хавфсизлик чораларини кўради.

Агар одам савдосидан жабрланган чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига мувофиқ жабрланувчи деб топилган бўлса ёки жиноят иши бўйича гувоҳ бўлса ёхуд одам савдосида гумон қилинаётган шахсларни аниқлашда тегишли органларга ёрдам бераётган бўлса, суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг, судьянинг асослантилган илтимосномасига кўра бундай шахсга нисбатан одам савдосида айбдор шахслар ҳусусида жиноят иши бўйича қарор чиқарилгунига қадар, депортация чоралари қўлланилиши мумкин эмас. Бунда одам савдосидан жабрланган шахсга унинг Ўзбекистон Республикасига кириши ҳолатларидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасида вақтинча бўлиш ҳуқуқи берилиши керак.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган хавфсизлик чоралари қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:

одам савдосидан жабрланган қайси шахсларга нисбатан тезкор-қидирув тадбирлари, суриштирув, дастлабки тергов ёки суд муҳокамаси ўтказилаётган бўлса, шу шахслар билан алоқани уларнинг мажбурловисиз тиклаган бўлса;

шахснинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлик қилишга бўлган хохиши ёлғон эканлиги ёхуд шахснинг жавобгарликдан бўйин товлаш усули эканлиги ишончли тарзда аниқланган бўлса.

Одам савдосидан жабрланганлар мажбурлов ёки таҳдид остида содир этилган қилмиш учун фуқаролик, маъмурий ва жиноий жавобгарликдан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда озод қилинади.

13-модда. Одам савдосидан жабрланганларнинг таъминоти ва уларни реабилитация қилиш билан боғлиқ харажатларнинг ўрнини қоплаш

Суд томонидан одам савдосида айбдор деб топилган шахслар одам савдосидан жабрланганларнинг таъминоти ва уларни реабилитация қилиш билан боғлиқ харажатларнинг ўрнини тўлиқ ҳажмда қоплайди.

4-боб. Яқунловчи қоидалар

14-модда. Одам савдосига қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорлик

Одам савдосига қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорлик Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига ва халқаро шартномаларига мувофиқ амалга оширилади.

15-модда. Одам савдосига қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Одам савдосига қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

16-модда. Қонун ҳужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:
ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиради;
давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

17-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2008 йил 17 апрель,
ЎРҚ-154-сон

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACISI VAZIRLAR MAҲKAMASINING ҚАРОРИ

119 Республика саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички тармоқ ва тармоқлараро саноат кооперациясини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 12 ноябрдаги ПФ–3937-сон Фармони бажариш юзасидан ҳамда Республика саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси фаолиятини мунтазам асосда ташкил этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг «Ўзэкспомарказ» МКК» очиқ акциядорлик жамияти тузилмасида Республика саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасининг Ижро этувчи органини ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Қўйидагилар Республика саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси Ижро этувчи органининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

Республика саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасининг мунтазам асосда ўтказилишини ташкил этиш;

ишлаб чиқарилаётган, импорт қилинаётган ва ўзлаштирилиши истиқболли бўлган товарлар тўғрисида, бунинг учун ишлаб чиқариш ва технологик ресурсларга эга бўлган мамлакатимиз корхоналари тўғрисида, шунингдек бундай товарларни ишлаб чиқаришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисидаги маълумотларнинг ахборотлар базасини, шу жумладан доимий равишда янгилаб бориладиган Интернет тармоғига жойлаштириш йўли билан юритиш ва хўжалик юритувчи субъектларни улардан кенг хабардор қилиш;

шерикларни излаб топишда ҳамда ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни етказиб бериш юзасидан маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ўртасида хўжалик шартномалари тузишда, шунингдек тармоқлараро ва ички тармоқ ишлаб чиқариш кооперация алоқаларини йўлга қўйиш ва мустаҳкамлашда ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг буюртмалар портфелларини шакллантиришда қўмаклашиш;

Республика саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси ташкилий қўмитаси қарорларини амалга ошириш.

3. Республика саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси Ижро этувчи органининг ходимларнинг чекланган сони 12 нафардан иборат бўлган (хизмат кўрсатувчи ходимлардан ташқари) тузилмаси 1-иловага мувофиқ маъқуллансин.

Республика саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси Ижро этувчи органи фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо

вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси, бошқа манфаатдор тузилмалар билан биргаликда:

Республика саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасининг Ижро этувчи органига унинг фаолиятини самарали ташкил этиш учун зарур бўлган ахборот материалларни мунтазам асосда тақдим этсин;

бир ой муддатда Республика саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси Ижро этувчи органининг самарали фаолиятини таъминловчи маълумотларнинг ахборот базаларини шакллантиришда ва доимий равишда янгилаб боришда ўзаро ҳамкорлик қилиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқласин.

5. Белгилансинки:

«Ўзэкспомарказ» МКК» очиқ акциядорлик жамияти маблағлари, тузилган шартномалардан олинadиган воситачилик ҳақи, халқаро молия институтлари ва донор ташкилотларнинг грант маблағлари, хомийлик ёрдами ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар Республика саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси Ижро этувчи органи фаолиятини молиялаштириш манбалари ҳисобланади;

«Ўзэкспомарказ» МКК» очиқ акциядорлик жамиятининг кўргазма майдонлари кичик бизнес корхоналарига — Республика саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси қатнашчиларига имтиёзли тарифлар бўйича берилади.

6. 2008 йилда Республика саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасини тайёрлаш ва ўтказиш бўйича Комплекс тадбирлар 3-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Республика саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасининг доимий фаолият кўрсатувчи ташкилий қўмитаси (Р. Азимов) давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, корхоналарнинг 2008 йил октябрь ойида Республика саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасини сифатли тайёрлаш ва ўтказиш бўйича фаолиятини мувофиқлаштиришни таъминласин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2008 йил 11 апрель,
67-сон


* 3-илова берилмайди.

+

Вазирлар Маҳкамасининг
2008 йил 11 апрелдаги 67-сон қарорига
1-ИЛОВА

16 (308)-сон

**Республика саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси
Ижро этувчи органининг
тузилмаси**



— 17 —

119-модда

Вазирлар Маҳкамасининг
2008 йил 11 апрелдаги 67-сон қарорига
2-ИЛОВА

Республика саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси Ижро этувчи органи фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички тармоқ ва тармоқлараро саноат кооперациясини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 12 ноябрдаги ПФ-3937-сон Фармониға мувофиқ ишлаб чиқилган ва Республика саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси ҳамда унинг Ижро этувчи органи фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Республика саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси хўжалик юритувчи субъектларни республикада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар тўғрисида кенг хабардор қилиш, шерикларни излаб топишда ҳамда ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотларни етказиб бериш юзасидан мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари ўртасида хўжалик шартномалари тузишда ёрдам кўрсатиш мақсадида мунтазам асосда ўтказилади.

3. Республика саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси «Ўзэкспомарказ» ММК» очик акциядорлик жамияти кўргазма майдонларида ўтказилади.

4. Республика саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси фаолиятини ташкил этишда давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ўзаро ҳамкорлиги билан боғлиқ масалаларни мувофиқлаштириш Республика саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасининг доимий фаолият кўрсатувчи ташкилий қўмитаси (кейинги ўринларда ташкилий қўмита деб аталади) томонидан амалга оширилади.

Республика саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасини тайёрлаш ва ўтказиш ташкилий қўмита томонидан тасдиқланадиган Комплекс тадбирлар асосида амалга оширилади.

5. Республика саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасининг Ижро этувчи органи (кейинги ўринларда Ижро этувчи орган деб аталади) «Ўзэкспомарказ» ММК» очик акциядорлик жамиятининг таркибий бўлинмаси ҳамда Республика саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси ташкилий қўмитасининг ишчи органи ҳисобланади.

II. Ижро этувчи органнинг вазифалари ва функциялари

6. Қуйидагилар Ижро этувчи органнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

Республика саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасининг мунтазам асосда ўтказилишини ташкил этиш;

ишлаб чиқарилаётган, импорт қилинаётган ва ўзлаштирилиши истиқболли бўлган товарлар тўғрисида, бунинг учун ишлаб чиқариш ва технологик ресурсларга эга бўлган мамлакатимиз корхоналари тўғрисида, шунингдек бундай товарларни ишлаб чиқаришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисидаги маълумотларнинг ахборотлар базасини, шу жумладан доимий равишда янгилаб бориладиган Интернет тармоғига жойлаштириш йўли билан юритиш ва хўжалик юритувчи субъектларни улардан кенг хабардор қилиш;

шерикларни излаб топишда ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни етказиб бериш

юзасидан маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ўртасида хўжалик шартномалари тузишда, шунингдек тармоқлараро ва ички тармоқ ишлаб чиқариш кооперация алоқаларини йўлга қўйиш ва мустақамлашда ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг буюртмалар портфелларини шакллантиришда қўмаклашиш;

Республика саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси ташкилий қўмитаси қарорларини амалга ошириш.

7. Ижро этувчи орган ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни амалга оширади:

ишлаб чиқарилаётган, импорт қилинаётган ва ўзлаштирилиши истиқболли бўлган товарлар тўғрисидаги, бунинг учун ишлаб чиқариш ва технологик ресурсларга эга бўлган мамлакатимиз корхоналари тўғрисидаги, шунингдек бундай товарларни ишлаб чиқаришда давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисидаги (мавжуд бўлган тақдирда) доимий равишда янгилаб бориладиган ахборотлар маълумотлар базасини Интернет тармоғига жойлаштириш;

мамлакатимиз ишлаб чиқарувчиларини ички бозорда уларнинг корхоналари базасида, шунингдек ўзлаштирилган маҳсулотларнинг потенциал истеъмолчилари бўлган корхоналарда ишлаб чиқариш мумкин бўлган товарларга, бутловчи буюмларга ва материалларга бўлган эҳтиёж тўғрисида аниқ манзилли хабардор қилиш;

импорт қилувчиларнинг мамлакатимиздаги потенциал маҳсулот ишлаб чиқарувчилар билан, шунга ўхшаш импорт қилинадиган маҳсулотларни ишлаб чиқарувчилар билан ишлаб чиқариш алоқаларини йўлга қўйиш учун амалий учрашувлари ва музокараларини ташкил этиш;

мамлакатимиз ишлаб чиқарувчиларининг биргаликдаги ишлаб чиқариш фаолиятини ва кооперация алоқаларини йўлга қўйиш мақсадида мамлакатимизнинг бошқа ишлаб чиқарувчилари билан презентацияларини ташкил этиш;

мамлакатимиз хўжалик юритувчи субъектларини Республика саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасини ўтказиш саналари, тартиби ва уларда қатнашиш шартлари тўғрисида ўз вақтида хабардор қилиш;

ташкил этилаётган Республика саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасида хўжалик юритувчи субъектларнинг — ишлаб чиқарувчиларнинг, биринчи навбатда мамлакатимиздаги импорт қилинаётганга ўхшаш маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг, шунингдек республикада ўзлаштирилиши истиқболли бўлган хорижий товарларни импорт қилувчиларнинг кенг тақдим этилишини таъминлаш;

миллий ишлаб чиқарувчиларга шерикларни излаб топишда ва Республика саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси доирасида ўз маҳсулотини мамлакатимиз корхоналарига етказиб бериш юзасидан шартномалар тузишда қўмаклашиш;

Республика саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси доирасида хўжалик юритувчи субъектлар билан тузилган шартномаларни рўйхатдан ўтказиш ва уларнинг реестрини юритиш, шунингдек бундай шартномалар қатнашчиларига ушбу реестрдан кўчирмалар бериш;

тармоқлараро Республика саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси доирасида тузилган шартномаларнинг бажарилишини таҳлил қилиш;

тармоқ ва минтақавий саноат ярмаркалари ташкилотчиларига уларни ўтказишда методик ёрдам кўрсатиш;

саноат кооперация алоқаларини чуқурлаштиришга ва маҳаллий хом ашёни қайта ишлаш ҳамда замонавий технологияларни ўзлаштириш асосида маҳсулотлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни кенгайтиришга йўналтирилган тадбирлар бўйича ахборотларни тадбиркорлар ва аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилишни таъминлаш учун оммавий ахборот воситаларида материаллар ва таҳлилий шарҳлар эълон қилиш;

Республика саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасининг доимий ишлайдиган ташкилий қўмитасига ҳамда Иқтисодиёт вазирлигига Ижро этувчи орган фаолиятини, шунингдек Республика саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасини тайёрлаш ва ўтказиш жараёнини мақбуллаштириш бўйича таклифлар киритиш.

8. Ижро этувчи орган ўз вазифалари ва функцияларини амалга оширишда Савдо-саноат палатаси, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, корхоналар билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

III. Республика саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси фаолиятини таъминлаш учун Ижро этувчи органнинг вазирликлар ва идоралар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш тартиби

9. Республика саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси, Савдо-саноат палатаси, Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржаси билан биргаликда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларини, хўжалик бошқаруви органларини ва корхоналарни жалб этган ҳолда Ижро этувчи органга зарур ахборот материалларни мунтазам асосда тақдим этади.

10. Ахборот материалларни шакллантириш ва доимий равишда янгилаб боришда, бошланғич ахборотларни тўплаш ва таҳлил қилишда, шунингдек кейинчалик маълумотлар базасига тақдим этишда вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

IV. Ижро этувчи органнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

11. Ижро этувчи орган ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун ўз ваколатлари доирасида қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Республика саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасининг доимий ишлайдиган ташкилий қўмитасига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигига Ижро этувчи орган фаолиятини, шунингдек Республика саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасини тайёрлаш ва ўтказиш жараёнини мақбуллаштириш бўйича таклифлар киритиш;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигидан ушбу Низомда белгиланган маълумотларнинг электрон базаларини олиш.

12. Ижро этувчи орган:

маълумотларнинг доимий равишда янгилаб бориладиган ахборот базаларининг тизимли юритилиши ва Интернет тармоғига жойлаштирилиши ҳамда тармоқлараро ва ички тармоқ ишлаб чиқариш алоқаларини йўлга қўйишда ва мустаҳкамлашда ва ушбу Низомда белгиланган тартибда хўжалик юритувчи субъектларнинг буюртмалар портфелларини шакллантиришда кўмаклашиш бўйича чора-тадбирларнинг самарали амалга оширилиши;

ишлаб чиқариладиган, импорт қилинадиган ва ўзлаштирилиши истикболли бўлган товарлар тўғрисида, шунингдек бунинг учун ишлаб чиқариш ва технологик ресурсларга эга бўлган корхоналар тўғрисида, бундай товарларни (мавжуд бўлган

тақдирда) ишлаб чиқаришда давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида;

Республика саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасининг доимий ишлайдиган ташкилий қўмитаси билан Комплекс тадбирларни ўз вақтида келишилиши ва тасдиқланиши;

вазирликлар, идоралар ва хўжалик юритувчи субъектларнинг, Савдо-саноат палатаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг, корхоналарнинг Республика саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасининг ўтказилиш муддатлари тўғрисида ўз вақтида хабардор қилиниши;

Республика саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси доирасида хўжалик юритувчи субъектлар билан тузилган шартномалар реестрининг сифатли юритилиши учун жавоб беради.

Ижро этувчи орган ушбу Низомга мувофиқ ўзига юкланган бошқа вазифалар ва функцияларнинг самарали бажарилиши учун жавоб беради.

V. Ижро этувчи орган фаолиятини ташкил этиш

13. Ижро этувчи органга айна бир вақтда «Ўзэкспормарказ» ММК» очик акциядорлик жамияти бош директорининг ўринбосари ҳисобланадиган бошлиқ бошчилик қилади.

14. Ижро этувчи органнинг раҳбари Республика саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасининг ташкилий қўмитаси билан келишилган ҳолда, белгиланган тартибда лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

15. Ижро этувчи орган раҳбари:

Ижро этувчи органнинг самарали фаолият кўрсатишини таъминлайди, Ижро этувчи органга юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

Республика саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасини ўтказиш билан боғлиқ бўлган тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши устидан назоратни таъминлайди.

16. Ижро этувчи орган қуйидаги учта бўлимдан иборат бўлади:

Республика саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасини ўтказишни ташкил этиш бўлими;

ахборот-таҳлилий таъминлаш ва маълумотлар базасини юритиш бўлими;
хўжалик юритувчи субъектлар билан ишлаш ва ишлаб чиқариш-кооперация алоқаларини йўлга қўйишга қўмаклашиш бўлими.

17. Ижро этувчи органнинг ходимлари Республика саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасининг ташкилий қўмитаси билан келишилган ҳолда, белгиланган тартибда лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

18. Республика саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасининг ташкилий қўмитаси Ижро этувчи органнинг тузилмасига ва ходимлари сонига ўзгартиришлар кiritиши мумкин.

VI. Ижро этувчи органни қайта ташкил этиш ва унинг фаолиятини тўхтатиш

19. Ижро этувчи органни қайта ташкил этиш ва унинг фаолиятини тўхтатиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан амалга оширилади.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ
ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

120 «Ўзбекистон почтаси» очик акциядорлик жамияти-
нинг талаб қилиб олингунча махсус депозит ҳисоб-
варақларидан операцияларни амалга ошириш ва уларни бух-
галтерия ҳисобида акс эттириш тартиби тўғрисидаги низом-
ни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил
14 апрелда 1790-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2008 йил 24 апрелдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Почта алоқаси тўғрисида»ги ва «Бухгалтерия
ҳисоби тўғрисида»ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси-
нинг 2004 йил 19 июлдаги «Почта алоқаси соҳасидаги фаолиятни такомиллашти-
риш тўғрисида»ги 339-сон қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Молия вазир-
лиги, Марказий банки Бошқаруви, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентли-
ги **қарор қиладилар:**

1. «Ўзбекистон почтаси» очик акциядорлик жамиятининг талаб қилиб олин-
гунча махсус депозит ҳисобварақларидан операцияларни амалга ошириш ва уларни
бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби тўғрисидаги низом» иловага асосан тас-
диқлансин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига
олинган кундан бошлаб ўн кундан кейин кучга киради.

Молия вазири

Тошкент ш.,
2008 йил 10 март,
22-сон

Р. АЗИМОВ

**Марказий банк
Бошқаруви раиси**

Тошкент ш.,
2008 йил 10 март,
301-В-сон

Ф. МУЛЛАЖОНОВ

**Ўзбекистон алоқа ва
ахборотлаштириш
агентлиги Бош директори**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2008 йил 10 март,
10-8/719-сон

Молия вазирлиги, Марказий банк
Бошқаруви ва Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг 10 мартдаги
22, 301-В, 10-8/719-сон қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН

**«Ўзбекистон почтаси» очик акциядорлик жамиятининг талаб қилиб олингунча махсус депозит ҳисобварақларидан операцияларни амалга ошириш ва уларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

Ушбу Низом «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида», «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида», «Почта алоқаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Почта алоқаси соҳасидаги фаолиятни такомиллаштириш тўғрисида» 2004 йил 19 июлдаги 339-сонли қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 29-сон, 330-модда) мувофиқ «Ўзбекистон почтаси» очик акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ деб юритилади), унинг почта алоқаси ҳудудий ташкилотлари ва почта алоқаси объектлари (почта алоқаси боғламалари, почтаамтлар)нинг (кейинги ўринларда таркибий бўлинмалар деб юритилади) банкларда очилган талаб қилиб олингунча махсус депозит ҳисобварақларидан операцияларни амалга ошириш ва уларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартибини белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ ва унинг таркибий бўлинмаларига татбиқ этилади.

2. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланади:

талаб қилиб олингунча асосий депозит ҳисобварақ — исталган пайтда талаб қилиб олиниши мумкин бўлган, пул маблағларини қабул қилиш, ҳисобга киритиш, ўтказиш ва жорий мақсадлар учун бериш бўйича операцияларни амалга ошириш учун мўлжалланган, «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ ва унинг таркибий бўлинмаларига хизмат кўрсатувчи банк томонидан очилган талаб қилиб олингунча асосий депозит ҳисобварағи;

пенсия ҳисобварағи — пенсия ва ижтимоий нафақаларни тўлаш учун мўлжалланган вилоят, шаҳар ва туман ижтимоий таъминот бўлимларининг пул маблағларини қабул қилиш, ҳисобга киритиш, ўтказиш ва бериш бўйича операцияларни амалга ошириш учун мўлжалланган «Ўзбекистон почтаси» ОАЖнинг таркибий бўлинмаларига хизмат кўрсатувчи банкларда очиладиган 22610 «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ-

нинг таркибий бўлинмалари томонидан тўлайдиган пенсия ва ижтимоий нафақалар» махсус депозит ҳисобварағи;

Ўтказма ҳисобварақ — ўтказма операциялар бўйича ҳисоб-китоблар ва даврий нашрларга обуна бўйича мўлжалланган, «Ўзбекистон почтаси» ОАЖнинг таркибий бўлинмаларига хизмат кўрсатувчи банклар томонидан очилган, 22612 «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ таркибий бўлинмаларининг пул ўтказмалари ва даврий нашрларга обунаси» махсус депозит ҳисобварағи.

3. Ўтказма операцияларига қуйидагилар киради:

а) жисмоний шахслардан пул ўтказмаларини қабул қилиш ва жисмоний шахсларга тўлаш;

б) коммунал ва бошқа турдаги хизматлардан фойдаланганлик учун тўлов сифатида жисмоний шахслардан пул маблағлари ва бошқа тўловларни қабул қилиш ҳамда уларни мақсади бўйича ўтказиш;

в) юридик шахслардан ижтимоий аҳамиятга эга пул ўтказмалари (иш ҳақи, моддий ёрдам, алиментлар ва бошқалар)ни қабул қилиш ва уларни жисмоний шахсларга тўлаш.

4. Даврий нашрларга обуна ўз ичига даврий нашрларга обуна тўлови учун нақд ва нақд пулсиз маблағларини қабул қилиш, уларни ҳисобга киритиш ва мақсади бўйича ўтказиш, шунингдек обуначиларга пул маблағларини қайтаришни қамраб олади.

5. Даврий матбуот нашрларига обуна бўлиш, ўтказма операциялар, шунингдек пенсия ва ижтимоий нафақаларни етказиб бериш ва тўлаш бўйича операцияларини амалга ошириш натижасида «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ ва унинг таркибий бўлинмалари оладиган даромадларга солиқ солиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

6. «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ таркибий бўлинмаларида пул ўтказмалари, обуна, шунингдек, пенсия ва ижтимоий нафақаларни етказиб бериш ва тўлаш бўйича операциялар билан боғлиқ нақд пул маблағларининг келиб тушиши ва чиқимини расмийлаштириш тартиби «Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлигининг почта алоқаси бўйича эксплуатация корхоналарида касса операцияларини юритиш қоидалари» (2000 йил 1 март, рўйхат рақами 904 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2000 й., 5-сон) билан тартибга солинади.

II. Талаб қилиб олингунча махсус депозит ҳисобварақларини очиш ва ёпиш тартиби

7. Почта алоқаси хизматлари кўрсатилишини ташкил этиш мақсадида «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ ва унинг таркибий бўлинмалари хизмат кўрсатувчи банкларда талаб қилиб олингунча махсус депозит ҳисобварақларини очадилар.

8. Талаб қилиб олингунча махсус депозит ҳисобварақларини очиш, ёпиш, қайта расмийлаштириш, шунингдек, бошқа банкка ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2001 йил 6 октябрдаги 25/4-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқнома» (2001 йил 10 ноябрь, рўйхат рақами 1080 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2001 йил, 21-сон) билан белгиланади.

9. «Ўзбекистон почтаси» ОАЖнинг талаб қилиб олингунча махсус депозит ҳисобварақлар «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ аризаси асосида, таркибий бўлинмалар эса — «Ўзбекистон почтаси» ОАЖнинг илтимосномасига асослашиб Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2001 йил 6 октябрдаги 25/4-сон

қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқнома»га (2001 йил 10 ноябрь, рўйхат рақами 1080) мувофиқ очилади.

10. Талаб қилиб олингунча махсус депозит ҳисобварақларини очишда «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ ва унинг таркибий бўлинмалари хизмат кўрсатувчи банклар билан банк ҳисобварағи шартномалари тузадилар.

11. Хизмат кўрсатувчи банкларда почта алоқасининг ҳудудий ташкилотларининг талаб қилиб олингунча бошқа махсус депозит ҳисобварақларини очиш, амалдаги ҳисобварақларини ёпиш, шунингдек, ушбу ҳисобварақлар бўйича операциялар ўтказилишини тўхтатиш (тақиқлаш) «Ўзбекистон почтаси» ОАЖнинг буйруғи асосида ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Талаб қилиб олингунча махсус депозит ҳисобварақларни ёпиш заруратга кўра, «Ўзбекистон почтаси» ОАЖнинг буйруғида белгиланган тартибда инвентаризация қилинганидан кейин амалга оширилади.

12. Хизмат кўрсатувчи банкларда махсус ўтказма ҳисобварақларидан ташқари, почта алоқаси объектларининг талаб қилиб олингунча бошқа махсус депозит ҳисобварақларини очиш, амалдаги ҳисобварақларини ёпиш, ушбу ҳисобварақлар бўйича операциялар ўтказилишини тўхтатиш (тақиқлаш) тегишли почта алоқаси ҳудудий ташкилотининг буйруғи асосида ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибга мувофиқ амалга оширилади.

Талаб қилиб олингунча махсус депозит ҳисобварақларининг ёпилиши, ўтказма ҳисобварақларидан ташқари, тегишли почта алоқаси ҳудудий ташкилотининг буйруғида белгиланган тартибда инвентаризация қилинганидан кейин амалга оширилади.

13. Хизмат кўрсатувчи банкларда почта алоқаси объектлари бошқа ўтказма ҳисобварақларини очиш, амалдаги ҳисобварақларини ёпиш, операциялар ўтказилишини тўхтатиш (тақиқлаш) «Ўзбекистон почтаси» ОАЖнинг буйруғи асосида ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибга мувофиқ амалга оширилади.

Ўтказма ҳисобварақларининг ёпилиши «Ўзбекистон почтаси» ОАЖнинг буйруғида белгиланган тартибда инвентаризация қилинганидан кейин амалга оширилади.

III. Талаб қилиб олингунча махсус депозит ҳисобварақларидаги пул маблағларининг келиб тушиш манбалари ва улардан фойдаланиш тартиби

14. Ўтказма ҳисобварақларига пул маблағларининг келиб тушиш манбалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

а) жисмоний ва юридик шахслардан пул ўтказмаларини қабул қилишдан олинган нақд пул маблағлари;

б) коммунал ҳамда бошқа турдаги хизматлардан фойдаланганлик учун тўлов сифатида жисмоний шахслардан қабул қилинган нақд пул маблағлари ҳамда бошқа тўловлар;

в) даврий нашрларга обуна бўлиш учун обуначилардан нақд ва/ёки нақд пулсиз шаклда келиб тушган пул маблағлари;

г) «Ўзбекистон почтаси» ОАЖнинг таркибий бўлинмалари томонидан почта тўлови давлат белгилари (кейинги ўринларда — ПТДБ), конвертлар, очик хатлар ва бошқа товарларни сотишдан тушган нақд ва/ёки нақд пулсиз шаклда келиб тушган пул маблағлари;

д) юридик шахслардан ижтимоий аҳамиятга эга пул ўтказмалари (иш ҳақи,

моддий ёрдам, алиментлар ва бошқалар) тўлови учун нақд ёки нақд пулсиз шаклда олинган пул маблағлари;

е) пенсия ва ижтимоий нафақаларни ўз вақтида тўлаш учун «Ўзбекистон почтаси» таркибий бўлинмаларининг кассасига тушган нақд пулларни фармойиш асосида почта алоқаси боғламалари ва бўлимларига тақсимланган, илгари тўланган пул маблағларини қоплаш мақсадида, махсус пенсия ҳисобварағидан келиб тушган нақд пулсиз маблағлари;

ж) пул ўтказмаларининг тўлови суммаси қабул қилинган суммадан ошганда ёки пул ўтказмаларининг қабул қилинган суммаси уларнинг тўлови суммасидан ошганда ўтказма ҳисобварақларини тўлдириш учун «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ ва унинг таркибий бўлинмалари ўтказма ҳисобварақларидан келиб тушган нақд пулсиз маблағлари;

з) курс фарқидан кўрилган зарарни қоплаш учун «Ўзбекистон почтаси» ОАЖнинг талаб қилиб олингунча асосий депозит ҳисобварағидан, валюта ўтказма ҳисобварақларидаги чет эл валютаси қолдиқларини ҳар ойлик қайта баҳолаш натижасида салбий курс фарқи ҳосил бўлганда ўтказиладиган пул маблағлари;

и) лимитдан ортиқча бўлган касса қолдиқлари кўринишидаги нақд пул маблағлари.

15. Пенсия ҳисобварағига пул маблағларининг келиб тушиш манбаи бўлиб бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг пул маблағлари ҳисобланади.

16. Ўтказма ҳисобварақларидаги пул маблағлари фақат қуйидаги мақсадларга йўналтирилиши мумкин:

а) қабул қилинган пул ўтказмаларини уларнинг олувчиси (адресат)га ёки жўнатувчисига нақд пул маблағлари шаклида бевосита тўлаш учун;

б) аҳолидан қабул қилинган коммунал ва бошқа тўловларни тегишли корхоналар ва ташкилотларнинг талаб қилиб олингунча асосий депозит ҳисобварақларига ўтказиш учун;

в) «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ ва унинг таркибий бўлинмалари томонидан фойдаланувчиларга хизмат кўрсатишдан олган даромадларини ўзларининг талаб қилиб олингунча асосий депозит ҳисобварақларига ўтказиш учун;

г) даврий нашрларга обуна бўйича келиб тушган пул маблағларини нашриётлар ва таҳририятларнинг талаб қилиб олингунча асосий депозит ҳисобварақларига ўтказиш учун;

д) даврий нашрларга обуна бўйича келиб тушган пул маблағларини «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси (кейинги ўринларда «Матбуот тарқатувчи» АК деб юритилади) ва унинг таркибий ҳудудий бўлинмаларининг талаб қилиб олингунча асосий депозит ҳисобварақларига ўтказиш учун;

е) даврий нашрларга обуна бўйича келиб тушган пул маблағларини «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ ва почта алоқасининг ҳудудий ташкилотлари талаб қилиб олингунча асосий депозит ҳисобварақларига (вилоятлар ичида ва магистрал йўналишлар бўйича даврий нашрларни қайта ишлаш ва ташиш учун) ўтказиш учун;

ж) даврий нашрларга обунани ташкил этиш бўйича хизматлардан олинган даромадлар сифатида келиб тушган пул маблағларини «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ таркибий бўлинмаларининг талаб қилиб олингунча асосий депозит ҳисобварақларига ўтказиш учун;

з) жисмоний шахслар томонидан илгари амалга оширилган обуна рад этилган тақдирда, агар обуна улар томонидан нақд пул маблағлари кўринишида амалга оширилган бўлса, обуна суммаларини нақд пул маблағлари билан қайтариш учун;

и) юридик шахслар томонидан илгари амалга оширилган обуна рад этилган тақдирда, обуна суммаларини нақд пулсиз маблағлар шаклида қайтариш учун;

к) почта алоқаси объектлари томонидан қабул қилинган пул ўтказмаларининг суммаси пул ўтказмалари бўйича тўлов суммасидан (ҳам нақд пул, ҳам нақд пулсиз шаклларида) ошиб кетган ҳолда ўтказма ҳисобварағини тўлдириш учун, ҳосил бўлган ортиқча суммани улар томонидан почта алоқасининг ҳудудий ташкилотлари ўтказма ҳисобварақларига ўтказиш йўли билан;

л) почта алоқасининг ҳудудий ташкилотлари томонидан қабул қилинган пул ўтказмаларининг суммаси пул ўтказмалари бўйича тўлов суммасидан (ҳам нақд, ҳам нақд пулсиз шаклларида) ошиб кетган ҳолда ўтказма ҳисобварағини тўлдириш учун, ҳосил бўлган ортиқча суммани улар томонидан «Ўзбекистон почтаси» ОАЖнинг махсус ўтказма ҳисобварағига ўтказиш йўли билан;

м) «Ўзбекистон почтаси» ОАЖнинг валюта ўтказма ҳисобварақларидаги чет эл валютаси қолдиқларини ҳар ойлик қайта баҳолаш натижасида ижобий курс фарқи ҳосил бўлганда (курсдаги фарқдан олинган даромадлар сифатида), «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ талаб қилиб олингунча асосий депозит ҳисобварағига.

17. Пенсия ҳисобварақларидаги пул маблағлари қуйидагиларга йўналтирилади:

а) пенсия ва ижтимоий нафақаларни нақд пул маблағлари билан тўлаш учун;

б) солиштириш далолатномаларига мувофиқ тегишли суммаларни нақд пулсиз шаклда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг тегишли ҳудудий органлари ҳисобварақларига;

в) пенсия ва ижтимоий нафақаларни ўз вақтида тўлаш учун «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ таркибий бўлинмаларининг кассасига келиб тушган нақд пуллари фармойиш асосида почта алоқаси боғламалари ва почта алоқаси бўлимларига тақсимланган, илгари тўланган пул маблағларини қоплаш мақсадида нақд пулсиз шаклда «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ таркибий бўлинмаларининг ўтказма ҳисобварақларига. Почта алоқаси боғламалари ва бўлимларининг кассасига келиб тушган нақд пул маблағлари ҳисобидан тўланган пенсия ва ижтимоий нафақа пулларига алоҳида таққослама далолатнома бўлиши лозим.

18. «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ таркибий бўлинмаларининг кассаларига келиб тушган барча нақд пул маблағлари, уларнинг мақсадидан қатъи назар, вақтинча ўтказма маблағларга тегишли бўлиб, биринчи навбатда пенсия ва ижтимоий нафақаларни, пул ўтказмаларини тўлаш, шунингдек, ушбу мақсадлар учун идора қаромоғидаги почта алоқаси объектларига нақд пул билан мадад бериш учун фойдаланилади.

19. «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ таркибий бўлинмаларининг кассаларида пенсия ва ижтимоий нафақаларни нақд пул маблағлари билан тўлаш, шунингдек, пул ўтказмалари операциялари бўйича тўловларни амалга ошириш учун вақтинча нақд пул маблағлари етишмаган ҳолларда, уларга хизмат кўрсатувчи банклардаги тегишли талаб қилиб олингунча махсус депозит ҳисобварақларидаги қолдиқлар доирасида нақд пулда мадад оладилар.

20. Кун охирида «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ таркибий бўлинмаларининг кассаларидаги хизмат кўрсатувчи банк томонидан белгиланган лимитдан ортиқча нақд пул маблағлари, «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ ўз бўлинмаларининг эҳтиёжлари учун ойлик иш ҳақи ва уларга тенглаштирилган тўловлар ва бошқа тўловларни тўлаш учун олинган маблағлардан ташқари, тегишли талаб қилиб олингунча махсус депозит ҳисобварақларига кирим қилиш учун банкка топширилиши шарт. Ушбу маблағлар, қонун ҳужжатларида белгиланган муддат тугаганидан сўнг, мазкур бўлинма-

лар талаб қилиб олингунча асосий депозит ҳисобварақларига ўтказиш учун банкка топширилади.

21. «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ ва унинг таркибий бўлинмаларига корхонанинг эксплуатацион ва бошқа эҳтиёжлари учун талаб қилиб олингунча махсус депозит ҳисобварақларидаги маблағлардан фойдаланиш тақиқланади.

22. «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ ва унинг таркибий бўлинмалари раҳбарлари ва бош бухгалтерлари тушумлар ҳисобга олинишининг тўғрилиги ва талаб қилиб олингунча махсус депозит ҳисобварақларидаги пул маблағларининг мақсадли ишлатилиши учун шахсан жавобгардирлар.

**IV. «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ ва унинг таркибий
бўлинмаларининг талаб қилиб олингунча махсус депозит
ҳисобварақлари бўйича операцияларнинг бухгалтерия ҳисобини
ташкил этиш хусусиятлари**

23. «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ ва унинг таркибий бўлинмаларининг бухгалтерия счётлари бўйича тегишли регистрларда талаб қилиб олингунча махсус депозит ҳисобварақларидаги пул маблағларининг ҳаракатини ва қолдиқларини рўйхатга олиш мақсадида «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ ишчи счётлар режасида кўзда тутилган ва ушбу счётлар бўйича операцияларни ҳисобга олиш учун мўлжалланган бухгалтерия счётлари очилади.

24. Талаб қилиб олингунча махсус депозит ҳисобварақлар бўйича операциялар тегишли хизмат кўрсатувчи банкларнинг ушбу ҳисобварақлар бўйича кўчирмалари ва уларга илова қилинган тасдиқловчи бирламчи ҳужжатлар (пул ҳисоб-китоб ҳужжатлари ва бошқалар) асосида «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ ва унинг таркибий бўлинмаларининг бухгалтерия ҳисобида акс эттирилади.

25. «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ ва унинг таркибий бўлинмаларининг ҳисоб сисёсатига илова қилинадиган молиявий-ҳўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби счётларининг иш режасида, талаб қилиб олингунча махсус депозит ҳисобварақлар бўйича операцияларини батафсил ҳисобга олиш мақсадида қуйидаги баланс счётлари очилади:

а) кассадаги пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар гуруҳида (5000) — 5010 «Почта алоқаси объектларининг бош кассаси» счёти, 5011 «Почта алоқаси бўлимларининг операцион кассаси» счёти;

б) банкдаги махсус ҳисобварақларда пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар гуруҳида (5500) — қуйидаги счётлар: 5531 «Миллий валютадаги ўтказма ҳисобварақ», 5532 «Чет эл валютасидаги ўтказма ҳисобварақ», 5540 «Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағларининг пенсия ҳисобварағи»;

в) олинган бўнақларни ҳисобга олувчи счётлар гуруҳида (6300) — қуйидаги счётлар: 6330 «Даврий нашрлар учун обуначилардан олинган бўнақлар», 6331 «Аниқ даврий нашрларга расмийлаштирилган обуналар бўйича бўнақлар»; 6340 «Миллий валютадаги пул ўтказмалари бўйича мажбуриятлар», 6341 «Чет эл валютасидаги пул ўтказмалари бўйича мажбуриятлар», 6343 «Жисмоний шахслар ва уларнинг ишончли шахслари маблағларини коммунал ва бошқа пулли хизмат турларини кўрсатувчи корхоналарнинг тегишли банк ҳисобварақларига ўтказиш бўйича миллий валютада олинган бўнақлар», 6350 «Пенсия ва ижтимоий нафақаларни етказиб бериш ва тўлаш учун олинган бўнақлар».

26. Талаб қилиб олингунча махсус депозит ҳисобварақлари билан боғлиқ бўлган операцияларнинг бухгалтерия ҳисоби «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ ва унинг тарки-

бий бўлинмалари бошқа операцияларининг бухгалтерия ҳисобидан алоҳида юритилади.

V. «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ ва унинг таркибий бўлинмаларининг махсус ўтказма ҳисобварақлари билан боғлиқ бўлган даврий нашрларга обуна бўйича операцияларнинг бухгалтерия ҳисоби

27. Обуна бўйича қабул қилинган суммаларни «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ ва унинг таркибий бўлинмаларининг махсус ўтказма ҳисобварағидан нашриётлар, таҳририятларнинг тегишли банк ҳисобварақлари ва «Матбуот тарқатувчи» АКнинг талаб қилиб олингунча асосий депозит ҳисобварақларига ўтказиш тегишли шартномаларда кўзда тутилган тартиб ва муддатларда амалга оширилади.

Бунда почта алоқаси объектлари мустақил равишда маҳаллий нашриётлар билан шартномалар, почта алоқасининг ҳудудий ташкилотлари маҳаллий ва вилоят нашриётлари ҳамда «Матбуот тарқатувчи» АКнинг таркибий ҳудудий бўлинмалари билан шартномалар тузишлари мумкин, «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ эса, республика ва хорижий нашриётлар ҳамда «Матбуот тарқатувчи» АК билан шартномалар тузади. Битта вилоятнинг даврий нашрларига бошқа вилоят обуначилари (фойдаланувчилари) томонидан обуна амалга ошириладиган ҳолларда, ушбу вилоятлар нашриётлари билан обуна бўйича шартномалар «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ билан тузилади.

28. Республика, вилоят ва хорижий нашриётларнинг даврий нашрларига обуна бўйича қабул қилинган суммаларни почта алоқаси объектларининг махсус ўтказма ҳисобварағидан почта алоқасининг ҳудудий ташкилотлари тегишли махсус ўтказма ҳисобварақларига ва кейинчалик почта алоқасининг ҳудудий ташкилотлари махсус ўтказма ҳисобварағидан «Ўзбекистон почтаси» ОАЖнинг талаб қилиб олингунча асосий депозит ҳисобварағига ўтказиш тартиби ва муддатлари «Ўзбекистон почтаси» ОАЖнинг тегишли бошқарув ҳужжатлари (буйруқ, қарор, фармойиш ва шу кабилар) билан белгиланади.

29. Махсус ўтказма ҳисобварақлари билан боғлиқ бўлган даврий нашрларга обуна бўйича операциялар почта алоқаси объектларининг бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

а) даврий нашрларга обуна бўйича обуначилардан нақд пул маблағларининг келиб тушиши:

дебет 5010 «Почта алоқаси объектларининг бош кассаси» счёти ва/ёки 5011 «Почта алоқаси бўлимларининг операцион кассаси» счёти — даврий нашрнинг аниқ номи бўйича бирламчи ҳужжатларга асосан — қабул қилинган нақд пул маблағларининг умумий суммасига;

кредит 6331 «Аниқ даврий нашрларга расмийлаштирилган обуналар бўйича бўнақлар» (расмийлаштирилган обуна) счёти;

б) даврий нашрлар учун обуначилардан нақд пулсиз маблағларининг келиб тушиши:

дебет 5531 «Миллий валютадаги ўтказма ҳисобварақ» счёти — аниқ даврий нашрнинг номи бўйича бирламчи ҳужжатларга асосан — келиб тушган нақдсиз пул маблағларининг умумий суммасига;

кредит 6330 «Даврий нашрлар учун обуначилардан олинган бўнақлар» счёти;

в) даврий нашрларга обунадан келиб тушган нақд пул маблағларини тегишли махсус ўтказма ҳисобвараққа ўтказиш учун хизмат кўрсатувчи банкка топшириш:

дебет 5531 «Миллий валютадаги ўтказма ҳисобварақ» счёти — даврий нашрларга обуна бўйича топширилган нақд пул маблағларининг умумий суммасига;

кредит 5010 «Почта алоқаси объектларининг бош кассаси» счёти ёки 5011 «Почта алоқаси бўлимларининг операцион кассаси» счёти;

г) почта алоқаси объектларига аниқ даврий нашрларнинг номлари бўйича обуна учун расмийлаштирилган талабномалар тақдим этилганда:

дебет 6330 «Даврий нашрлар учун обуначилардан олинган бўнақлар» счёти;

кредит 6331 «Аниқ даврий нашрларга расмийлаштирилган обуна бўйича бўнақлар» счёти;

д) почта алоқаси объектлари томонидан маҳаллий нашриётларнинг даврий нашрларига обуна бўйича буюртмаларни расмийлаштирилганда:

дебет 6331 «Аниқ даврий нашрларга расмийлаштирилган обуналар бўйича бўнақлар» счёти;

кредит 6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган ҳисобварақлар» счёти — аниқ даврий нашрларнинг номлари бўйича (маҳаллий нашриётлар даврий нашрларининг нархлари бўйича) маҳаллий нашриётларга почта алоқаси объектлари томонидан расмийлаштирилган буюртмаларга тегишли улушнинг умумий суммасига;

кредит 6230 «Бошқа кечиктирилган даромадлар» счёти — маҳаллий нашриётларнинг даврий нашрлари учун расмийлаштирилган обуна бўйича почта алоқаси объектларининг кечиктирилган даромадлари суммасига (даврий нашрнинг аниқ номи бўйича обуна нархи билан маҳаллий нашриётларнинг нархи ўртасидаги фарқ);

е) почта алоқаси объектлари томонидан вилоят, республика ва хорижий нашриётларнинг даврий нашрларига обуна бўйича буюртмалар расмийлаштирилганда:

дебет 6331 «Аниқ даврий нашрларга расмийлаштирилган обуна бўйича бўнақлар» счёти;

кредит 6110 «Почта алоқасининг ҳудудий ташкилотларига тўланадиган ҳисобварақлар» счёти;

ж) даврий нашрларга расмийлаштирилган буюртмалар бўйича маҳаллий нашриёт билан шартномада келишилган миқдорда почта алоқаси объектларининг махсус ўтказма ҳисобварағидан пул маблағлари ўтказилганда:

дебет 4331 «Даврий нашрларга расмийлаштирилган талабномалар бўйича маҳаллий нашриётларга берилган бўнақлар» счёти;

кредит 5531 «Миллий валютадаги ўтказма ҳисобварақ» счёти;

з) вилоят, республика ва хорижий нашриётларнинг даврий нашрларига обуна бўйича почта алоқаси объектларининг махсус ўтказма ҳисобварақларидан обуна бўйича пул маблағларини почта алоқасининг ҳудудий ташкилотлари махсус ўтказма ҳисобварақларига ўтказилганда:

дебет 6110 «Почта алоқасининг ҳудудий ташкилотларига тўланадиган ҳисобварақлар» счёти — вилоят, республика ва хорижий нашриётларнинг даврий нашрларига обуна бўйича ўтказиб берилган пул маблағларининг умумий суммасига;

кредит 5531 «Миллий валютадаги ўтказма ҳисобварақ» счёти;

и) почта алоқаси объектларининг обуна бўлими томонидан тайёрланган ҳисобкитоб маълумотномасига мувофиқ, ҳисобот оyi давомида обуначиларга етказиб берилган маҳаллий нашриётларнинг даврий нашрлари суммасига:

дебет 6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган ҳисобварақлар» счёти — ҳисобот оyi давомида обуначиларга етказиб берилган маҳаллий нашриётларнинг даврий нашрлари суммасига;

кредит 4331 «Даврий нашрларга расмийлаштирилган талабномалар бўйича маҳаллий нашриётларга берилган бўнақлар» счёти;

к) ҳисобот оғи давомида обуначиларга маҳаллий нашриётларнинг даврий нашрларини етказиб беришдан олинган, илгари кечиктирилган даромадлар ҳисобидан тан олинган даромадлар суммасига:

дебети 6230 «Бошқа кечиктирилган даромадлар» счёти;

кредит 9030 «Ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишдан даромадлар» счёти.

30. Махсус ўтказма ҳисобварақлари билан боғлиқ бўлган даврий нашрларга обуна бўйича операциялар почта алоқасининг ҳудудий ташкилотлари бухгалтерия ҳисобида қўйидагича акс эттирилади:

а) даврий нашрлар учун обуначилардан нақд пул маблағларининг келиб тушиши:

дебет 5010 «Почта алоқаси объектларининг бош кассаси» счёти, 5011 «Почта алоқаси бўлимларининг операцион кассаси» счёти — аниқ даврий нашр номи бўйича бирламчи ҳужжатлар асосида қабул қилинган нақд пул маблағларининг умумий суммасига;

кредит 6331 «Аниқ даврий нашрларга расмийлаштирилган обуна бўйича бўнақлар» счёти;

б) даврий нашрларга обуначилардан нақд пулсиз маблағларининг келиб тушиши:

дебет 5531 «Миллий валютадаги ўтказма ҳисобварақ» счёти — аниқ даврий нашр номи бўйича бирламчи ҳужжатлар асосида келиб тушган нақд пулсиз маблағларининг умумий суммасига;

кредит 6330 «Даврий нашрлар учун обуначилардан олинган бўнақлар» счёти;

в) даврий нашрларга обунадан келиб тушган нақд пул маблағларини тегишли махсус ўтказма ҳисобвараққа ўтказиш учун хизмат кўрсатувчи банкка топшириш:

дебет 5531 «Миллий валютадаги ўтказма ҳисобварақ» счёти — даврий нашрларга обуна бўйича топширилган нақд пул маблағларининг умумий суммасига;

кредит 5010 «Почта алоқаси объектларининг бош кассаси» счёти ёки 5011 «Почта алоқаси бўлимларининг операцион кассаси» счёти;

г) вилоят, республика ва хорижий нашриётларнинг даврий нашрларига расмийлаштирилган обуна бўйича бирламчи ҳужжатлар асосида почта алоқаси объектларидан буюртмалар келиб тушганда:

дебет 4110 «Почта алоқаси объектларидан олинадиган ҳисобварақлар» счёти — обуна нархи бўйича вилоят, республика ва хорижий нашриётларнинг даврий нашрларига расмийлаштирилган обуна бўйича буюртмалар суммасига;

кредит 6331 «Аниқ даврий нашрларга расмийлаштирилган обуна бўйича бўнақлар» счёти;

д) обуначилар томонидан аниқ даврий нашрлар номлари бўйича расмийлаштирилган буюртмалар почта алоқасининг ҳудудий ташкилотларига такдим этилганда:

дебет 6330 «Даврий нашрларга обуначилардан олинган бўнақлар» счёти;

кредит 6331 «Аниқ даврий нашрларга расмийлаштирилган обуна бўйича бўнақлар» счёти;

е) маҳаллий ва вилоят нашриётларининг даврий нашрларига обуна бўйича почта алоқасининг ҳудудий ташкилотлари томонидан буюртмалар расмийлаштирилганда:

дебет 6331 «Аниқ даврий нашрларга расмийлаштирилган обуна бўйича бўнақлар» счёти;

кредит 6010 «Етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган ҳисобварақлар» счёти — аниқ даврий нашрларнинг номлари бўйича маҳаллий ва вилоят наш-

риётларига почта алоқасининг ҳудудий ташкилотлари томонидан расмийлаштирилган буюртмаларга тўғри келадиган улушнинг умумий суммасига (маҳаллий ва вилоят нашриётлар даврий нашрларининг нархлари бўйича);

кредит 6230 «Бошқа кечиктирилган даромадлар» счёти — маҳаллий ва вилоят нашриётларининг даврий нашрларига расмийлаштирилган обуна бўйича почта алоқасининг ҳудудий ташкилотлари кечиктирилган даромадлари суммасига (даврий нашрнинг аниқ номи бўйича обуна нархи ва унинг маҳаллий ҳамда вилоят нашриётларининг нархи ўртасидаги фарқ);

ж) республика, вилоят ва хорижий нашриётларнинг даврий нашрларига обуна бўйича «Матбуот тарқатувчи» АК буюртмаларини «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ орқали почта алоқасининг ҳудудий ташкилотлари томонидан расмийлаштирилганида:

дебет 6331 «Аниқ даврий нашрларга расмийлаштирилган обуна бўйича бўнаклар» счёти;

кредит 6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган ҳисобварақлар» счёти — вилоят, республика ва хорижий нашриётлар даврий нашрларининг суммасига;

кредит 6110 «Ўзбекистон почтаси» ОАЖга тўланадиган ҳисобварақлар» счёти — вилоят, республика ва хорижий нашриётлар даврий нашрларини етказиб бериш бўйича почта алоқасининг ҳудудий ташкилотлари даромадлари суммасини айирган ҳолда, республика, вилоят ва хорижий нашриётлар даврий нашрларининг обуна нархи ва «Матбуот тарқатувчи» АКнинг ҳисоб-китоб қилинган нархи ўртасидаги фарқнинг умумий суммасига;

з) почта алоқасининг ҳудудий ташкилотлари махсус ўтказма ҳисобварақларидан даврий нашрларга расмийлаштирилган буюртмалар бўйича маҳаллий ва вилоят нашриётлари билан шартномада келишилган миқдорда пул маблағлари ўтказилганда:

дебет 4331 «Даврий нашрларга расмийлаштирилган буюртмалар бўйича маҳаллий ва вилоят нашриётларига берилган бўнаклар» счёти;

кредит 5531 «Миллий валютадаги ўтказма ҳисобварақ» счёти;

и) вилоят, республика ва хорижий нашриётларнинг даврий нашрларига обуна бўйича пул маблағлари почта алоқасининг ҳудудий ташкилотлари талаб қилиб олингунча махсус депозит ҳисобварақларидан «Матбуот тарқатувчи» АКга ўтказилганда:

дебет 6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган ҳисобварақлар» счёти — вилоят, республика ва хорижий нашриётларнинг даврий нашрларига обуна бўйича ўтказилган пул маблағларининг умумий суммасига;

кредит 5531 «Миллий валютадаги ўтказма ҳисобварақ» счёти;

к) вилоят, республика ва хорижий нашриётларнинг даврий нашрларига обуна бўйича пул маблағлари почта алоқаси ҳудудий ташкилотларининг махсус ўтказма ҳисобварақларидан «Ўзбекистон почтаси» ОАЖга ўтказилганда:

дебет 6110 «Ўзбекистон почтаси» ОАЖга тўланадиган ҳисобварақлар» счёти — республика, вилоят ва хорижий нашриётлар даврий нашрларини етказиб бериш бўйича почта алоқасининг ҳудудий ташкилотлари даромадлари суммасини айирган ҳолда, вилоят, республика ва хорижий нашриётлар даврий нашрларининг обуна нархи ва «Матбуот тарқатувчи» АКнинг ҳисоб-китоб қилинган нархи ўртасидаги фарқнинг умумий суммасига;

кредит 5531 «Миллий валютадаги ўтказма ҳисобварақ» счёти;

л) почта алоқаси ҳудудий ташкилотининг обуна бўлими томонидан тайёрланган ҳисоб-китоб маълумотномасига мувофиқ ҳисобот ойи давомида обуначиларга

етказиб берилган маҳаллий ва вилоят нашриётларининг даврий нашрлари суммасига:

дебет 6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган ҳисобварақлар» счёти — ҳисобот оyi давомида обуначиларга етказилган маҳаллий ва вилоят нашриётлари даврий нашрларининг суммасига;

кредит 4331 «Даврий нашрларга расмийлаштирилган буюртмалар бўйича маҳаллий нашриётларга берилган бўнаклар» счёти;

м) обуначиларга маҳаллий, вилоят, республика ва хорижий нашриётларнинг даврий нашрлари етказиб берилгани учун, илгари кечиктирилган даромадлар ҳисобидан ҳисобот оyi давомида тан олинган даромадлар суммасига:

дебет 6230 «Бошқа кечиктирилган даромад» счёти;

кредит 9030 «Ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишдан даромадлар» счёти.

31. Даврий нашрларга обуна бўйича операциялар «Ўзбекистон почтаси» ОАЖнинг бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

а) вилоят, республика ва хорижий нашриётларнинг даврий нашрларига расмийлаштирилган обуна бўйича магистрал ташиш ва ишлов бериш учун тегишли даромадлар улуши ҳисобланганда — обуна бўлими томонидан тақдим этилган ҳисобкитоб маълумотномаси асосида:

дебет 4110 «Почта алоқасининг ҳудудий ташкилотларидан олинадиган ҳисобварақлар» счёти — вилоят, республика ва хорижий нашриётларнинг даврий нашрларига расмийлаштирилган обуна бўйича магистрал ташиш (нашр қилинган жойдан почта алоқасининг ҳудудий ташкилотигача ташиб бериш) ва ишлов бериш учун даромадлар улуши суммасига;

кредит 6230 «Бошқа кечиктирилган даромадлар» счёти;

б) вилоят, республика ва хорижий нашриётларнинг даврий нашрларига расмийлаштирилган обуна бўйича магистрал ташиш ва ишлов бериш учун даромадлар улуши суммаси почта алоқасининг ҳудудий ташкилотларидан келиб тушганда:

дебет 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти;

кредит 4110 «Почта алоқасининг ҳудудий ташкилотларидан олинадиган ҳисобварақлар» счёти;

в) вилоят, республика ва хорижий нашриётларнинг даврий нашрларини ташиш ва почта алоқасининг ҳудудий ташкилотларига етказиб бериш учун, илгари кечиктирилган даромадлар ҳисобидан, тан олинган даромадлар суммасига:

дебет 6230 «Бошқа кечиктирилган даромадлар» счёти;

кредит 9030 «Ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишдан даромадлар» счёти;

г) вилоят, республика ва хорижий нашриётларнинг даврий нашрларига ишлов бериш ва уларни почта алоқасининг ҳудудий ташкилотларигача автотранспортда ташиб бериш учун Халқаро почтамо томонидан тегишли даромадлар улушининг суммасига ҳисоб-фактура берилганда:

дебет 6230 «Бошқа кечиктирилган даромадлар» счёти;

кредит 6110 «Халқаро почтамога тўланадиган ҳисобварақлар» счёти;

д) вилоят, республика ва хорижий нашриётларнинг даврий нашрларига ишлов бериш ва уларни почта алоқасининг ҳудудий ташкилотларигача автотранспортда ташиб бериш учун Халқаро почтамога тегишли даромадлар улуши ўтказилганда:

дебет 6110 «Халқаро почтамога тўланадиган ҳисобварақлар» счёти;

кредит 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти.

32. Даврий нашрларга обуна бўйича операциялар Халқаро почтамонинг бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

а) республика, вилоят ва хорижий нашриётларнинг даврий нашрларига ишлов

бериш ва уларни почта алоқасининг ҳудудий ташкилотларигача автотранспортда ташиб бериш учун Халқаро почтаamt томонидан ўзига тегишли даромадлар улуши тан олинганда, берилган ҳисоб-фактураларга мувофиқ:

дебет 4110 «Ўзбекистон почтаси» ОАЖдан олинадиган ҳисобварақлар» счёти;
кредити 9030 «Ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишдан даромадлар» счёти;

б) республика, вилоят ва хорижий нашриётларнинг даврий нашрларига ишлов бериш ва уларни почта алоқасининг ҳудудий ташкилотларигача автотранспортда ташиб бериш учун берилган ҳисоб-фактуралар бўйича «Ўзбекистон почтаси» ОАЖдан Халқаро почтаamtнинг талаб қилиб олингунча асосий депозит ҳисобварағига пул маблағлари келиб тушганда:

дебет 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти;

кредит 4110 «Ўзбекистон почтаси» ОАЖдан олинадиган ҳисобварақлар» счёти.

**VI. «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ ва унинг таркибий
бўлинмаларининг ўтказма ҳисобварақлари бўйича
операцияларининг (даврий нашрларга обуна бўйича
операциялардан ташқари) бухгалтерия ҳисоби**

33. Ўтказма операциялар билан шуғулланиш ҳуқуқига эга «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ таркибий бўлинмаларининг бухгалтерия ҳисобида ўтказма операциялар билан боғлиқ бўлган операциялар қўйидагича акс эттирилади:

а) пул ўтказмаларини амалга ошириш учун жисмоний ва юридик шахслардан нақд пул маблағларининг келиб тушиши:

дебет 5010 «Почта алоқаси объектларининг бош кассаси» счёти ва/ёки 5011 «Почта алоқаси бўлимларининг операцион кассаси» счёти — бирламчи ҳужжатлар асосида жисмоний ва юридик шахслардан пул ўтказмалари бўйича қабул қилинган нақд пул маблағларининг умумий суммасига;

кредит 6340 «Қабул қилинган ва тўланган миллий валютадаги пул ўтказмалари» счёти;

б) жисмоний шахслар ва уларнинг ишончли вакилларида коммунал ҳамда бошқа турдаги пулли хизматлардан фойдаланганлик учун тўлов, шунингдек, бошқа тўловларни қабул қилиш натижасида нақд пул маблағларининг келиб тушиши:

дебет 5010 «Почта алоқаси объектларининг бош кассаси» счёти, 5011 «Почта алоқаси бўлимларининг операцион кассаси» счёти — бирламчи ҳужжатлар асосида коммунал ва бошқа турдаги хизматлар кўрсатишдан қабул қилинган нақд пул маблағларининг умумий суммасига;

кредит 6343 «Жисмоний шахслар ва уларнинг ишончли вакиллари маблағларини коммунал ва бошқа пулли хизмат турларини кўрсатувчи корхоналарнинг тегишли банк ҳисобварақларига ўтказиш бўйича миллий валютада олинган бўнақлар» счёти;

в) ПТДБ, конвертлар, очик хатлар ва бошқа халқ истеъмоли товарларини сотишдан нақд пул маблағларининг келиб тушиши:

дебет 5010 «Почта алоқаси объектларининг бош кассаси», 5011 «Почта алоқаси бўлимларининг операцион кассаси» счёти — сотилган ПТДБ, конвертлар, очик хатлар ва бошқа халқ истеъмоли товарларининг умумий суммасига, бирламчи ҳужжатлар асосида;

кредит 9020 «Товарларни сотишдан даромадлар» счёти;

г) пул ўтказмаларини жўнатиш учун юридик шахслардан нақдсиз пул маблағларининг келиб тушиши:

- дебет 5531 «Миллий валютадаги ўтказма ҳисобварақ» счёти;
кредит 6340 «Миллий валютадаги пул ўтказмалари бўйича мажбуриятлар» счёти;
- д) бухгалтериянинг ҳисоб-китоб маълумотномасига мувофиқ махсус пенсия ҳисобварағидан нақд пулсиз маблағларининг келиб тушиши;
дебет 5531 «Миллий валютадаги ўтказма ҳисобварақ» счёти;
кредит 5540 «Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағларининг пенсия ҳисобварағи» счёти;
- е) «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ таркибий бўлинмалари кассаларидаги нақд пул маблағларининг лимитдан ортиқча қолдиқларини банкларга, тегишли талаб қилиб олингунча махсус депозит ҳисобварақларига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда топширилганда:
дебет 5531 «Миллий валютадаги ўтказма ҳисобварақ» счёти ва/ёки 5540 «Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағларининг пенсия ҳисобварағи» счёти;
кредит 5010 «Почта алоқаси объектларининг бош кассаси» счёти ва/ёки 5011 «Почта алоқаси бўлимларининг операцион кассалари» счёти;
- ж) пул ўтказмаларининг тўлов суммаси уларни қабул қилиш суммасидан ошганда, ўтказма ҳисобварағини тўлдириш мақсадида, почта алоқасининг ҳудудий ташкилотлари ўтказма ҳисобварақларидан нақд пулсиз маблағларининг келиб тушиши:
дебет 5531 «Миллий валютадаги ўтказма ҳисобварақ» счёти;
кредит 4110 «Пул ўтказмаларининг тўлов суммаси уларни қабул қилиш суммасидан ошиши бўйича почта алоқасининг ҳудудий ташкилотидан олинадиган ҳисобварақлар» счёти;
- з) почта алоқаси объектларининг талаб қилиб олингунча асосий ҳисобварағидан ўз ходимларига иш ҳақи, пенсия, ижтимоий нафақалар ва бошқа тўловларнинг берилиши учун нақд пулсиз маблағларининг келиб тушиши:
дебет 5531 «Миллий валютадаги ўтказма ҳисобварақ» счёти;
кредит 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти;
- и) қабул қилинган пул ўтказмаларини уларнинг олувчиси (адресати)га ёки жўнатувчисига нақд пул маблағлари билан тўлаш:
дебет 6340 «Миллий валютадаги пул ўтказмалари бўйича мажбуриятлар» счёти;
кредит 5010 «Почта алоқаси объектларининг бош кассаси» счёти ёки 5011 «Почта алоқаси бўлимларининг операцион кассаси» счёти;
- к) қабул қилинган пул ўтказмаларини уларнинг олувчиси (адресати) ёки жўнатувчисининг шахсий ҳисобварақларига нақд пулсиз ўтказиш йўли билан тўлаш;
дебет 6340 «Миллий валютадаги пул ўтказмалари бўйича мажбуриятлар» счёти;
кредит 5531 «Миллий валютадаги ўтказма ҳисобварақ» счёти;
- л) коммунал хизматлар ва бошқа турдаги хизматларни кўрсатувчи корхоналар, ташкилотларнинг тегишли банк ҳисобварақларига аҳолидан илгари қабул қилинган пул маблағларини ўтказиш:
дебет 6343 «Жисмоний шахслар ва уларнинг ишончли вакиллари маблағларини коммунал ва бошқа пулли хизмат турларини кўрсатувчи корхоналарнинг тегишли банк ҳисобварақларига ўтказиш бўйича миллий валютада олинган бўнақлар» счёти;
кредит 5531 «Миллий валютадаги ўтказма ҳисобварақ» счёти;
- м) қабул қилинган пул ўтказмаларини юридик шахслар (олувчилар)нинг тегишли ҳисобварақларига тўлов тартибида ўтказиш:
дебет 6340 «Миллий валютадаги пул ўтказмалари бўйича мажбуриятлар» счёти;
кредит 5531 «Миллий валютадаги ўтказма ҳисобварақ» счёти;
- н) ҳисоб-китоб маълумотномасига мувофиқ фойдаланувчиларга хизматлар кўрса-

тишдан олинган даромадлар суммасини, шунингдек, ПТДБ, конвертлар, очиқ хатлар ва бошқа халқ истеъмоли товарларини сотишдан олинган суммани ўзининг талаб қилиб олингунча асосий депозит ҳисобварағига ўтказиш:

дебет 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти;

кредит 5531 «Миллий валютадаги ўтказма ҳисобварақ» счёти;

о) почта алоқаси объектлари томонидан қабул қилинган пул ўтказмаларининг улар тўлови суммасидан ошган суммасини почта алоқасининг ҳудудий ташкилотлари ўтказма ҳисобварақларига ўтказиш;

дебет 6110 «Қабул қилинган пул ўтказмаларининг улар тўлов суммасидан ошган суммаси бўйича почта алоқасининг ҳудудий ташкилотларига тўланадиган ҳисобварақлар» счёти;

кредит 5531 «Миллий валютадаги ўтказма ҳисобварақ» счёти;

п) пул ўтказмаларини тўлаш суммаси қабул қилиш суммасидан ошиб кетган ҳолда, олинган мадад пули бўйича почта алоқасининг ҳудудий ташкилотлари олдидаги қарз қолдиғи ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда:

дебет 4110 «Пул ўтказмаларининг тўлов суммаси қабул қилиш суммасидан ошиб кетиши бўйича почта алоқасининг ҳудудий ташкилотларидан олиш учун ҳисобварақлар» счёти;

кредит 6340 «Миллий валютадаги пул ўтказмалари бўйича мажбуриятлар» счёти;

р) қабул қилинган пул ўтказмаларининг улар тўлови суммасидан ошган ҳолда почта алоқасининг ҳудудий ташкилотлари ўтказма ҳисобварақларига ўтказилган маблағлар бўйича уларнинг қарздорлик қолдиқлари ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда:

дебет 6340 «Миллий валютадаги пул ўтказмалари бўйича мажбуриятлар» счёти;

кредит 6110 «Пул ўтказмаларининг қабул қилинган суммаси тўлов суммасидан ошиб кетиши бўйича почта алоқасининг ҳудудий ташкилотларидан олинадиган ҳисобварақлар» счёти;

с) ўтказма операциялардан олинган даромадларнинг тан олинган суммасига;

дебет 6340 «Миллий валютадаги пул ўтказмалари бўйича мажбуриятлар» счёти; 6343 «Жисмоний шахслар ва уларнинг ишончли вакиллари маблағларини коммунал ва бошқа пулли хизмат турларини кўрсатувчи корхоналарнинг тегишли банк ҳисобварақларига ўтказиш бўйича миллий валютада олинган бўнақлар» счёти;

кредит 9030 «Ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишдан даромадлар» счёти.

34. «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ таркибий бўлинмаларининг талаб қилиб олингунча асосий депозит ҳисобварағига ўтказилиши лозим бўлган суммани аниқлаш учун, фойдаланиладиган бухгалтерия ҳисоби регистрлари (журнал-ордерлар, уларга ёрдамчи қайдномалар, компьютерда босиб чиқарилган ҳужжатлар, машина ахборот ташувчилар ва бошқалар) асосида ҳисоб-китоб маълумотномаси тузилади.

35. «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ таркибий бўлинмаларининг талаб қилиб олингунча асосий депозит ҳисобварағига ўтказилиши лозим бўлган даромадларнинг якуний ҳисоб-китоби, улар бўйича барча маълумотлар умумлаштирилганидан кейин бирламчи ҳужжатлар асосида ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 5-кунидан кечиктирмасдан ҳар ойда амалга оширилади.

36. Керагидан ортиқча бўлган сумма ўтказилганлиги аниқланган ҳолларда, ҳосил бўлган фарқ талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағидан ўтказма операциялар бўйича ҳисобвараққа ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 5-кунидан кечиктирмасдан ўтказилади.

37. Ўтказма операцияларга доир ҳисобварақлар бўйича бухгалтерия ҳисоб-китобларини якуний солиштириш ва тўғрилаш ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 10-кунидан кечиктирмасдан ҳар ойда амалга оширилиши лозим.

38. Ўтказма операциялар билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлган, аммо ўтказма операциялар бўйича ҳисобот берувчи кассаларга эга бўлмаган почта алоқасининг ҳудудий ташкилотлари бухгалтерия ҳисобида ўтказма операциялар (даврий нашрларга обуна бўйича операциялардан ташқари) билан боғлиқ бўлган операциялари қуйидагича акс эттирилади:

а) пул ўтказмаларининг тўлов суммаси уларни қабул қилиш суммасидан ошган ҳолатда берилган мадад пуллари бўйича почта алоқаси объектлари қарзларининг қолдиғи ҳисобот оғи охирида ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда:

дебет 6340 «Миллий валютадаги пул ўтказмалари бўйича мажбуриятлар» счёти;

кредит 6110 «Пул ўтказмаларининг тўлов суммаси уларни қабул қилиш суммасидан ошиши бўйича почта алоқаси объектларига тўланадиган ҳисобварақлар» счёти;

б) пул ўтказмаларини тўлаш учун почта алоқаси объектларига мадад сифатида ўтказма ҳисобварағидан пул маблағлари ўтказилганда:

дебет 6110 «Пул ўтказмаларининг тўлов суммаси уларни қабул қилиш суммасидан ошиши бўйича почта алоқаси объектларига тўланадиган ҳисобварақлар» счёти;

кредит 5531 «Миллий валютадаги ўтказма ҳисобварақ» счёти;

в) пул ўтказмаларининг қабул қилинган суммаси уларнинг тўлов суммасидан ошган ҳолатда почта алоқаси объектларидан олинган пул маблағлари бўйича қарз қолдиғи ҳисобот оғи охирида ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда:

дебет 4110 «Пул ўтказмалари қабул қилинган суммаси тўлов суммасидан ошиши бўйича почта алоқаси объектларидан олинадиган ҳисобварақлар» счёти;

кредит 6340 «Миллий валютадаги пул ўтказмалари бўйича мажбуриятлар» счёти;

г) пул ўтказмаларининг қабул қилинган суммаси уларнинг тўлов суммасидан ошган ҳолатда почта алоқаси объектларидан ўтказма ҳисобварағига пул маблағлари келиб тушганда:

дебет 5531 «Миллий валютадаги ўтказма ҳисобварақ» счёти;

кредит 4110 «Пул ўтказмаларининг қабул қилинган суммаси уларнинг тўлов суммасидан ошиши бўйича почта алоқаси объектларидан олинадиган ҳисобварақлар» счёти;

д) бутун почта алоқасининг ҳудудий ташкилоти бўйича пул ўтказмаларининг тўлов суммаси уларни қабул қилинган суммасидан ошганда мадад сифатида олинган пул маблағлари бўйича «Ўзбекистон почтаси» ОАЖдан қарз қолдиғи ҳисобот оғи охирида ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда:

дебет 4110 «Пул ўтказмаларининг тўловномаси уларнинг қабул қилинган суммасидан ошиши бўйича «Ўзбекистон почтаси» ОАЖдан олинадиган ҳисобварақлар» счёти;

кредит 6340 «Миллий валютадаги пул ўтказмалари бўйича мажбуриятлар» счёти;

е) бутун почта алоқасининг ҳудудий ташкилоти бўйича пул ўтказмаларининг тўлов суммаси уларни қабул қилинган суммасидан ошган ҳолатда «Ўзбекистон почтаси» ОАЖдан мадад сифатидаги пул маблағлари ўтказма ҳисобварағига келиб тушганда:

дебет 5531 «Миллий валютадаги ўтказма ҳисобварақ» счёти;

кредит 4110 «Пул ўтказмаларининг тўлов суммаси уларни қабул қилинган суммадан ошиши бўйича «Ўзбекистон почтаси» ОАЖдан олинадиган ҳисобварақлар» счёти;

ж) бутун почта алоқасининг ҳудудий ташкилоти бўйича пул ўтказмаларининг қабул қилинган суммаси уларнинг тўлов суммасидан ошган ҳолатда ўтказиб бе-

рилган пул маблағлари бўйича «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ қарзининг қолдиғи ҳисобот охирида ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда:

дебет 6340 «Миллий валютадаги пул ўтказмалари бўйича мажбуриятлар» счёти;

кредит 6110 «Пул ўтказмаларининг қабул қилинган суммаси уларнинг тўлов суммасидан ошиши бўйича «Ўзбекистон почтаси» ОАЖга тўланадиган ҳисобварақлар» счёти;

з) бутун почта алоқасининг ҳудудий ташкилоти бўйича пул ўтказмаларининг қабул қилинган суммаси уларнинг тўлов суммасидан ошган ҳолда ўтказма ҳисобварақдан «Ўзбекистон почтаси» ОАЖнинг ўтказма ҳисобварағига пул маблағлари ўтказилганда:

дебет 6110 «Пул ўтказмаларининг қабул қилинган суммаси уларнинг тўлов суммасидан ошиши бўйича «Ўзбекистон почтаси» ОАЖга тўланадиган ҳисобварақлар» счёти;

кредит 5531 «Миллий валютадаги ўтказма ҳисобварақ» счёти.

39. Ўтказма операциялар билан боғлиқ бўлган операциялар «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

а) пул ўтказмаларининг тўлов суммаси уларни қабул қилинган суммасидан ошган ҳолда, берилган мадад пул маблағлари бўйича почта алоқасининг ҳудудий ташкилотлари қарзларининг қолдиғи ҳисобот охирида ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда:

дебет 6340 «Миллий валютадаги пул ўтказмалари бўйича мажбуриятлар» счёти;

кредит 6110 «Пул ўтказмаларининг тўлов суммаси уларни қабул қилинган суммасидан ошиши бўйича почта алоқасининг ҳудудий ташкилотларига тўланадиган ҳисобварақлар» счёти;

б) пул ўтказмаларини тўлаш учун ўтказма ҳисобварағидан мадад сифатидаги пул маблағлари почта алоқасининг ҳудудий ташкилотларига ўтказилганда:

дебет 6110 «Пул ўтказмаларининг тўлов суммаси уларни қабул қилинган суммасидан ошиши бўйича почта алоқасининг ҳудудий ташкилотларига тўланадиган ҳисобварақлар» счёти;

кредит 5531 «Миллий валютадаги ўтказма ҳисобварақ» счёти;

в) пул ўтказмаларининг қабул қилинган суммаси тўлов суммасидан ошиб кетган ҳолда олинган пул маблағлари бўйича почта алоқасининг ҳудудий ташкилотларидан қарзлари қолдиғини ҳисобот охирида ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда:

дебет 4110 «Пул ўтказмаларининг қабул қилинган суммаси уларнинг тўлов суммасидан ошиши бўйича почта алоқасининг ҳудудий ташкилотларидан олинган ҳисобварақлар» счёти;

кредит 6340 «Миллий валютадаги пул ўтказмалари бўйича мажбуриятлар» счёти;

г) пул ўтказмаларининг қабул қилинган суммаси уларнинг тўлов суммасидан ошганда почта алоқасининг ҳудудий ташкилотларидан ўтказма ҳисобварағига пул маблағлари келиб тушганда:

дебет 5531 «Миллий валютадаги ўтказма ҳисобварақ» счёти;

кредит 4110 «Пул ўтказмаларининг қабул қилинган суммаси уларнинг тўлов суммасидан ошиши бўйича почта алоқасининг ҳудудий ташкилотларидан олинган ҳисобварақлар» счёти;

д) қонун ҳужжатларига мувофиқ даъво муддати ўтган почта ўтказмалари қолдиқларининг суммаси ҳисобдан чиқарилган ҳолда:

дебет 6340 «Миллий валютадаги пул ўтказмалари бўйича мажбуриятлар» счёти;

кредит 9360 «Кредиторлик ва депонент қарзларини ҳисобдан чиқаришдан олинган даромадлар» счёти;

е) қонун ҳужжатларига мувофиқ олиш учун даъво муддати ўтган, даромад ҳисобига ҳисобдан чиқарилган пул ўтказмалари қолдиқлари суммаси бўйича почта алоқасининг ҳудудий ташкилотлари билан ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда:

дебет 4110 «Почта алоқасининг ҳудудий ташкилотларидан олинадиган ҳисоб-варақлар» счёти;

кредит 6340 «Миллий валютадаги пул ўтказмалари бўйича мажбуриятлар» счёти;

ж) қонун ҳужжатларига мувофиқ олиш учун даъво муддати ўтган пул ўтказмалари қолдиқларининг суммаси ўтказма ҳисобварақдан талаб қилиб олингунча асосий депозит ҳисобварағига ўтказилганда:

дебет 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти;

кредит 5531 «Миллий валютадаги ўтказма ҳисобварақ» счёти;

з) Ўзбекистон Республикасидаги адресатларга тўлаш учун чет эл валютасидаги ўтказма ҳисобвараққа чет эл валютасидаги пул ўтказмалари келиб тушганда:

дебет 5532 «Чет эл валютасидаги ўтказма ҳисобварақ» счёти;

кредит 6340 «Миллий валютадаги пул ўтказмалари бўйича мажбуриятлар» счёти;

и) хорижий мамлакатларнинг почта маъмуриятлари (ташкилотлари)га чет эл валютаси пул ўтказмалари сифатида ўтказилганда:

дебет 6340 «Миллий валютадаги пул ўтказмалари бўйича мажбуриятлар» счёти;

кредит 5532 «Чет эл валютасидаги ўтказма ҳисобварақ» счёти;

к) чет эл валютасидаги ўтказма ҳисобварағи ўзининг чет эл валютасидаги талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақлари ҳисобидан тўлдирилганда:

дебет 5532 «Чет эл валютасидаги ўтказма ҳисобварақ» счёти;

кредит 5210 «Мамлакат ичидаги валюта ҳисобварақлари» счёти;

л) чет эл валютасидаги ўтказма ҳисобварағини тўлдириш учун ўзининг чет эл валютасидан фойдаланиш ҳисобига талаб қилиб олингунча асосий депозит ҳисобварағини миллий валюта эквиваленти билан тўлдириш ва чет эл валютасидаги ўтказма ҳисобварақни қайта баҳолашдан ҳосил бўлган ижобий курс фарқларини ҳисобга ўтказиш:

дебет 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти;

кредит 5531 «Миллий валютадаги ўтказма ҳисобварақ» счёти;

м) чет эл валютасидаги ўтказма ҳисобварақдан ўзининг чет эл валютасидаги талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақларига чет эл валютаси ўтказилганда:

дебет 5210 «Мамлакат ичидаги валюта ҳисобварақлари» счёти;

кредит 5532 «Чет эл валютасидаги ўтказма ҳисобварақ» счёти;

н) чет эл валютасидаги ўтказма ҳисобварақнинг чет эл валютасидан фойдаланилгани учун миллий валютадаги ўтказма ҳисобварағини талаб қилиб олингунча асосий депозит ҳисобварағи ҳисобидан миллий валюта эквиваленти билан тўлдириш, шунингдек, чет эл валютасидаги ўтказма ҳисобварақни қайта баҳолашдан ҳосил бўлган салбий курс фарқларини ўтказиш:

дебет 5531 «Миллий валютадаги ўтказма ҳисобварақ» счёти;

кредит 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти.

40. «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ томонидан чет эл валютасини сотиш ва сотиб олиш бўйича операцияларнинг бухгалтерия ҳисобида акс эттирилиши Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банк Бошқаруви ва Давлат статистика қўмитасининг 2004 йил 2 сентябрдаги 98-сон, 41-сон, 2004-57-сон, 257-В-сон ва 8-сон қарори билан тасдиқланган «Чет эл валютасидаги операцияларнинг бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботларда акс эттириш тартиби тўғрисидаги низом»га (2004 йил 17 сентябрь, рўйхат

рақами 1411 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 37-сон, 419-модда) мувофиқ амалга оширилади.

VII. «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ таркибий бўлинмаларининг пенсия ҳисобварақлари бўйича операцияларнинг бухгалтерия ҳисоби

41. Пенсия ҳисобварақлари билан боғлиқ бўлган операциялар «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ таркибий бўлинмаларининг бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

а) тегишли талаб қилиб олингунча махсус депозит ҳисобварақлар (пенсия ҳисобварақлари)га пул маблағларининг келиб тушиши:

дебет 5540 «Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағларининг пенсия ҳисобварағи» счёти;

кредит 6350 «Пенсия ва ижтимоий нафақаларни етказиб бериш ва тўлаш учун олинган бўнақлар» счёти;

б) пенсия ва ижтимоий нафақаларни тўлаш учун хизмат кўрсатувчи банкдаги тегишли талаб қилиб олингунча махсус депозит ҳисобварақ (пенсия ҳисобварақ)-ларидан олинган нақд пул маблағлари суммасини кирим қилиш:

дебет 5010 «Таркибий бўлинмаларнинг бош кассаси» счёти;

кредит 5540 «Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағларининг пенсия ҳисобварағи» счёти;

в) пенсия ва ижтимоий нафақаларни тўлаш учун почта алоқаси бўлимларига мадад пули ўтказилиши:

дебет 5011 «Почта алоқаси бўлимларининг операцион кассаси» счёти;

кредит 5010 «Таркибий бўлинмаларнинг бош кассаси» счёти;

г) пенсия ва ижтимоий нафақалар тўланиши:

дебет 6350 «Пенсия ва ижтимоий нафақаларни етказиб бериш ва тўлаш учун олинган бўнақлар» счёти;

кредит 5010 «Таркибий бўлинмаларнинг бош кассаси» счёти ва/ёки 5011 «Почта алоқаси бўлимларининг операцион кассаси» счёти;

д) почта алоқаси боғламалари ва бўлимларига фармойиш бўйича тақсимланган «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ таркибий бўлинмаларининг кассасига ўтказма операциялар бўйича келиб тушган ва пенсия ҳамда ижтимоий нафақаларни тўлаш учун илгари ишлатилган пул маблағлари ўрнини тўлдириш мақсадида пенсия ҳисобварақидан махсус ўтказма ҳисобварақларига пул маблағлари ўтказилиши:

дебет 5531 «Миллий валютадаги ўтказма ҳисобварақ» счёти;

кредит 5540 «Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг пенсия ҳисоб-варағи» счёти;

е) солиштирма далолатномаларга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг тегишли ҳудудий органларига тааллуқли бўлган ҳисобот даври давомида тўланмай қолган пенсия ва ижтимоий нафақалар суммаси ўтказилиши:

дебет 6350 «Пенсия ва ижтимоий нафақаларни етказиб бериш ва тўлаш учун олинган бўнақлар» счёти;

кредит 5540 «Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағларининг пенсия ҳисобварағи» счёти.

42. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг топшириғи бўйича «Ўзбекистон почтаси» ОАЖда пенсия ва ижтимо-

ий нафақаларни тўлаш тартиби ҳамда ушбу операциялар бўйича ўзаро ҳисоб-китоблар тартиби Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги ва Ижтимоий таъминот вазирлиги томонидан 1995 йил 18 августда тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлигининг корхоналари томонидан пенсия ва ижтимоий нафақаларни тўлаш бўйича йўриқнома» (1995 йил 30 август, рўйхат рақами 165) билан тартибга солинади.

43. Пенсия ва ижтимоий нафақаларнинг тўланиши билан боғлиқ бўлган операциялар «Ўзбекистон почтаси» ОАЖнинг таркибий бўлинмалари бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

а) Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг тегишли ҳудудий органлари билан солиштирма далолатномага мувофиқ ҳисобот даври мобайнида пенсия ва ижтимоий нафақалар тўловини амалга оширишдан тан олинган даромадларни ҳисоблаш:

дебет 4010 «Харидор ва буюртмачилардан олинadиган ҳисобварақлар» счёти;

кредит 9030 «Ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишдан даромадлар» счёти;

б) пенсия ва ижтимоий нафақаларни етказиб бериш (тўлаш) бўйича хизматлар учун Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг ҳудудий органларидан пул маблағларининг келиб тушиши:

дебет 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти ва/ёки 5543 «Маҳаллий бюджетлар маблағларининг пенсия ҳисобварағи» счёти;

кредит 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинadиган ҳисобварақлар» счёти.

Ⅷ. «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ ва унинг таркибий бўлинмаларининг талаб қилиб олингунча махсус депозит ҳисобварақлари бўйича ўзаро ҳисоб-китоблар ва операцияларнинг назоратини ўтказиш тартиби

44. «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ ва унинг таркибий бўлинмалари ўзаро ҳисоб-китобларни хизмат кўрсатувчи банкларда очилadиган талаб қилиб олингунча махсус депозит ҳисобварақлар орқали амалга оширадilar.

45. Почта алоқасининг ҳудудий ташкилотлари ва «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ ўртасида талаб қилиб олингунча махсус депозит ҳисобварақлар бўйича ўзаро ҳисоб-китоблар ҳар ойда ҳисобот санасида амалга оширилади.

46. Ўтказма операциялар бўйича почта алоқасининг ҳудудий ташкилотлари томонидан почта алоқаси объектлари билан амалга оширилган ўзаро ҳисоб-китоблар белгиланган ҳисоботларда акс эттирилади.

47. Почта алоқасининг ҳудудий ташкилотлари ой давомидаги ўтказма пул маблағларининг ҳаракатини бутун ҳудудлар (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент ш.) бўйича белгиланган ҳисоботларда акс эттирадilar ва ҳар ойда «Ўзбекистон почтаси» ОАЖга тақдим этадилар.

48. Почта алоқаси объектларининг ўтказма ҳисобварақларидан почта алоқасининг ҳудудий ташкилотлари тегишли ўтказма ҳисобварақларига пул маблағларини ўтказиш тегишли ташкилий-бошқарув ҳужжатлар (буйруқлар, фармойишлар ва шу кабилар)да кўрсатилган миқдорда амалга оширилади.

49. Тўланган пул ўтказмалари суммаси уларни қабул қилинган суммасидан ошишига доимий равишда эга бўлган почта алоқасининг ҳудудий ташкилотлари ушбу фарқнинг ўртача ойлик миқдорида «Ўзбекистон почтаси» ОАЖдан бўнак оладilar.

50. Тўланган пул ўтказмалари суммаси уларни қабул қилинган суммасидан

ошишига доимий равишда эга бўлган почта алоқаси объектлари ушбу фарқнинг ўртача ойлик миқдорида почта алоқасининг ҳудудий ташкилотларидан бўнак оладилар.

51. Қабул қилинган пул ўтказмалари суммаси уларнинг тўланган суммасидан ошишига доимий равишда эга бўлган почта алоқасининг ҳудудий ташкилотлари ушбу фарқнинг ўртача ойлик миқдорида «Ўзбекистон почтаси» ОАЖга бўнак ўтказадилар.

52. Қабул қилинган пул ўтказмалари суммаси уларнинг тўланган суммасидан ошишига доимий равишда эга бўлган почта алоқаси объектлари ушбу фарқнинг ўртача ойлик миқдорида почта алоқасининг ҳудудий ташкилотларига бўнак ўтказадилар.

53. Хорижий давлатлар билан ўтказма операциялар бўйича ўзаро ҳисоб-китоблар «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ томонидан амалга оширилади.

54. «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ почта алоқасининг ҳудудий ташкилотлари талаб қилиб олингунча махсус депозит ҳисобварақлар бўйича пул маблағларининг тўлиқ ва ўз вақтида келиб тушиши ҳамда сарфланиши устидан назоратни амалга оширади.

Ўз навбатида, почта алоқасининг ҳудудий ташкилотлари почта алоқаси объектларининг талаб қилиб олингунча махсус депозит ҳисобварақлар бўйича пул маблағларининг тўлиқ ва ўз вақтида келиб тушиши ҳамда сарфланиши устидан назоратни амалга оширадилар.

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ таркибий бўлинмаларининг талаб қилиб олингунча махсус депозит ҳисобварақлар билан боғлиқ бўлган операцияларнинг назорати «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

IX. Яқуний қоидалар

55. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан келишилган.

*Меҳнат ва аҳолини ижтимоий
муҳофаза қилиш вазири в.б.*

А. ҲАЙТОВ

*Тошкент ш.,
2008 йил 10 март*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

121 Ўзбекистон Республикаси ҳудудида гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни ташиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил
16 апрелда 1791-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2008 йил 26 апрелдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида»ги Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 16 июлдаги «Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар муомаласи билан боғлиқ фаолиятни лицензиялаш тўғрисида»ги 315-сон қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги **қарор қилдилар:**

1. «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни ташиш тартиби тўғрисида»ги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтган вақтдан ўн кундан сўнг кучга киритилсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосари Ф.Т. Қодиров ва Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари А.И. Икрамов зиммаларига юклатилсин.

Ички ишлар вазири

Б. МАТЛЮБОВ

Тошкент ш.,
2008 йил 17 март,
4-сон

Соғлиқни сақлаш вазири

Ф. НАЗИРОВ

Тошкент ш.,
2008 йил 17 март,
3-сон

Ички ишлар вазирлиги ва Соғлиқни
сақлаш вазирлигининг 2008 йил 17 мартда-
ги 4, 3-сон қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН

**Ўзбекистон Республикаси ҳудудида гиёҳвандлик
воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни
ташиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 16 июлдаги «Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлиши билан боғлиқ фаолиятни лицензиялаш тўғрисида» 315-сон қарорига мувофиқ гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлиши билан боғлиқ фаолият юритиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган юридик шахслар томонидан гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни (бундан кейинги ўринларда ГПП деб юритилади) ташиш тартибини белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ГППларнинг ташиш мазкур Низомда белгиланган тартибда автомобиль, ҳаво ва темир йўл транспорти орқали амалга оширилади.

2. Мазкур Низом қоидалари ички ишлар, миллий хавфсизлик хизмати ва божхона органларининг экспертиза ва тезкор-қидирув фаолиятида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг суд-экспертиза муассасалари фаолиятида ГППлардан фойдаланишда татбиқ этилмайди. Ушбу органлар томонидан ноқонуний муомаладан мусодара қилинган ГППларни ташиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

3. ГППларни юридик шахслар томонидан автомобиль, ҳаво ва темир йўл транспортида ташиш мазкур Низомда белгиланган тартибда ички ишлар органлари томонидан бериладиган рухсатнома асосида амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 31 июлдаги «Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали олиб кириш, олиб чиқиш ва транзит тарзида ўтказиш тўғрисида»ги 293-сон қарорининг 3, 4-иловаларида келтирилган II, III рўйхатларига киритилмаган мураккаб (таркибида ГППлар мавжуд бўлган) дори воситаларини ташишда рухсатнома расмийлаштирилиши талаб қилинмайди.

**II. ГППларни ташиш учун ички ишлар органлари томонидан
рухсатномаларнинг берилиши**

5. ГППларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ташиш учун рухсатнома ички ишлар органлари томонидан мазкур Низомнинг 2-илоvasида келтирилган намуна асосида беш иш куни ичида берилади.

6. ГППларни кам миқдорларда ташиш мақсадида йиллик рухсатномани олиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

ГППларни кам миқдорларда ташиш ҳуқуқини берувчи йиллик рухсатномани олиш тўғрисида ариза;

раҳбар имзоси ва юридик шахс муҳри билан тасдиқланган, юкни ташиш учун масъул шахс тайинланганлиги тўғрисида буйруқ нусхаси;

масъул шахснинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси (паспорт).

7. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ГППларни катта партиядо ташиш учун бир марталик рухсатнома ички ишлар органлари томонидан беш иш куни ичида (2-илова) юкнинг номи ва миқдори, юк жўнатилишининг тўлиқ маршрути, юкни ташишга масъул шахс ва кузатувчи шахслар (қўриқлаш таркиби), ташишга жалб этилган транспорт воситаси ва уларнинг ҳайдовчилари ҳақида маълумотлар кўрсатилган юридик шахс раҳбарининг аризаси асосида қўйидаги ҳужжатлари илова қилинган ҳолда берилади:

бир марталик рухсатнома олиш тўғрисида ариза;

юкнинг ҳар бир алоҳида ташишларига жавобгар шахсни белгиланганлиги тўғрисида буйруқ нусхаси;

ГППларни олиш учун тузилган контракт (шартнома) нусхаси;

ажратилган автомобилнинг жорий йил учун техник кўриқдан ўтганлиги тўғрисидаги унинг амал қилиш муддати кўрсатилган техник паспорти ва ҳайдовчиларининг ҳайдовчилик гувоҳномалари нусхалари;

ГППлар юкларни автомобиль транспортида ташиш учун лицензияга эга бўлган юридик шахслар билан тузилган шартнома асосида ташиш ҳолатларига тегишли шартнома нусхаси.

8. ГППларни ташиш ҳуқуқини берувчи бир марталик рухсатнома тегишли ички ишлар органлари томонидан берилади, унда ташилаётган ГППлар тури ва миқдори, юк ташиш амалга оширилиши лозим бўлган автотранспортнинг маркаси (маркалари) ва давлат рақами (давлат рақамлари), шунингдек юк ташиш учун масъул шахснинг паспорт маълумотлари кўрсатилади.

9. Рухсатномалар 3 ой муддатгача бериладиган (ГППларни аниқ партиясини ташиш учун) бир марталик ва 6 ой муддатгача бериладиган ГППларни бир неча партияларини ташиш учун кўп марталик бўлиши мумкин.

ГППларнинг аниқ партияларини кўп марталик рухсатнома асосида ташиш ҳолатларида юридик шахс ушбу партиядо ташиш учун умумий миқдори чегарасида уларни ташиш ҳуқуқига эга. Бунда ҳар бир ташиш санаси, ГППларнинг тури ва миқдори кўрсатилиб рухсатноманинг орқа томони раҳбар имзоси ва юридик шахс муҳри билан тасдиқланиши лозим. Бундай рухсатнома ички ишлар органига топширилиши лозим.

10. Транспорт воситасининг маркаси, давлат рақами, юкни ташиш учун масъул шахс ўзгарган ҳолларда бир марталик рухсатнома уч кунлик муддатда белгиланган тартибда қайта расмийлаштирилиши керак.

11. ГППларни туман (шаҳар) ҳудудида ташиш рухсатномасисиз база раҳбари ёки юк жўнатувчи томонидан берилган йўл-кузатувчи ҳужжатлари асосида амалга оширилади.

III. ГППларни автомобиль транспортида ташиш

12. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ГППларни автомобиль транспортида ташиш автомобиль транспортга эга бўлган юридик шахслар ёки ГППларни ташиш учун бериладиган лицензияга эга бўлган юк жўнатувчи/юк қабул қилувчи билан тузилган ташиш тўғрисидаги шартномага асосан бошқа юридик шахсларга тегишли бўлган автомобиль транспортида амалга оширилади.

Гиёҳвандлик воситаларининг 50 килограмм (брутто оғирлик) ва ундан кўпроғи ва психотроп моддаларнинг 100 килограмм (брутто оғирлик) ва ундан кўпроғини автомобиль транспортида ташиш бир марталик рухсатнома расмийлаштирилиб, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг қўриқлаш хизмати жалб этилган ҳолда мазкур Низомда кўрсатиб ўтилган қоидалар асосида амалга оширилади.

Кам миқдордаги ГППларни (гиёҳвандлик воситалари 50 килограммдан кам (брутто оғирлик) ва психотроп моддалари 100 килограммдан кам (брутто оғирлик) ташиш Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг қўриқлаш хизматини жалб этмасдан амалга оширилади, бунда бир йиллик рухсатнома расмийлаштирилади. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ГППларни автомобиль транспортида ташиш учун юк жўнатувчи/юк қабул қилувчилар масъулдирлар.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг қўриқлаш хизмати ходимлари кузатувисиз ташишга рухсат этилган прекурсорларнинг кам миқдори мазкур Низомнинг 1-иловасида келтирилган.

13. ГППларни автомобиль транспортида туман (шаҳар) ичида ташишда юкни кузатиб бориш учун масъул шахс тайинланади. Ушбу функцияларни транспорт воситасининг ҳайдовчисига юклаш тақиқланади.

Кузатувчи шахсларни тўғри танлаш ва уларнинг тайёргарлиги учун юк жўнатувчи/юк қабул қилувчи ташкилотлар раҳбарлари жавобгардирлар.

14. ГППларни кам миқдорда автомобиль транспортида ташишда юк жўнатувчи/юк қабул қилувчи ташкилот буйруғи асосида юкни ташиш ва қабул қилиб олиш учун масъул шахс тайинланади.

15. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ГППларни кам миқдорда автомобиль транспортида ташишда кузатувчи (масъул шахс) ўзи билан қуйидаги ҳужжатларни олиб юриши керак:

ГППларни ташиш учун ҳудудий ички ишлар органлари томонидан берилган йиллик рухсатноманинг раҳбар имзоси ва ташкилот муҳри билан тасдиқланган нусхаси;

юк жўнатувчи ташкилот раҳбари ёки моддий-жавобгар шахс имзоси ва ташкилот муҳри билан тасдиқланган ташилаётган юкнинг юк кузатув ҳужжатлари.

16. ГППларни ташишда иштирок этувчи кузатувчи шахслар ҳамда ҳайдовчилар ташиш қоидалари, юкнинг тавсифи, ортилиши ва туширилишида техника хавфсизлигига риоя қилиш тўғрисида таништирилган бўлишлари керак.

17. ГППларни кузатиб боришга масъул бўлган шахс мажбуриятларига қуйидагилар қиради:

юкнинг тўғри қадоқланиши ва маркировкаси, тамғаларининг мустаҳкам сақланганлигини кўздан кечириш, юк ортиш ва туширишни кузатиб бориш;

юкни жўнатилаётган жойдан юк етиб бориш манзилигача сақланишини ташкил қилиш;

автотранспорт воситасининг ҳаракат вақтида ва тўхтаб туриш жойларида юкни сақланишини таъминлаш;

шахсий, оммавий ва экологик хавфсизлик чораларини ташкиллаштириш;

юкни етиб бориш манзилига топшириш.

18. Хавфли юклар тоифасига киритилган катта ҳажмдаги прекурсорларни автомобиль транспортида ташишда хавф-хатар тўғрисидаги маълумотлар тизимини талабларга мос ҳолда ташкиллаштириш ташишни амалга ошираётган автотранспорт ташкилотига юклатилади. Бундай ташиш автотранспорт воситаси хавфли юкларни ташишга гувоҳномага эга бўлганда Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати органлари билан белгиланган тартибда келишилган маршрут бўйича амалга оширилади.

19. Катта ҳажмдаги прекурсорларни автомобиль транспортида ташишда аҳоли яшаш пунктларида ҳайдовчиларнинг дам олиш учун тўхтаб туришлари тақиқланади.

Автотранспорт воситаси тўхтаганда ёки тўхтаб турганида тўхтаб туриш тормози ёқилган, қияликда эса қўшимча равишда сирпаниб кетишига қарши таянч қўйилган бўлиши керак.

20. ГППларни колонна бўлиб (иккитадан кўп бўлган автотранспорт воситаларида) ташиш колонна бошида ва охирида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги кузатувчиларининг иккита автомобилида амалга оширилади.

Кузатувчи автомобиллар учун тўловлар юк жўнатувчи ёки юк қабул қилувчи билан тузилган шартнома асосида амалга оширилади.

21. Прекурсорларни кўп миқдорда ташиш учун мўлжалланган автотранспорт воситаси ҳайдовчи ва кузатувчи шахснинг хавфсизлигини таъминлаш учун зарур бўлган ташилаётган прекурсорларни нейтраллаш учун керакли миқдорда воситалар ва индивидуал ҳимоя воситалари билан жиҳозланади.

22. Катта миқдордаги прекурсорларни ташиш учун мўлжалланган автомобилда қуйидагилар бўлиши керак:

а) автотранспорт воситасини ҳалокат вақтида таъмирлаш учун қўл асбоблари тўплами;

б) ёнғинни ўчириш учун ёнғин ўчиргичлар;

в) биттадан кам бўлмаган сирпаниб кетишга қарши таянч (таянчнинг ўлчами автотранспорт воситасининг тури ва унинг вилдираклари диаметрига мос бўлиши лозим);

г) автоном ёнувчи иккита ўчиб-ёнувчи (ёки доимий) зарғалдоқ рангдаги чирок, улар прекурсорларнинг алангаланишини келтириб чиқариши мумкин бўлмаган ҳолда тузилган бўлиши керак;

д) сутканинг қоронғи вақтида ёки яхши кўринмаслик ҳолатларда тўхтаб туришда, агар автотранспорт воситасининг чироқлари тузатилмаган бўлса, йўлда зарғалдоқ рангдаги чироқлар ўрнатилган бўлиши лозим: биттаси автотранспорт воситасининг олд тарафига етмасдан 10 метр масофада, иккинчиси автотранспорт воситасининг орқа тарафига етмасдан 10 метр масофада ўрнатилади;

е) дори қутиси ва ташилаётган юкларни нейтраллаштириш воситалари (биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш учун).

IV. ГППларни ҳаво транспортида ташиш

23. Ҳаво орқали ташиш шартномасидан келиб чиқадиган ҳаво орқали ташувчининг мазкур Низом қоидаларига тушадиган барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари Ўзбекистон Республикаси Ҳаво кодекси ва бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

§1. Ташиш учун қабул қилиш

24. ГППларни юк сифатида авиаташиш учун гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар муомаласи билан боғлиқ фаолият учун бериладиган лицензияга эга бўлган юридик шахслардан қабул қилинади.

25. ГППларни ташишга қабул қилиш ва ташиш ташувчи-авиакомпания томонидан белгиланган қоидалар ва стандартлар бўйича амалга оширилади. Агар ташиш учун қабул қилинаётган ГППлар хавфли юклар тоифасига кирса, уларни ташиш

учун қабул қилишда ИКАОни хавфли юкларни ҳавода хавфсиз ташиш учун техникавий қўлланмаси ҳисобга олиниши лозим.

26. ГППлар йўловчилар ва юк ташиш кемаларида ташилиши мумкин. Доимий рейсларни бажараётган ҳаво кемаларда ташиш барча маршрутларда ташилаётган ҳажмларни олдиндан мажбурий бронлаштирилган шартларда амалга оширилиши керак.

Хавфли юклар тоифасига кирувчи прекурсорларни йўловчи ташиш ҳаво кемаларида ташишга йўл қўйилмайди.

27. ГППларни ташиш учун қабул қилишда уларни шартли равишда қимматбаҳо юклар тоифасига (VAL) киритиш лозим ва бу тоифа юкларга мос бўлган ташиш қоидалари ва уларни сақлашни таъминлаш регламенти қўлланилиши лозим. Агар ташиш учун қабул қилинаётган ГППлар хавфли юклар тоифасига кирса, унда ҳам ушбу юклар тоифаси учун белгиланган ташиш қоидаларини қўллаш лозим.

28. ГППларни ташиш учун қабул қилишда ушбу юкни учиш ва қўниш аэропортда энг кам муддат давомида сақланилиши ва омборга жойлаштирилишини таъминлаш мақсадида ҳамма расмиятчиликларни бажарилиши тартиби юк жўнатувчи билан олдиндан келишиб олиниши лозим. Юкни қабул қилиш ва бериш махсус хавфсизлик чоралари таъминланган ҳолларда режалаштирилиши ва амалга оширилиши зарур.

29. Стандарт хабарларда юкнинг аниқ номланиши (кимёвий формуласи)дан фойдаланиш лозим.

§ 2. Ташиш ҳужжатлари, қадоқланиши, маркировкаси

30. ГППлардан иборат юкни қадоқлаш қўйидаги талабларга ҳам жавоб бериши лозим:

барча юклар ўрамаси ишончли ёпилган, нуқсонлари бўлмаслиги;
юк шундай ўралган бўлиши керакки, ичидагиларни алмаштириш ёки аниқ кўринмайдиган ҳолда ичидан олиб бўлмаслиги;

юкнинг ҳар бир ўрамаси юк жўнатувчи ва юк ташувчи томонидан муҳрланган бўлиши;

ҳар бир ўрама тортилган бўлиши, унинг оғирлиги ҳужжатлардаги оғирлик билан солиштирилган ва қутига ёпиштириладиган ёрликларда кўрсатилган бўлиши зарур. Барча ўрамаларда нуқсонлар йўқлиги текширилган бўлиши керак;

нуқсонлари бўлган ўралган юклар ташиш учун қабул қилинмайди. Трансфер юкларининг қутиларида нуқсонлар топилганда трансфер пунктида (ушбу ёки бошқа юк ташувчининг бошқа рейсига юкни қайта юклар) юк қайта тартиб кўрилади, юкни бузилиши тўғрисида 2 нусхада далолатнома тузилади ва заруриятга қараб юк қайта қутиларга қадоқланади ва янгидан муҳрланади. Далолатноманинг бир нусхаси юк билан бирга жўнатиладиган ҳужжатларга илова қилинади, иккинчи нусхаси трансфернинг аэропортида қолдирилади.

31. ГППларни ташиш учун фойдаланилганда контейнер ва қулфланадиган қутиларнинг мустаҳкамлиги текширилганда қўйидагилар таъминланиши керак:

юклар контейнернинг муҳрланган қисмидан ажратиб олиб бўлмаслиги ва юк ташувчининг муҳрини бузмасдан ёки кўринарли излар бўлмаган ҳолда унга қайтадан қўйиб қўйиш имкони бўлмаслиги;

юкни жойлаштириш учун фойдаланиладиган контейнернинг ҳамма томони назорат тартибида кўздан кечириш учун қулай бўлиши керак, қулфланадиган қути ва

контейнерларда юкларнинг қисмлари яширилиши мумкин бўлган яширин жойлари бўлмаслиги.

32. ГППлардан иборат бўлган юкнинг ташиш ҳужжатларини расмийлаштиришда қуйидаги талаблар бажарилиши талаб этилади:

авианакладнойда юкнинг махсус қайта ишланиш коди “VAL”, ва зарур ҳолларда «Nature and Quantity of Goods» (юкнинг тавсифи ва хусусияти) устунда хавфли юкларнинг қайта ишланиш коди кўрсатилган бўлиши;

юкнинг номланиши ва/ёки юкнинг товар номенклатураси коди юкни ташиш ҳуқуқини берувчи лицензияда кўрсатилган номланишига аниқ мос келиши;

юк кузатув ҳужжатларида юкнинг килограммнинг юздан бир қисмигача аниқликда ўлчанган бутун оғирлиги, ҳамда ҳар бир ўралган қутининг ўлчами кўрсатилган бўлиши;

махсус қайта ишланиш коди «VAL» ва зарур ҳолларда хавфли юкларнинг қайта ишланиш кодлари юк манифестининг «Nature of Goods» (юкнинг тавсифи) устунда кўрсатилган бўлиши;

ГППлардан иборат бўлган юкни ташишда юк ҳақидаги маълумотни стандарт бланкига ёки NOTOC (Special Load Notification to Captain — махсус юк тўғрисида ҳаво кемаси командирига хабарнома)га хабар киритилиши лозим.

§ 3. Ташишни ташкиллаштириш

33. ГППларни жўнатиш, трансфер ва етиб бориш пунктларида қайта ишлаш, ортиш/ туширишда ҳақиқий қабул қилиб олинган юк миқдори тўғрисида маълумот авианакладной ва юк манифестидида кўрсатилган маълумот билан солиштирилиши зарур. Юк ташувчи жавобгарлигига берилган вақтдан бошлаб юк рухсатсиз текширувлардан ҳимояланган бўлиши керак. Агар юк бирор-бир сабабларга кўра қўриқланадиган ҳудудда сақлана олинмаса, махсус хавфсизлик ва сақлаш чоралари кўрилган бўлиши зарур.

34. ГППлардан иборат бўлган юкни жўнатиш, трансфер, манзил аэропортларида сақлашда махсус журналларда қуйидаги маълумотлар қайд қилиниши зарур: ҳар бир ўралган қутининг тавсифи (ўлчами, оғирлиги, бошқа фарқ қиладиган тавсифлари);

юк қўриқланадиган ҳудудга жойлаштирилган вақти ва санаси ҳамда ушбу ҳудудга юкни келтирган ва шу ҳудудга киришга рухсати бўлган шахслар тўғрисида маълумотлар;

юк қўриқланадиган ҳудуддан олиб кетилган вақти ва санаси ҳамда ушбу ҳудуддан юкни олиб кетган шахс тўғрисида маълумотлар.

Ҳар бир ёзув мансабдор шахс имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

35. ГППлардан иборат бўлган юкни тўла ёки қисман йўқолиши кузатилган бўлса ёки рухсатсиз аралашув излари топилганда, ички ишлар органлари вакиллари иштирокида инцидентнинг расмий қайд этилиши учун дарҳол зарур тадбирлар кўрилиши, шунингдек қидирувни ташкиллаштириш лозим.

36. Юкни жўнатиш учун аэропортга ҳаво кемаси учишидан 3 соат олдин ўралган қутилар муҳрланган ҳолда олиб келиниши ва белгиланган тартибда ташувчининг ваколатли шахсларига топширилиши, ташувчи томонидан тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг мунтазам бўлими, ҳаво транспорти хавфсизлик хизмати ва қўриқлаш хизмати иштирокида тўпланган ва ҳаво кемаси бортига ортилган бўлиши керак. Зарур ҳолларда ГППларни юк сифатида авиаташишлар ваколатларини тасдиқловчи ҳужжатлари бўлган кузатувчилар иштирокида

амалга оширилиши мумкин. Юкни кузатиб борувчилар йўловчи сифатида борадилар, бунинг учун улар авиация қоидалари билан белгиланган барча учиб олди расмийлаштирувлардан ўтган бўлишлари лозим.

37. Ҳаво кемасининг юк-багаж бўлимларида гиёҳвандлик воситаларини юк сифатида ташишда кузатувчилар юкни ҳаво кемасига етказилиши ёки ундан олиб кетилишини, юкни ортилиши/туширилишини кузатишлари, гиёҳвандлик воситалари юклагандан сўнг юк бўлинмалари муҳрланганлигини текширишлари зарур.

Кузатувчилар барча йўловчилар салонга чиқиб бўлганларидан ва юклар ортиб бўлинганидан сўнг охириги навбатда йўловчилар салонига кирадилар.

38. Ҳаво кемасининг йўловчилар саломида гиёҳвандлик воситалари партиясини ташишда, шунингдек психотроп моддалар ва прекурсорлар кузатувчилар иштирокида ҳаво йўли орқали ташилиши зарур бўлганда, бундай моддаларни ташиётган шахслар ва ташилаётган моддалар ҳаво кемасига бошқа йўловчилардан алоҳида етказилади ва йўловчилар саломига улар учун ажратилган жойга йўловчилар киришидан олдин ёки кейин жойлаштирилади.

§ 4. Юк келгандан сўнг уни сақлаш ва бериш

39. ГППлардан иборат бўлган юкни келиши тўғрисидаги хабар билан юк қабул қилувчини огоҳлантириш манзил аэропортига юкни етказиб берган ҳаво кемасидан юк тушириб бўлингандан сўнг 3 соат давомида амалга оширилиши керак.

40. Юк ташувчи юкни фақатгина авианакладнойда кўрсатилган юк қабул қилувчига ёхуд у томонидан авианакладнойда кўрсатилган ваколат берилган шахсга беради.

41. Юк ташувчи юкни юк накладнойда кўрсатилган ҳамма шартлар бажарилгандан сўнг юк қабул қилувчига беради ва юк топширилганлиги фактини юк қабул қилувчининг юк авианакладнойи нусхасида қабул қилувчи имзоси билан тасдиқлайди, булар охириги юк ташувчида юкни қабул қилинганлиги тўғрисидаги тилхат ва ташиш шартномасининг бажарилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома сифатида қолдирилади.

42. Юк қабул қилувчи бўлмаганда ёки давлат органи талабига кўра юкни бериш юк қабул қилувчига бериш ҳисобланади, бунда юк ташувчи юк жўнатувчи ёки юк қабул қилувчига бундай юк ташиб келтирилганлиги тўғрисида тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этади.

43. Агар юк Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган манзилга етиб келганлиги тўғрисидаги хабарнома жўнатилгандан сўнг юкни қабул қилувчи талаб қилмаса, бош тортса ёки юкни қабул қила олмаса юк ташувчи юк жўнатувчига юкни юк қабул қилувчига бериш имкони йўқлиги тўғрисида хабар бериши ва юк жўнатувчи юк тўғрисида қарор қабул қилгунига қадар юкни юк жўнатувчи ҳисобидан сақлаш учун ўзида қолдириши зарур.

V. ГППларни темир йўл транспортида ташиш

44. ГППларни темир йўл транспортида ташишда қуйидаги умумий талаблар белгиланади:

ГППларни ташишга тайёрлаш;

ГППларни ташиш учун фойдаланиладиган идиш ва қутиларни яроқлилиги;

ГППларни ташишда назоратни ташкил этиш.

ГППларни ташиш учун қуйиладиган талаблар юк жўнатувчилари, юк қабул

қилувчилар, ГППларни ташиш жараёнида иштирок этадиган, уларни етказиб бориш йўлида кузатиб боришни ва қўриқлашни таъминлайдиган темир йўл транспорти ходимлари учун мажбурий ҳисобланади.

ГППларни темир йўл транспортида ташиш тартибига ГППлар ташиладиган контейнерлар, ҳаракатланувчи йўловчи ва юк вагонларини ишлаб чиқариш, техник ёрдам хизмати ва таъмирлаш билан шуғулланувчи, шунингдек, юк жўнатувчи ва юк қабул қилувчига транспорт-экспедиция хизматини кўрсатувчи барча корхона ва ташкилотлар амал қилиши зарур.

45. ГППларни юклаш нормалари, уларни ташиш учун йўловчи ва юк вагонлар турини танлаш, техник ва тижорат мақсадларида уларнинг яроқлилигини аниқлаш, юкларни вагонларга маҳкамлаш темир йўл устави, юкларни ташиш қоидалари, йўловчи ва юк ташиш қоидаларига мувофиқ бўлиши лозим.

§ 1. Ташишга қабул қилиш

46. ГППларни ташишга қабул қилиш ва бериш юкларни ташиш қоидаларига мувофиқ амалга оширилади.

47. Бундай юклар ташиш учун умумий фойдаланиш жойларидан ташқарида берилди. Истисно тариқасида умумий ҳамда умумий бўлмаган фойдаланиш жойларида амалга ошириладиган кичик ва контейнер жўнатмаларида қўлланилиши мумкин.

48. Аниқ юк фақатгина юкларни ташиш қоидаларида, ушбу маҳсулот учун стандарт ёки техник шартларида кўрсатилган тара ва қутиларда юк жўнатувчи томонидан ташишга тақдим этилиши лозим.

49. ГППларни тегишли қурилма ва ушбу юкларни ортиш ва тушириш учун махсус қўлланмаларга эга бўлмаган умумий ҳамда умумий бўлмаган фойдаланиш жойларида ортиш тақиқланади.

50. ГППларни ташиш йўловчи ҳамда юк вагонларида амалга оширилиши мумкин. Доимий рейслар бажарадиган темир йўл транспортида ГППларни ташиш бутун йўналиш бўйича ташилаётган юклар учун жойларни олдиндан мажбурий бронлаштириш шarti асосида амалга оширилади.

Хавфли юклар тоифасига киритилган прекурсорларни йўловчи ташиш поездларида ташишга йўл қўйилмайди.

51. ГППларни ташиш масъул шахс — ГППларнинг хоссаларини ва улар билан ишлашни биладиган юк жўнатувчи/юк қабул қилувчининг вакили қузатувида амалга оширилади.

Қузатувчи шахсларни тўғри танланишига ва уларни тайёргарлигига юк жўнатувчи/юк қабул қилувчи ташкилот раҳбари масъулдирлар.

52. Йўловчи ташувчи поездларда гиёҳвандлик воситаларини ташишда, шунингдек зарур бўлганда психотроп моддалар ва прекурсорларни қузатувчи ва қўриқлаш хизмати иштирокида темир йўл орқали ташишни амалга оширишда қузатувчилар, қўриқлаш хизмати ва ташилувчи моддалар бошқа йўловчилардан алоҳида поездга етказилади ва мазкур Низом ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқ жойлаштирилади.

Масъул шахс ва қўриқловчи шахслар ташилаётган моддаларни жўнатилиш жойидан манзилигача қузатиб борадилар.

Кўрсатилган юкни қўриқлаётган шахслар ташишни давом эттириш учун «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК томонидан юкни ташиш учун топшириш вақтидан бошлаб қўриқланган ҳоллардагина юкни қўриқлашдан озод қилинишлари мумкин.

Ушбу юкларни темир йўл станциясидан омборларга автомобиль транспортида ташишда қабул қилувчи юкни қўриқлашни таъминлаши лозим.

53. Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни кўп миқдорда ташишда юк юк жўнатувчи/юк қабул қилувчи ҳисобидан темирйўл қуроли қўриқлаш хизмати билан мажбурий тартибда таъминланади.

54. Ташиш вақтида ГППларни йўқолганлиги (ўғирланганлиги) аниқланганда бу ҳақидаги маълумот дарҳол энг яқин станция навбатчисига етказилади, поезд бошлиғи (бригадири) эса ГППларни кузатиб боровчи шахс билан биргаликда воқеа содир бўлган жойнинг дахлсизлигини таъминлаши керак.

55. Юк таркибида прекурсорлар ташилганда фавқулодда вазият ёки уларнинг оқиб кетиши ҳолатлари юз берганда юк таркиби машинисти ёки унинг ёрдамчиси бу ҳақида тегишли чоралар қўрилиши учун дарҳол энг яқин станция навбатчисини хабардор қилиши лозим.

Бундай хабар олган станция бошлиғи транспорт милицияси вакиллари билан биргаликда дарҳол юкни қўриқлашни ташкил қилиши, сабабни бартараф қилиш бўйича чоралар қўллаши ва юк қабул қилувчини хабардор этиши лозим.

§ 2 ГППларни юклаш ва туширишга бўлган талаблар

56. ГППларни юклаш, тушириш темир йўл устави, юкларни ташиш қоидалари ва бошқа норматив-техник ҳужжатлар талабларига мувофиқ амалга оширилади.

57. Юк жўнатувчи ушбу маҳсулотнинг белгиланган стандарт нормалари ёки техник шартларидан ошмаган ҳолда ГППларни вагонларга, контейнерларга юклаши лозим.

58. ГППларни вагон ва контейнерларга, шунингдек очиқ ҳаракатланувчи маҳсус контейнерларга жойлаштириш ва маҳкамлаш юкларни юклаш ва маҳкамлаш техник шартларига мувофиқ амалга оширилиши керак.

Юкларни вагонлар ва контейнерларга маҳкамлаш учун фойдаланиладиган материал ташилаётган ГППларга нисбатан инерт бўлиши керак.

Оғирлиги 1 килограммдан ва ҳажми 1 литрдан ортиқ бўлмаган майда қадокланган ГППларни ташиш юкларни ташиш қоидаларига мувофиқ амалга оширилади.

VI. ГППларни қўл юки сифатида ташиш

59. ГППларни темир йўл ва ҳаво транспортида қўл юки сифатида ташишда юк жўнатувчи бўлиб мазкур Низом талаблари ва юкнинг хоссаларини яхши биладиган масъул шахс тайинланади. Унинг вазифаларига йўналишда юкни ҳолатини кузатиш ва қўриқлаш, шунингдек зарур хавфсизлик чораларини қўллаш киради.

Ташиш давомийлиги 8 соатдан ошса унга иккинчи кузатувчи тайинланади.

Бундай ташишлар учун тайинланган шахслар поезд жўнашидан 2 соат олдин кечикмасдан станция, вокзал бошлиғи ҳузурига етиб келиши ва қўл юки сифатида ташилаётган юкни кўрсатиши керак.

Станция, вокзал бошлиғи юк ўрамининг ташқи ҳолатини ва зарур бўлганда юкнинг оғирлигини (брутто) текшириши шарт.

ГППларни қўл юки сифатида ҳаво транспортида ташиш ваколатли орган томонидан тасдиқланган авиация қоидаларига мувофиқ амалга оширилади.

60. ГППларни темир йўл орқали қўл юки сифатида ташувчи юк жўнатувчи/юк қабул қилувчининг масъул шахсига барча жойлар учун тўланган алоҳида купе,

йўл ҳужжати (билет) мавжуд бўлганда купенинг барча жойлари кўрсатилган бўлиши керак.

Темир йўл транспортининг йўловчи ташиш поездларида ГППлар юридик шахс вакили томонидан қўл юки сифатида бир қўлда ташишнинг нормаларида белгиланган миқдори ташилишига рухсат берилади.

61. Юк жўнатувчи/юк қабул қилувчининг ГППларни қўл юки сифатида ташиётган юк ташиш учун масъул шахсини худди шундай юк олиб ўтаётган бошқа йўловчи бўлмаганда навбатсиз поездга ўтказилади.

ГППларни қўл юки сифатида ташиётган масъул шахсни ўтказилаётганлиги тўғрисида станция ёки вокзал бошлиғи поезд бошлиғи ёки бош кондуктори ва транспорт милицияси органларига хабар беришлари керак.

Бошлиқ билдиргида ва поезд маршрутида бу ҳақида белги қўяди.

62. Ташилаётган юкка хавф туғилгани аниқланса, (ёнгин, вагоннинг бузилиши) бу юкни олиб кетаётган масъул шахс талаб қилинадиган барча хавфсизлик чораларини кўриши ва юкни бошқа вагонга олиб ўтиш йўли билан сақланилишини таъминлаши лозим.

Содир бўлган воқеа тўғрисида кузатувчи ва поезд бошлиғи иштирокида далолатнома тузилади.

63. Юк жўнатувчи/юк қабул қилувчининг ГППларни қўл юки сифатида ташишга масъул бўлган шахси ташилаётган ГППларнинг сақланишига шахсан жавобгар ҳисобланади ва ўғирланган, йўқолган ёки бошқа шахсга кўзда тутилмаган ҳолларда берилиши ҳолатлари аниқланганда поезд бошлиғи ёки бош кондукторни, шунингдек милиция ходимларини белгиланган тартибда дарҳол хабардор этиши лозим.

64. ГППларни қўл юки сифатида автомобиль транспортининг жамоат турларида уларнинг миқдорларидан қатъи назар, ташилиши қатъиян тақиқланади.

VII. Яқуний хулоса

65. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Миллий Хавфсизлик хизмати, Давлат божхона қўмитаси, Бош Прокуратура, Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги, Ўздававианазорат ва Ўздавтемирйўлназорат билан келишилган.

**Миллий Хавфсизлик
хизмати раиси**

*Тошкент ш.,
2008 йил 4 март*

Р. ИНОЯТОВ

**Давлат божхона
қўмитаси раиси**

*Тошкент ш.,
2008 йил 4 март*

С. НОСИРОВ

Бош Прокурор

*Тошкент ш.,
2008 йил 7 март*

Р. ҚОДИРОВ

*Ўзбекистон автомобиль ва дарё
транспорти агентлиги бошлиғи*

А. АБДУВАЛИЕВ

*Тошкент ш.,
2008 йил 7 март*

*Парвозлар хавфсизлигини
назорат қилиш Давлат
инспекцияси бошлиғи*

Х. ТРОБОВ

*Тошкент ш.,
2008 йил 7 март*

*Ўзбекистон Давлат темир йўл
назорат инспекцияси бошлиғи*

Р. ИКРАМОВ

*Тошкент ш.,
2008 йил 7 март*

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида
гиёҳвандлик воситалари, психотроп
моддалар ва прекурсорларни ташиш
тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги
ходимлари кўриқловисиз ташишга рухсат этилган
прекурсорларнинг кам миқдорлари**

Т/р	Прекурсорлар номи	Рухсат этилган миқдор
1.	Сульфат кислотаси	10 тн
2.	Хлорид кислотаси	10 тн
3.	Толуол	12 кг (л)
4.	Этил эфири	12 кг (л)
5.	Ацетон	12 кг (л)
6.	Калий перманганат	12 кг (л)

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида
гиёҳвандлик воситалари, психотроп
моддалар ва прекурсорларни ташиш
тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

«__» _____ 20__ й.
____ - сон РУХСАТНОМА КОРЕШОГИ

Берилди _____
(ташкilot, муассаса номи)

Жойлашган жойи: _____
(манзили)

Ташиш учун _____
транспорт тури _____
_____ дан
(жўнатилиш жойи)
_____ гача
(белгиланган жойи)

_____ маршрут бўйича

Қуйидаги юкларни _____
(юкнинг номланиши, микдори)
_____ рақамлар ва сўзлар билан кўрсатилади

Юкларни ташиш учун масъул _____
(исм-шарифи, _____ паспорт рақами ва серияси)

Юкларни йўлда кузатиб борувчи шахслар:
1. _____
2. _____
3. _____

Рухсатнома муддати
20__ йил «__» _____ гача ҳақиқий

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар
вазирлиги
«__» _____ 20__ й.
____ - сон РУХСАТНОМА

Берилди _____
(ташкilot, муассаса номи)

Жойлашган жойи: _____
(манзили)

Ташиш учун _____
транспорт тури _____
_____ дан
(жўнатилиш жойи)
_____ гача
(белгиланган жойи)

_____ маршрут бўйича

Қуйидаги юкларни _____
(юкнинг номланиши, микдори)
_____ рақамлар ва сўзлар билан кўрсатилади

Юкларни ташиш учун масъул _____
(исм-шарифи, _____ паспорт рақами ва серияси)

Юкларни йўлда кузатиб борувчи шахслар:
1. _____
2. _____
3. _____

Рухсатнома муддати
20__ йил «__» _____ гача ҳақиқий

Ички ишлар органи бошлиғи
_____ (Ф.И.О, имзоси)

М.Ў.

ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ
ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

122 Банк кассаларига топширилаётган нақд пул тушумининг барқарор ўсишини ва уларнинг узлуксиз берилишини таъминланиши бўйича мансабдор шахсларнинг рағбатлантирилиши ва уларнинг масъулиятини ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил
16 апрелда 1792-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2008 йил 26 апрелдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида», «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида» қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банк тизимини янада ривожлантириш ва бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 7 ноябрдаги ПҚ-726-сонли қарорига мувофиқ **қарор қиламиз:**

1. Банк кассаларига топширилаётган нақд пул тушумининг барқарор ўсишини ва уларнинг узлуксиз берилишини таъминланиши бўйича мансабдор шахсларнинг рағбатлантирилиши ва уларнинг масъулиятини ошириш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан ўн кун ўтгандан кейин кучга киритилсин.

3. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Марказий банк раисининг биринчи ўринбосари Қ. Рофиев ва Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Э. Гадоев зиммаларига юклатилсин.

**Марказий банк
Бошқаруви раиси**

Тошкент ш.,
2008 йил 24 март,
296-В-сон

Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Давлат солиқ қўмитаси раиси

Тошкент ш.,
2008 йил 24 март,
2008-21-сон

Б. ПАРПИЕВ

Марказий банк Бошқаруви ва Давлат
солиқ қўмитасининг 2008 йил 24 мартдаги
296-В, 2008-21-сон қарорига
ИЛОВА

**Банк кассаларига топшириладиган нақд пул тушумининг
барқарор ўсишини ва уларнинг узлуксиз берилишини
таъминланиши бўйича мансабдор шахсларни рағбатлантирилиши
ва уларнинг масъулиятини ошириш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом банк кассаларига тушаётган нақд пул тушумининг барқарор ошиши ва уни аҳоли ҳамда хўжалик юритувчи субъектларининг депозит ҳисобварақларидан узлуксиз берилишини таъминлаганлик учун давлат солиқ хизмати, банклар ва инкассация хизматининг мансабдор шахсларини рағбатлантириш ва уларнинг масъулиятини ошириш тартибини белгилайди.

2. Банк кассаларига тушаётган нақд пул тушумининг барқарор ўсишини таъминлаганлик учун рағбатлантириш тизими қуйидагилар учун белгиланади:

Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан чакана савдо, умумий овқатланиш, иш ва хизматлар кўрсатишдан тушган нақд пул тушумини банк кассаларига топширилиши устидан мониторинг ва назорат юритиш бўйича Марказий банкнинг худудий Бош бошқармаларининг раҳбарлари ҳамда пул муомаласини тартибга солиш бўлинмалари раҳбарлари;

Давлат солиқ қўмитасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари, шаҳар ва туман солиқ инспекциялари раҳбарлари;

Тижорат банкларининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари, шаҳар ва туман бўлимлари (филиаллари)нинг раҳбарлари ҳамда пул муомаласи ва касса операциялари бўлимлари раҳбарлари.

3. Банк кассаларига тушаётган нақд пул тушумининг барқарор ошишини таъминлаганлик учун давлат солиқ хизмати, тижорат банклари мансабдор шахсларига мукофот пуллари Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 153 ва 180-моддаларига мувофиқ, мазкур ташкилотларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш фондлари ва махсус жамғармалари ҳисобидан тўланади.

**II. Нақд пул тушумининг ўсиши ва мижозларнинг нақд пулга
бўлган талабларини қондириш борасида мансабдор шахсларни
рағбатлантириш ва уларга нисбатан чоралар кўриш**

4. Ҳисобот оyi якуни бўйича тегишли ҳудудлардаги тижорат банклари кассаларига инкассация хизмати орқали топширилган нақд пул тушумининг ўтган ойдигига нисбатан камида 5 фоиз миқдорда ўсишини таъминлаганлик учун ушбу Низомнинг 2-бандида кўрсатиб ўтилган шахслар мансаб маошининг 20 фоизигача миқдорда рағбатлантирилади.

Бунда ушбу Низомнинг 2-бандида кўрсатилган Давлат солиқ қўмитасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари, шаҳар ва туман солиқ инспекциялари раҳбарлари тегишли ҳудудда тижорат банклари кассаларига инкассация хизмати орқали савдо ва пуллик хизмат кўрсатиш соҳаси-

дан топширилган нақд пул тушумлари ўтган ойдагига нисбатан камида 5 фоиз микдорда ўсиши таъминланганида мукофотланадилар.

Ушбу Низомнинг 2-бандида кўрсатилган тижорат банкларининг раҳбарлари — мазкур банкларнинг тегишли Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари, шаҳар ва туманлардаги бўлимлари (филиаллари) кассаларига савдо ва пуллик хизмат кўрсатиш соҳаларидан ҳамда аҳоли қўлидаги бўш пул маблағларини муддатли омонатларга жалб қилиш ҳисобига тушаётган нақд пул тушуми ҳажми оширилганда, касса операцияларининг кирим ва чиқим қисми нисбати ўтган ой кўрсаткичига нисбатан кам бўлмаганида ҳамда аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларга уларнинг ҳисобварақларидаги мавжуд маблағлари доирасида қонун ҳужжатларига мувофиқ берилиши лозим бўлган нақд пул тўловлари, айниқса биринчи навбатда тўланадиган иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар ўз вақтида амалга оширилган тақдирда мукофотланадилар.

5. Мукофотлаш мукофотланаётган шахснинг умумий ишга қўшган шахсий ҳиссасига қараб юқори ташкилотнинг буйруғи (қарори) асосида амалга оширилади.

6. Марказий банк, Давлат солиқ қўмитаси ва тижорат банкларининг ўз жамоа шартномаларига, ички меҳнат тартиби қоидаларига ва бошқа локал ҳужжатларига биноан банк кассаларига тушаётган нақд пул тушумининг барқарор ортиб боришини таъминлаганлиги учун Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармалари, давлат солиқ хизмати, тижорат банкларининг тегишли мансабдор шахсларига нисбатан меҳнат қонунчилиги доирасида рағбатлантиришнинг бошқа усуллари ҳам қўлланилиши мумкин.

7. Жойларда инкассация хизмати орқали банк кассаларига топширилган нақд пул тушумларининг микдори ўтган ойдагига нисбатан камайган ҳолларда ушбу Низомнинг 2-бандида кўрсатиб ўтилган шахсларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 181-моддасига мувофиқ интизомий жазо чоралари, жумладан ҳайфсан ёки ўртача ойлик иш ҳақининг 30 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима қўлланилиши мумкин.

Тижорат банклари аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларга уларнинг ҳисобварақларидаги мавжуд маблағлари доирасида амалдаги қонунчиликка мувофиқ берилиши лозим бўлган нақд пул тўловлари, уларнинг талаби бўйича узлуксиз берилишини таъминланмаганликлари учун уларнинг раҳбар ходимларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банклардаги депозит ҳисобварақлардан нақд пул тўловларини узлуксиз таъминлаш кафолатлари тўғрисида» 2005 йил 5 августдаги ПҚ-147-сонли қарорига асосан чоралар кўрилади.

Интизомий жазоларни қўллаш Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 182-моддасига қатъий риоя этган ҳолда амалга оширилади.

III. Мансабдор шахсларни рағбатлантириш ва уларнинг масъулиятини ошириш устидан назорат

8. Ушбу Низом талабларининг бажарилишини Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Давлат солиқ қўмитаси назорат қилади.

9. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Давлат солиқ қўмитаси банк кассаларига тушаётган нақд пул тушумларининг барқарор кўпайиб боришини рағбатлантиришга доир чора-тадбирларнинг бажарилиши тўғрисида тегишли ҳудудий (Бош) бошқармаларидан олинган маълумотлар асосида тижорат банклари, солиқ ва инкассация хизматининг шаҳар ва туман бўлимлари бўйича умумлаштиради ва таҳлил қилади.

10. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Давлат солиқ қўмитаси банк кассаларига тушаётган нақд пул тушумларининг барқарор ўсиб боришини таъминлаганлик учун мансабдор шахсларни рағбатлантириш ҳамда нақд пул маблағларининг узлуксиз берилишини таъминлаш юзасидан уларнинг масъулиятини ошириш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар натижалари бўйича ҳар ойда Республика пул-кредит сиёсати комиссиясига тегишли материаллар ва таклифларни кiritади.

11. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши билан келишилган.

*Меҳнат ва аҳолини ижтимоий
муҳофаза қилиш вазири в.б.*

А. ҲАЙТОВ

*Тошкент ш.,
2008 йил 20 март*

*Ўзбекистон Касаба уюшмалари
Федерацияси Кенгаши раиси*

Д. ЖАҲОНГИРОВА

*Тошкент ш.,
2008 йил 20 март*

+

-

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ ПАТЕНТ
ИДОРАСИ ДИРЕКТОРИНИНГ
БУЙРУҒИ

123 Селекция ютуғига Ўзбекистон Республикаси патентининг амал қилишини узайтириш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил
16 апрелда 1793-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2008 йил 26 апрелдан кучга киради)

«Селекция ютуқлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ **буюраман:**

1. «Селекция ютуғига Ўзбекистон Республикаси патентининг амал қилишини узайтириш қоидалари» иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ушбу буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилгандан сўнг ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Давлат патент идораси
директори**

А. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2008 йил 25 март,
13-сон

Давлат патент идораси директорининг
2008 йил 25 мартдаги 13-сон
буйруғи билан
ТАСДИҚЛАНГАН

**Селекция ютуғига Ўзбекистон Республикаси патентининг
амал қилишини узайтириш
ҚОИДАЛАРИ**

Селекция ютуғига Ўзбекистон Республикаси патентининг амал қилишини узайтириш қоидалари (кейинги ўринларда Қоидалар деб юритилади) Ўзбекистон Республикасининг «Селекция ютуқлари тўғрисида»ги Қонунига (кейинги ўринларда Қонун деб юритилади) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2002 йил, 17-18-сон, 127-модда) мувофиқ ўсимлик нави ва ҳайвон зотиغا Ўзбекистон Республикаси патентининг амал қилишини узайтириш тартибини белгилайди.

1 §. Умумий қоидалар

1. Қонуннинг 14-моддасига мувофиқ селекция ютуғига патентнинг амал қилиш муддати селекция ютуғи тегишли давлат реестрида рўйхатга олинган санадан эътиборан йигирма йилга тенг. Ток, ёғочбоп, манзарали, мевали дарахтлар ва ўрмон дарахтларининг навлари, шу жумладан уларнинг пайвандтаглари учун, бу муддат йигирма беш йилни ташкил этади.

Патентнинг амал қилиш муддати патент эгасининг илтимосномасига биноан кўпи билан ўн йилга узайтирилиши мумкин.

2. Селекция ютуғига патентнинг амал қилишини узайтириш тўғрисидаги илтимоснома Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идорасига (кейинги ўринларда Патент идораси деб юритилади) патентнинг амал қилиши тугагунга қадар сўнгги уч ой ичида ёки патентнинг амал қилиши тугагандан кейин олти ой ичида қўшимча патент божини тўлаш шarti билан берилади.

3. Селекция ютуғига патентнинг амал қилишини узайтириш учун қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорда патент божи тўланади.

4. Селекция ютуғига патентнинг (кейинги ўринларда патент деб юритилади) амал қилишини узайтиришга доир ишларни юритиш мустақил равишда патент эгаси томонидан, ваколати қонун ҳужжатларига мувофиқ расмийлаштирилган ишончнома билан тасдиқланадиган вакил ёки патент вакили орқали амалга оширилади.

2 §. Илтимосномани бериш ва кўриб чиқиш

5. Патентнинг амал қилишини узайтириш тўғрисидаги илтимоснома мазкур Қоидаларга иловада келтирилган шакл бўйича тақдим этилади.

Илтимоснома патент эгаси ёки унинг вакили томонидан имзоланади. Юридик шахс номидан илтимоснома лавозими кўрсатилган ҳолда раҳбар томонидан имзоланади. Имзо муҳр билан тасдиқланади.

6. Селекция ютуғига патентнинг амал қилишини узайтириш тўғрисидаги илтимосномага патентнинг амал қилишини узайтириш учун белгиланган миқдорда патент божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат илова қилинади.

Белгиланган миқдорда патент божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилмаганида илтимосномани кўриб чиқишга доир юридик аҳамиятга эга ҳаракатлар амалга оширилмайди.

7. Зарурият бўлганида илтимосномага вакилнинг ваколатларини тасдиқловчи ишончнома, шунингдек ворислик ҳуқуқи ёки меросга бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжат илова қилинади.

8. Илтимоснома ва унга илова қилинадиган ҳужжатлар Патент идорасига бево-сита берилади ёки почта орқали юборилади.

9. Ишончнома ва унга илова қилинадиган ҳужжатлар келиб тушган кундан бошлаб ўн беш кунлик муддат ичида барча керакли ҳужжатларнинг мавжудлиги ва уларнинг ушбу Қоидаларнинг 1 — 8-бандларида белгиланган талабларга мос келиши текширилади.

10. Ушбу Қоидаларнинг 5 — 7-бандларида кўрсатиб ўтилган керакли ҳужжатлар мавжуд бўлмаган ва/ёки нотўғри расмийлаштирилган тақдирда, патент эгасига мавжуд бўлмаган ва/ёки тузатилган ҳужжатларни сўровнома жўнатилган сандан бошлаб уч ой ичида тақдим этиш зарурлиги тўғрисида сўровнома юборилади. Бунда ишончномани кўриб чиқишнинг белгиланган муддатининг ўтиши етишмаётган ёки тузатилган ҳужжатларнинг охиргиси келиб тушгунга қадар тўхтатиб турилади.

11. Тақдим этилган ҳужжатлар мазкур Қоидаларнинг талабларига мос келганида патентнинг амал қилиши узайтирилади.

Патентнинг амал қилишини узайтириш тўғрисидаги маълумотлар тегишли Давлат реестрига киритилади ва Патент идорасининг расмий бюллетенида эълон қилинади. Патент эгасига патентнинг амал қилиши узайтирилганлиги тўғрисидаги ёзувли «Патентга илова» юборилади.

12. Тақдим этилган ҳужжатлар мазкур Қоидаларнинг талабларига мос келмаганида, шунингдек тузатилган ёки етишмаётган ҳужжатлар белгиланган муддатда тақдим этилмаган тақдирда Патент идораси патент эгасига илтимосномани қаноатлантириш рад этилганлиги тўғрисидаги рад этиш асослари кўрсатилган билдиришномани юборди.

Селекция ютуғига Ўзбекистон
Республикаси патентининг амал қилишини
узайтириш қоидаларига
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси
Давлат патент идораси
100047, Тошкент шаҳри,
Тўйтепа кўчаси, 2а уй.

_____ (Ф.И.О., ёки юридик шахснинг номи)

Манзил _____
Телефон _____

И Л Т И М О С Н О М А

- ўсимлик навига

- ҳайвон зотига

_____ - рақамли патентнинг амал қилишини узайтириб беришингизни сўрайман.

Илова қилинаётган ҳужжатлар (кераклиси [X] билан қайд этилсин)

- патентнинг амал қилишини узайтириш учун патент божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

- меросга бўлган ҳуқуқни ёки ворислик ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатнинг нусхаси;

- ишларни юритиш учун ишончнома.

Патент эгаси

_____ (лавозими, Ф.И.О., имзо)

Сана _____

(М.Ў.)

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ**124** Божхона юк декларациясини тўлдириш тартиби
тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиш ва қўшимчалар
киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил
16 апрелда 834-17-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2008 йил 26 апрелдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 90-моддаси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 1998 й., № 2, 36-модда), Ўзбекистон Республикаси «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 6-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 27 мартдаги «Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолиятини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-823-сон қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 1999 йил 24 сентябрдаги қарори билан тасдиқланган «Божхона юк декларациясини тўлдириш тартиби тўғрисидаги йўриқнома»га (1999 йил 3 ноябрь, рўйхат рақами 834 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 1999 й., 12-сон) иловага* мувофиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

**Давлат божхона
қўмитаси раиси**

С. НОСИРОВ

Тошкент ш.,
2008 йил 3 апрель,
01-02/8-29-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР,
ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА САВДО ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

125 Инвестиция лойиҳаларининг техник-иқтисодий асосномаларини Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида кўриб чиқиш тартибини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил
16 апрелда 846-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2008 йил 26 апрелдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2005 йил 26 июлдаги ПҚ–136-сон қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Инвестиция лойиҳалари ҳужжатларини ишлаб чиқиш, экспертизадан ўтказиш ва тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2007 йил 7 июндаги 110-сон қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги **қарор қилади:**

1. 1999 йил 1 июлда тасдиқланган Инвестиция лойиҳаларининг техник-иқтисодий асосномаларини Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида кўриб чиқиш тартиби (1999 йил 9 декабрь, рўйхат рақами 846) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Ташқи иқтисодий алоқалар,
инвестициялар ва савдо вазири**

Э. ҒАНИЕВ

Тошкент ш.,
2008 йил 14 апрель,
ЭГ-01/10-2212-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА
СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

126 Супер элита, элита ва кейинги авлодларга мансуб уруғлик ғалла етиштириш ҳуқуқига эга бўлиш учун хўжаликлар ўртасида танлов ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил
17 апрелда 1794-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2008 йил 27 апрелдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Уруғчилик тўғрисида» ва «Селекция ютуқлари тўғрисида»ги қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 28 июндаги «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида»ги 290-сонли қарорига асосан **бюраман:**

1. Супер элита, элита ва кейинги авлодларга мансуб уруғлик ғалла етиштириш ҳуқуқига эга бўлиш учун хўжаликлар ўртасида танлов ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

3. Ушбу буйруқнинг бажарилишини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари Ў. Барноев зиммасига юклатилсин.

**Қишлоқ ва сув
хўжалиги вазири**

Тошкент ш.,
2008 йил 22 март,
41-сон

С. ИСМОИЛОВ

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг
2008 йил 22 мартдаги 41-сон
буйруғи билан
ТАСДИҚЛАНГАН

**Супер элита, элита ва кейинги авлодларга мансуб уруғлик
ғалла етиштириш ҳуқуқига эга бўлиш учун хўжаликлар
ўртасида танлов ўтказиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Уруғчилик тўғрисида» ва «Селекция ютуқлари тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ фермер, тажриба ва бошқа хўжаликларга супер элита, элита ва кейинги авлодларга мансуб уруғлик ғалла етиштириш ҳуқуқини бериш учун танлов ўтказиш тартибини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й.

I. Умумий қоидалар

1. Туманда уруғлик ғалла етиштириш майдони, уруғлик учун экиладиган ғалла навлари ва кутиладиган уруғлик ғалла ҳажмлари Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармалари томонидан тасдиқланган режага асосан белгиланади.

2. Туман ҳокими супер элита, элита ва кейинги авлодларга мансуб уруғлик ғалла етиштириш ҳуқуқига эга бўлиш учун танлов ўтказиш комиссияси (кейинги ўринларда матнда Комиссия деб юритилади) таркибини тасдиқлайди ва танловни эълон қилиш бўйича қарор қабул қилади.

Комиссия таркибига туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи (комиссия раиси), туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими ҳосилоти, туман давуруғназорат бўлими, туман ўсимликларни ҳимоя қилиш отряди, туман (шаҳар) ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими, туман давлат техника назорати бўлими ва туманда жойлашган дон маҳсулоти корхонаси ҳамда бошқа тегишли ташкилот раҳбар мутахассислари киритилиши лозим.

3. Комиссия супер элита, элита ва кейинги авлодларга мансуб уруғлик ғалла етиштириш ҳуқуқига эга бўлиш учун рухсат бериш бўйича танлов ўтказилади.

Тендер танлови ҳар йилнинг 15 июлидан 15 августигача ўтказилади.

4. Туман ҳокимининг танлов ўтказиш тўғрисидаги қарори оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниши, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, қишлоқ хўжалиги ташкилотлари бошқаруви (маъмурияти) биноларида фуқаролар танишиш имкони қулай бўлган жойларга қўйилиши керак. Эълонда танловнинг ўтказиш вақти ва жойи, тақдим қилинадиган ҳужжатлар рўйхати ҳамда танлов ўтказиш тартиби кўрсатилиши лозим.

5. Туман ҳокимининг танлов ўтказиш тўғрисидаги қарори қабул қилиниб, эълон қилинган кундан бошлаб 30 кундан кейин танлов ўтказилади.

6. Танловда ғалла етиштирувчи фермер, тажриба ва бошқа хўжаликлар иштирок этиш ҳуқуқига эга.

7. Комиссия аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисми иштирок этганда йиғилиш ўтказишга ҳақли ҳисобланади.

8. Супер элита, элита ва кейинги авлодларга мансуб уруғлик ғалла етиштириш ҳуқуқига эга бўлиш учун танлов мазкур Низомнинг 1-илоvasида келтирилган жадвал бўйича ўтказилади.

9. Танлов якунлари бўйича Комиссиянинг қарори баённома билан расмийлаштирилади ва тасдиқлаш учун туман ҳокимига тақдим этилади. Мазкур баённома нусхалари Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, вилоятлар қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаларига тақдим этилади.

10. Уруғлик ғалла етиштириш тўғрисидаги ҳуқуқ 1 йилга берилади.

II. Супер элита, элита ва кейинги авлодларга мансуб уруғлик ғалла етиштириш ҳуқуқига эга бўлиш учун рухсат беришнинг умумий шартлари

11. Танлов ўтказилиши тўғрисида эълон қилинган кундан бошлаб 30 кун давомида аризалар қабул қилинади.

12. Танловда иштирок этиш учун аризаларни қабул қилиш танлов эълон қилинган куннинг 30-куни соат 18-00 да тўхтатилади. Агар 30-кун дам олиш кунига тўғри келса, дам олиш кунидан кейинги биринчи иш кунини соат 18-00 да аризаларни қабул қилиш тўхтатилади.

13. Ариза ва ҳужжатларни комиссиянинг котиби қабул қилади. Комиссиянинг котиби талабгорларга танловда юқори балл олиши учун имкон берадиган барча ҳолатларни тушунтириб, лозим бўлганда унинг ҳужжатларидаги камчиликларни ишчи тартибда бартараф этиш чораларини кўради. Комиссия котиби танловда иштирок этиш кунига талабгорнинг баҳоланадиган имкониятларини асослантурувчи ҳужжатларнинг тўлиқ тақдим қилинишини, уларнинг тўғри расмийлаштирилишини таъминлашга кўмаклашиши лозим.

III. Танловда иштирок этиш учун қатнашувчиларни танлаш тартиби

14. Танловда иштирок этиш учун талабгорларни танлаш икки босқичдан иборат бўлади:

биринчи босқичда ҳужжатларнинг тўлиқлиги ва мазмуни текширилади;

иккинчи босқичда талабгорларнинг аризаларида баён қилинган имкониятларининг асосланганлиги ўрганиб чиқилади ва якуний қарор қабул қилинади.

15. Талабгорлар имкониятлари 10 баллик рейтинг шкаласида баҳоланади.

16. Танловда иштирок этиш учун қатнашувчиларни танлашда комиссия сувли ва лалми ерлар бўйича муайян супер элита, элита ва кейинги авлодларга мансуб уруғлик ғалла етиштириш ҳуқуқига эга бўлиш учун берилган ариза тақдим этган талабгорларнинг ҳужжатлари асосида уларнинг таклифларини пухта ўрганиб чиқади. Бунда ариза берувчининг ўз зиммасига олган мажбуриятларнинг тўлиқлиги ва ҳақиқатга яқинлиги ҳамда уларни бажариш имкониятлари ҳисобга олинади.

17. Танловда иштирок этувчиларни аризалари тўлиқлиги ва мазмуни жиҳатидан биринчи босқичда текширилгандан сўнг, иккинчи босқичда талабгорларнинг имкониятлари асосланганлиги ўрганиб чиқилиб, рейтинг баллари қўйилади ва якуний қарор қабул қилинади.

Танловда иштирок этувчи қатнашувчиларни танлашнинг иккинчи босқичи қуйидаги кўрсаткичлар асосида баҳоланади:

а) ер майдонлари сувли ерларда 10 гектардан, лалми ерларда 20 гектардан кам бўлмаслиги ҳамда хўжаликларнинг ер унумдорлиги (туман (шаҳар) ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими маълумоти)га асосан 4 баллдан 10 баллгача баҳоланади. Бунда комиссияга маълумот тўғрисидаги ҳужжатнинг асли ёки белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси тақдим этилади;

б) сувли ерларда хўжаликларнинг сув таъминоти (туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими маълумотлари)га асосан 4 баллдан 10 баллгача баҳоланади. Бунда комиссияга маълумот тўғрисидаги ҳужжатнинг асли ёки белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси тақдим этилади (лалми ерларда бундан мустасно);

Ерларнинг шўрланганлик даражаси гидрогеология-мелиоратив экспедицияси маълумотлари бўйича ҳамда сув йўлларига мослиги, сизот сувларнинг жойлашуви (лалми ерларда бундан мустасно), илмий асосланган хулосага кўра, тузилган агрохимкартограмма асосида келгусида тупроқ таркибидаги ҳаракатчан фосфор ва калийни ҳисобга олиб, яқин йилларда сарфланадиган минерал ўғитлар талаби бўйича маълумотномаси нусхаси.

Кейинги 3 йилда ғалла касалликлари ва зараркунандаларига чалинмаганлиги ва бошқа кўрсаткичлар инобатга олинади;

в) талабгорнинг мутахассислиги тўғрисидаги ҳужжат (диплом, шаҳодатнома, сертификат, гувоҳнома)га асосан 5 баллдан 10 баллгача баҳоланади. Бунда комиссияга маълумот тўғрисидаги ҳужжатнинг асли ёки белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси тақдим этилади;

Хорижий давлатлар, шу жумладан МДХ давлатлари таълим муассасалари томонидан 1992 йил 1 январдан сўнг берилган маълумот тўғрисидаги хужжатлар белгиланган тартибда нострификацияланган бўлиши лозим.

Талабгорнинг мутахассислигини баҳолашда талабгорнинг маълумоти (олий ёки ўрта махсус)дан қатъи назар, фақатгина мутахассислик инobatга олинади. Мутахассислик учун энг юқори балл фермер хўжалиги бўйича махсус мутахассисликка эга бўлган талабгорларга берилади. Бунда, фермер хўжалиги бўйича махсус мутахассислик деганда фермерлик фаолиятини юритишга доир махсус мутахассисликка эга шахслар, шу жумладан айнан шу соҳада касб-хунар коллежини тамомлаган ёки шу соҳада бакалавр (магистр) даражасини олган ёхуд бошқа илмий даражага эга бўлган шахслар ҳисобланади.

Бир неча мутахассислик бўйича маълумот тўғрисидаги хужжатга эга бўлган талабгорларнинг фақатгина битта энг юқори балли мутахассислиги инobatга олинади.

г) талабгорнинг қишлоқ хўжалигидаги иш стажини аниқлашда меҳнат дафтарчасига асосан фақат уруғчилик соҳасида ўталган иш стажини инobatга олинади ва 6 баллдан 10 баллгача баҳоланади. Бунда комиссияга меҳнат дафтарчасининг асли ёки белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси тақдим этилади;

д) талабгорнинг мажбуриятлардан ҳоли пул маблағлари мавжудлиги банк томонидан берилган маълумотномада тасдиқланган бўлиши лозим. Банк маълумотномаси банк бошқарувчиси ёки унинг вазифасини бажарувчи шахс томонидан имзоланган ва банк муҳри билан тасдиқланган бўлиши шарт;

е) талабгорнинг техника воситалари билан таъминланганлиги уларнинг тури ва техник имкониятларидан келиб чиқиб 1 баллдан 10 баллгача баҳоланади.

— Танловга таклиф этилган техника воситалари қўйидагилар асосида баҳоланади: +

техника воситаларини баҳолашда фақатгина техник паспортидаги техник созлиги тўғрисидаги белги мавжуд бўлган техника воситаларигина инobatга олинади;

таклиф этилган барча турдаги техника воситалари учун қўйилган баллар йиғиндиси 15 баллдан ошмаслиги лозим;

ж) талабгор сўнги уч йилда ғалла сотиш шартномаларининг бажарилиши тўғрисидаги туман статистика бўлими томонидан берилган маълумот асосида 4 баллдан 10 баллгача баҳоланади.

Талабгорнинг ҳар бир кўрсаткичи бўйича тегишли баллни бериш масаласи комиссия аъзолари томонидан сувли ва лалми ерлар учун мазкур Низомнинг 2-3-иловаларида назарда тутилган кўрсаткичлар асосида кўпчилик овоз билан ҳал этилади ва ҳар бир кўрсаткич бўйича битта балл берилади.

18. Йиғилишда комиссия аъзоларининг кўпчилик овозига кўра қўйилган рейтинг балларига асосан танлов ғолиблари аниқланади.

Танловда ҳар бир комиссия аъзоси томонидан талабгорга қўйилган баллар йиғиндиси комиссияда балл қўйган аъзолар сонига бўлинади ва талабгорга қўйилган ўртача балл ҳисоблаб чиқарилади.

19. Энг кўп балл тўплаган талабгорлар танлов ғолиблари деб комиссия раиси томонидан эълон қилинади.

20. Комиссия якуний йиғилишининг баённомаси мазкур Низомнинг 4-иловасида келтирилган шаклда икки нусхада тузилиб, комиссия раиси, аъзолари ва котиби томонидан имзоланади.

21. Комиссиянинг якуний йиғилиши баёни ва унга илова қилинган хужжатлар Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига ва вилоятлар қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаларига юборилади.

IV. Супер элита, элита ва кейинги авлодларга мансуб уруғлик ғалла етиштириш ҳуқуқига эга бўлиш учун талабгорларни танлаш ва танлов ўтказиш ишлари бўйича ҳужжатларни юритиш

22. Супер элита, элита ва кейинги авлодларга мансуб уруғлик ғалла етиштириш ҳуқуқига эга бўлиш учун талабгорларни танлаш ва танлов ўтказиш бўйича ҳужжатлари комиссия котиби томонидан юритилади. Комиссия котиби қоида тариқасида, туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими ходими бўлади.

23. Комиссиянинг талабгорларни танлаш ва танлов ўтказиш билан боғлиқ барча ҳужжатлари алоҳида йиғма жилдларда сақланади. Мазкур ҳужжатлар уруғчилик хўжалиқларининг барчаси рўйхатдан ўтказилгандан сўнг 2 ҳафта мобайнида Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига ва вилоятлар қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармалари архивига топширилади.

24. Ҳар бир йиғма жилдда қуйидаги ҳужжатлар тикилиши лозим:

- а) комиссиянинг танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонлари;
 - б) танловга талабгор томонидан тақдим этилган ариза ва унга илова қилинган ҳужжатлар;
 - в) танловда иштирок этиш учун қатнашувчиларни танлаш варақаси;
 - г) комиссиянинг ҳар бир ариза бўйича талабгорларни танловда иштирок этишга тавсия этиш тўғрисидаги қарорлари;
 - д) ҳар бир комиссия аъзоси томонидан тўлдирилган танлов варақалари;
 - е) танлов якуни бўйича қўйилган баллар ҳисоб-китоби;
 - ж) танлов ўтказиш якунлари юзасидан комиссия томонидан қабул қилинган баённомалар;
 - з) талабгорларни танлаш ва танлов ўтказиш билан боғлиқ бошқа ҳужжатлар.
- Жилдга рейтинг баллари беришга асос бўлган барча ҳужжатлар (шу жумладан, асли тақдим этилган ҳужжатларнинг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхалари) тикилиши шарт.

25. Комиссиянинг фаолиятига доир ҳужжатларнинг тўлиқ юритилиши, сақланиши ва белгиланган муддатларда архивга топширилишига комиссия раиси ва котиби шахсан жавобгардир.

V. Танлов ғолибларининг вазифа ва функциялари

26. Супер элита, элита ва кейинги авлодларга мансуб уруғлик ғалла етиштириш ҳуқуқига эга бўлган фермер, тажриба ва бошқа хўжалиқлар қайси навдан неча гектар экиши ва қанча ҳажмда уруғлик етиштириши вилоят ҳокимининг келгуси йил ҳосили учун талаб этиладиган уруғлик тайёрлаш ҳажмлари ва навларни жойлаштириш тўғрисидаги қарорига асосан белгилаб берилади.

Бунда танлов ғолибларининг вазифа ва функциялари қуйидагилардан иборат бўлади:

- а) асосий вазифалар:
 - республика эҳтиёжини қондириш учун навлар бўйича зарур миқдордаги, стандарт талабларига мос келувчи нав уруғларининг авлодларини ҳисобга олган ҳолда етиштириш;
 - кўпайтириладиган навнинг қимматли хўжалик, технологик хусусиятларини сақлаб қолиш;
 - юқори сифатли ва нав софлигига эга бўлган супер элита, элита ва кейинги авлодли уруғларни етиштириш;

супер элита, элита ва кейинги авлодли уруғликларни етиштириш ва қайта ишлаш тартиб ва қоидаларига амал қилиш;

нав муаллифлари ва нав оригинаторлари томонидан ишлаб чиқилган илмий асосланган тавсиялар асосида агротехник тадбирларни белгиланган муддатларда ва меъёрларда сифатли ўтказилишини таъминлаш;

б) юклатилган вазифаларга асосан қўйидаги функцияларни бажаради:

уруғлик майдонлари юқори унумдор, механизмлар ёрдамида ишлов беришга қулай, сув билан яхши таъминланган, шўрланмаган ва текис далаларда жойлаштирилади;

алмашиб экиш ва агротехник тадбирларни ўз вақтида ўтказиш дастурини тузади ва уларнинг ҳисобини олиб боради;

хар бир гектар суперэлита уруғи экилган майдонга, элита ва кейинги авлодли уруғлар экилган майдонга бир мутахассис ҳисобида биттадан юқори малакали уруғчи-мутахассислар билан таъминлайди;

супер элита, элита ва кейинги авлодли уруғлик майдонларини ихчам қилиб жойлаштиради, белгиланган тартибда ва мақбул муддатларда оралиқ химоя масофани сақлаган ҳолда экади;

фойдаланишга рухсат этилган препаратлар билан зарарсизлантирилган уруғларни экади;

нав ва тур тозалиги бўйича дала кўриги ва ўтовини энг камида икки марта ўтказишни ташкиллаштиради.

27. Мазкур Низомда белгиланган талаблар бузилган ҳолда хўжаликлар ўрнатилган тартибда уруғлик етказиш ҳуқуқидан маҳрум этилади.

VI. Яқуний қоидалар

28. Ушбу Низомда тартибга солинмаган масалалар Комиссия томонидан қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ҳал этилади.

29. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси ва «Ўздонмахсулот» акциядорлик компанияси билан келишилган.

Иқтисодиёт вазири

Б. ХЎЖАЕВ

*Тошкент ш.,
2008 йил 24 март*

*Ер ресурслари, геодезия,
картография ва давлат кадастри
давлат қўмитаси раиси*

А. АБДУАЗИЗОВ

*Тошкент ш.,
2008 йил 24 март*

*«Ўздонмахсулот» акциядорлик
компанияси бошқаруви раиси*

Э. ҚУДРАТОВ

*Тошкент ш.,
2008 йил 24 март*

Супер элита, элита ва кейинги авлодларга мансуб уруғлик ғалла етиштириш ҳуқуқига эга бўлиш учун ҳўжаликлар ўртасида танлов ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

**Сувли ва лалми ерларда супер элита, элита ва кейинги авлодларга мансуб уруғлик ғалла етиштириш ҳуқуқига эга бўлиш учун танловини ўтказиш
ЖАДВАЛИ**

Босқичлар	Субъект	Амалга ошириладиган ишлар	Муддат
I. Босқич	Туман ҳокимлиги, Комиссия	1. Маҳаллий оммавий ахборот воситаларида ёки бошқа қулай шаклда танлов ўтказилиши тўғрисида эълон беради. 2. Ушбу эълон билан биргаликда аризаларни қабул қилишни бошлайди.	Танлов ўтказилишидан 30 кун олдин
II. Босқич	Талабгорлар	1. Ариза ва унга илова қилинган ҳужжатларни топширади.	Танлов эълон қилинган куннинг 30-куни соат 18-00 да тўхтатилади. Агар 30-кун дам олиш кунига тўғри келса, дам олиш кунидан кейинги биринчи иш куни соат 18-00 да аризаларни қабул қилиш тўхтатилади.
	Комиссия котиби	1. Ариза ва ҳужжатларни қабул қилади. Лозим бўлганда камчиликларни ишчи тартибда бартараф этиш чораларини кўради.	Танлов эълон қилинган куннинг 30-куни соат 18-00 да тўхтатилади. Агар 30-кун дам олиш кунига тўғри келса, дам олиш кунидан кейинги биринчи иш куни соат 18-00 да аризаларни қабул қилиш тўхтатилади.
	Комиссия	Танловда иштирок этиш учун қатнашувчиларни танлайди, бунда: 1. Ҳужжатларнинг тўлиқлиги ва мазмунини текширади. 2. Комиссия йиғилишида талабгорларга рейтинг баллари қўйилади. 3. Энг юқори балл олган талабгорларни танловда голиб бўлганлиги тўғрисида қарор қабул қилади.	3 иш кунига
	Танловда иштирок этишга тавсия этилган ёки зарур балл ололмаганлиги сабабли танловга тавсия этилмаган талабгорлар		

Супер элита, элита ва кейинги авлодларга мансуб уруғлик ғалла етиштириш ҳуқуқига эга бўлиш учун хўжаликлар ўртасида танлов ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

Сувли ерлар танловида иштирок этиш учун қатнашувчиларни танлашда талабгорларнинг имкониятларини баҳолайдиган РЕЙТИНГ БАЛЛАРИ

Т/р	Баҳолаш мезонлари	Рейтинг кўрсаткичлари	Рейтинг баллари	Тақдим этиладиган ҳужжатлар
1	Экин майдони ҳолати	60 балл бонитетдан юқори 50 дан 60 гача 40 дан 50 гача	10 балл 8 балл 4 балл	Туман ер ресурслари бўлимининг маълумоти
2	Сув таъминоти	Яхши Ўрта Ёмон	10 балл 8 балл 1 балл	Туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимининг маълумоти
3	Шўрланганлик даражаси	Қучли шўрланган 1-2 % Ўрта шўрланган 0,5-1,0 % Кам шўрланган 0,3-0,5 % шўрланмаган	1 балл 6 балл 8 балл 10 балл	Гидрогеология мелиоратив экспедициясининг маълумотлари
4	Талабгорнинг мутахассислиги	Агроном, иқтисодчи, юрис, инженер, ҳисобчи, механик, зоотехник, ветеринар, бошқа мутахассис	10 балл 9 балл 8 балл 7 балл 5 балл	Маълумоти тўғрисидаги ҳужжат ёки унинг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси
5	Талабгорнинг қишлоқ хўжалигидаги иш стаж	15 йил ва ундан юқори 10 йилдан 15 йилгача 5 йилдан 10 йилгача 3 йилдан 5 йилгача 1 йилдан 3 йилгача	10 балл 9 балл 8 балл 7 балл 6 балл	Меҳнат дафтарчаси ёки унинг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси
6	Талабгорнинг маълумоти	Олий Ўрта махсус Ўрта	10 балл 7 балл 5 балл	Маълумоти тўғрисидаги ҳужжат ёки унинг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси
7	Талабгор ҳисоб варағидаги мажбуриятлардан озод бўлган мавжуд пул маблағи ёки мол-мулки	10 млн. сўмдан юқори 5 млн. — 10 млн. сўмгача 1 млн. — 5 млн. сўмгача 500 мингдан — 1 млн. сўмгача	10 балл 8 балл 6 балл 4 балл	Банк маълумотномаси. Танловга мол-мулк таклиф этилган тақдирда, унинг баҳосини ва унга эгаллик ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат
8	Талабгорга тегишли яроқли техника	Ҳайдов трактори ёки ўрим техникаси Экиш сеялкаси Транспорт трактори Юк машинаси Енгил машинаси Бошқа қишлоқ хўжалиги техникаси	10 балл 9 балл 8 балл 2 балл 1 балл 1 балл	Техник паспорт
9	Талабгорнинг сўнгги уч йил давомида ғалла сотиш бўйича шартномаларнинг бажариши	3 йил сурункали бажарганда 3 йилдан 2 йил бажарганда 3 йилдан 1 йил бажарганда	10 балл 8 балл 6 балл	Туман статистика бўлими томонидан берилган маълумотнома

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й.

Супер элита, элита ва кейинги авлодларга мансуб уруғлик галла етиштириш ҳуқуқига эга бўлиш учун хўжаликлар ўртасида танлов ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга
3-ИЛОВА

Лалми ерлар танловида иштирок этиш учун қатнашувчиларни танлашда талабгорларнинг имкониятларини баҳолайдиган РЕЙТИНГ БАЛЛАРИ

Т/р	Баҳолаш мезонлари	Рейтинг кўрсаткичлари	Рейтинг баллари	Тақдим этиладиган ҳужжатлар
1	Экин майдони ҳолати	40 балдан юқори 30 дан 40 гача 20 дан 30 гача	10 балл 8 балл 4 балл	Туман ер ресурслари бўлимининг маълумоти
2	Талабгорнинг мутахассислиги	Агроном, иктисодчи, юрист, инженер, ҳисобчи, механик, зоотехник, ветеринар, бошқа мутахассис	10 балл 9 балл 8 балл 7 балл 5 балл	Маълумоти тўғрисидаги ҳужжат ёки унинг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси
3	Талабгорнинг қишлоқ хўжалигидаги иш стаж	15 йил ва ундан юқори 10 йилдан 15 йилгача 5 йилдан 10 йилгача 3 йилдан 5 йилгача 1 йилдан 3 йилгача	10 балл 9 балл 8 балл 7 балл 6 балл	Меҳнат дафтарчаси ёки унинг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси
4	Талабгорнинг маълумоти	Олий Ўрта махсус Ўрта	10 балл 7 балл 5 балл	Маълумоти тўғрисидаги ҳужжат ёки унинг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси
5	Талабгор ҳисоб варағидаги мажбуриятлардан озод бўлган мавжуд пул маблағи ёки мол-мулки	5 млн. сўмдан юқори 2,5 млн. – 5,0 млн. сўмгача 0,5 млн. – 2,5 млн. сўмгача 250 мингдан – 0,5 млн. сўмгача	10 балл 8 балл 6 балл 4 балл	Банк маълумотномаси. Танловга мол-мулк тақлиф этилган тақдирда, унинг баҳосини ва унга эгалик ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат
6	Талабгорга тегишли яроқли техника	Ҳайдов трактори ёки ўрим техникаси Экиш сеялкаси Транспорт трактори Юк машинаси Енгил машинаси Бошқа қишлоқ хўжалиги техникаси	10 балл 9 балл 8 балл 2 балл 1 балл 1 балл	Техник паспорт
7	Талабгорнинг сўнгги уч йил давомида галла сотиш бўйича шартномаларнинг бажариши	3 йил сурункали бажарганда 3 йилдан 2 йил бажарганда 3 йилдан 1 йил бажарганда	10 балл 8 балл 6 балл	Туман статистика бўлими томонидан берилган маълумотнома

Супер элита, элита ва кейинги авлодларга
мансуб уруғлик ғалла етиштириш
хуқуқига эга бўлиш учун хўжаликлар
ўртасида танлов ўтказиш тартиби
тўғрисидаги низомга
4-ИЛОВА

_____ вилояти _____ тумани

_____ КОМИССИЯСИ ЙИҒИЛИШИНING
(комиссиянинг номи)

_____ - СОНЛИ БАЁННОМАСИ

_____ вилояти _____ тумани «___» _____ 200_ йил

Раислик қилди: _____
(комиссия раиси Ф.И.Ш.)

Қатнашдилар: _____
(комиссия аъзоси Ф.И.Ш.)

(комиссия аъзоси Ф.И.Ш.)

Кун тартиби

_____ уруғчилик хўжаликлари
ўртасида ўтказилган танлов яқунлари тўғрисида.
Кун тартибидаги масала юзасидан комиссия раиси _____
_____ ахбороти эшитилди.

Кун тартибидаги масалани муҳокама қилиб, комиссия

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

_____ уруғчилик хўжаликлари ўртасида ўтказилган
танлов яқунлари қуйидагича тасдиқлансин.

Т/р	Танлов ғолибларининг номи	Майдони, га	Тўплаган бали
1.			
2.			
3.			
4.			
5.			

Комиссия раиси _____
(Ф.И.Ш.) _____ (имзо)

Комиссия аъзолари: _____
(Ф.И.Ш.) _____ (имзо)

Котиб _____
(Ф.И.Ш.) _____ (имзо)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

127 Биржа савдоларида мазут ёқилғисини сотиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 17 апрелда 1795-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди

(2008 йил 27 апрелдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 февралдаги «Маҳсулотлар, хом ашё ва материалларнинг юқори ликвидли турларини сотишнинг бозор механизмларини жорий этишни давом эттириш тўғрисида»ги 57-сонли қарорига мувофиқ **қарор қиламиз:**

1. Илова қилинаётган Биржа савдоларида мазут ёқилғисини сотиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Молия вазирлиги, «Ўздавнефтгазинспекция», «Ўзбекнефтегаз» МХК, Товар-хом ашё биржасининг 2004 йил 29 мартдаги «Биржа савдоларида ёқилғи мазутини сотиш тартиби тўғрисида вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 23, 01/24-14, 50, 03-183, 01/АА-214-М, 42-01/139-сонли қарори (2004 йил, 6 май, рўйхат рақами 1348 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 18-сон, 211-модда) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

3. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган пайдан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

Иқтисодиёт вазири

Б. ХЎЖАЕВ

Тошкент ш.,
2008 йил 2 апрель,
48-сон

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2008 йил 2 апрель,
30-сон

Иқтисодиёт вазирлиги,
Молия вазирлигининг 2008 йил
2 апрелдаги 48, 30-сон қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН

Биржа савдоларида мазут ёқилғисини сотиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Маҳсулотлар, хом ашё ва материалларнинг юқори ликвидли турларини сотишнинг бозор механизмини жорий этишни давом эттириш тўғрисида»ги 2004 йил 5 февралдаги 57-сонли қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 5-сон, 57-модда) мувофиқ мазут ёқилғисини Товар-хом ашё биржалари (бундан кейинги ўринларда Биржа деб юритилади) биржа савдоларида сотиш тартибини белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом мазут ёқилғиси ишлаб чиқарадиган, етказиб берадиган ва ундан фойдаланадиган Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган корхона ва ташкилотларга (давлат бюджетидан молияланадиган ташкилотлар, «Ўзбекэнерго» ДАК, НКМК, «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК корхоналари, «Иссиқлик манбаи» минтақавий ишлаб чиқариш бирлашмалари, «Тошиссиқликцентраль» бирлашмасидан ташқари) татбиқ этилади.

2. Ушбу Низомга мувофиқ сотиб олинган мазут ёқилғиси фақат Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фойдаланиши мумкин, уни экспортга чиқариш ва қайта сотиш мумкин эмас.

3. Мазут ёқилғиси сотиш Биржаларда биржа савдолари электрон тизимидан фойдаланган ҳолда реал вақт режимида амалга оширилади.

II. Асосий тушунчалар

4. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилган:

маҳсулот — республикада нефть маҳсулотлари ресурслари ва уларни тақсироти тасдиқланган балансга мувофиқ биржа савдоларида истеъмолчиларга сотиладиган мазут ёқилғиси;

биржа савдолари электрон тизими — Биржа аъзоларига республиканинг ҳар бир географик нуқтасидан аниқ вақт режимида узоқ масофадан туриб биржа савдоларида иштирок этиш имконини берадиган дастурий аппарат воситалари мажмуидан иборат глобал тақсимланган ахборот тизими;

ҳисоб-китоб-клиринг палатаси (бундан кейинги ўринларда ХККП деб юритилади) — Биржа битишувлари бўйича клиринг, ҳисоб-китоблар ва ўзаро ҳисоб-китоблар ўтказилишини таъминловчи Биржанинг тузилмавий бўлинмаси;

сотувчилар — маҳсулотни биржа савдоларига чиқариш ва сотишни амалга оширувчи унитар корхоналар («Ўзнефтьмаҳсулот» АК тизимидаги нефть базалари);

харидорлар — маҳсулотни ўз эҳтиёжлари учун ишлатувчи юридик шахслар;

битишув баённомаси — харидор ва сотувчига биржа савдоларини ўтказиш яқунлари бўйича бериладиган, сотувчи, харидор ва биржа брокери томонидан имзо-

ланган, тарафларни белгиланган муддатда талаб ва таклиф нархи бўйича биржа савдолари натижаларига кўра харид қилинган ҳажмда маҳсулотнинг олди-сотди шартномасини тузиш мажбуриятини юклайдиган ҳужжат;

закалат — Биржада амалга ошириладиган битишувлар бажарилиши кафолатини таъминлаш учун харидорлар ва сотувчилар томонидан Биржага хизмат кўрсатувчи банкдаги ҲККПнинг иккиламчи депозит ҳисобварағига киритиладиган битишувларни кафолатли таъминлаш маблағи;

нархлар котировкаси — биржа савдоларининг бир куни учун Биржада ўтказилган савдо сессиялари натижалари бўйича аниқланган маҳсулотга ўртача нарх;

ўртача белгиланган нарх — бир ҳафталик биржа савдолари натижалари бўйича аниқланган ва оммавий ахборот воситаларида эълон қилинадиган маҳсулотнинг ўртача нархи;

тўланган битишувлар реестри — тузилган олди-сотди шартномаси бўйича мажбуриятларнинг тўлиқ қопланилишини таъминлайдиган миқдордаги маблағларнинг харидорнинг ҲККПдаги шахсий ҳисобварағига келиб тушганлигини тасдиқловчи ҳужжат.

III. Мазут ёқилғиси ҳажмини шакллантириш ва уни сотиш тартиби

5. Маҳсулотни сотиш ҳажмлари ҳар йили тасдиқланадиган нефть маҳсулотларини ресурслар ва тақсимланиш балансидан келиб чиққан ҳолда шакллантирилади.

6. «Ўзнефтмаҳсулот» АК келгуси йилга мўлжалланган маҳсулот сотиш миқдорларидан келиб чиққан ҳолда, ҳар ойда, кейинги ойнинг бошланишидан 3 кун олдин Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тadbиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси билан келишилган тарзда тасдиқланган маҳсулотни сотиш учун биржа савдоларига бир меъёрда қўйишнинг ойлик миқдорларини Биржага тақдим этади.

«Ўзнефтмаҳсулот» АК маҳсулот ресурслари билан таъминланганлик ҳамда биржа савдоларида юзага келадиган талабни инобатга олган ҳолда, биржа савдоларига маҳсулот қўйишнинг ойлик миқдорлари доирасида нефть базалари кесимида аниқлик киритиши мумкин.

7. Сотувчилар ҳар йили Биржа билан биргаликдаги фаолият тўғрисида сотувчиларнинг биржа савдоларида иштирок этиш шартлари, шартнома тузган томонларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарликлари белгиланган шартномалар тузади.

Савдолар иш кунларида мунтазам ўтказиб борилади.

8. Биржа савдолари Ўзбекистон Республикасининг «Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида»ги Қонунига ва биржа савдолари қоидаларига мувофиқ амалга оширилади.

9. Биржа савдоларининг ўтказилиши, биржа сессияларининг давомийлиги, сотувга қўйиладиган маҳсулотлар ҳажми ҳамда маҳсулот турган жой, ишлаб чиқарувчи корхона, шунингдек бошланғич нархи тўғрисидаги ахборот Биржа томонидан харидорларга мажбурий тартибда брокерлар, оммавий ахборот воситалари ҳамда бошқа ахборот каналлари, шу жумладан Интернет тармоғи орқали етказилади.

10. Биржа барча савдо иштирокчиларига, уларнинг ҳудудий жойлашганлигидан қатъи назар, электрон савдоларда бир вақтда иштирок этиш имконини таъминлаб бериши шарт.

11. Савдоларни ўтказиш, қўйилган закалат суммасига мувофиқ ҳар бир савдо

бўйича иштирокчиларни киритиш ва четлатиш, электрон биржа савдолари голибларини аниқлаш ва битишувларни рўйхатдан ўтказиш электрон биржа савдолари тизими билан амалга оширилади.

Битишувни рўйхатдан ўтказиш куни Биржа брокерга битишув баённомаси ва намунавий олди-сотди шартномасини расмийлаштириш учун тақдим этади.

12. Олди-сотди шартномаси битишув баённомасида назарда тутилган шартларда у олинган кунда расмийлаштирилади.

Битишув баённомаси шартларининг бажарилиши томонлар учун мажбурий ҳисобланади.

13. Савдода сотилмай қолган маҳсулот ҳажми кейинги савдоларга кўчирилади. Бунда, сотувчилар маҳсулотни тўғридан-тўғри шартномалар бўйича фақат биржа савдоларига қўйилган вақтдан бошлаб бир ой мобайнида сотилмаган ҳажмларда олдинги ҳафтадаги биржа савдолари натижаларида вужудга келган ўртача нархлар бўйича сотиш ҳуқуқига эга.

14. Биржа томонидан кўрсатиладиган хизматлар ҳақи сотувчи ва харидорлар учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда Биржа хизматлари тарифларига мувофиқ ўрнатилади.

15. Маҳсулотни тузилган олди-сотди шартномалар бўйича сотиш олдиндан тўловни тўлиқ тўлаш ёки етказиб бериладиган маҳсулотнинг ҳар бир партияси учун чакириб олинмайдиган аккредитив қўйиш шарти билан амалга оширилади.

16. Харидор томонидан шартнома мажбуриятлари бажарилмаган тақдирда, сотувчи маҳсулотни қайта савдога қўяди.

— **IV. Мазут ёқилғиси нарҳини аниқлаш ва ўзаро ҳисоб-китоблар механизми** +

17. Маҳсулотнинг бошланғич нарҳи нефтни қайта ишлаш заводлари томонидан декларация қилинган баҳолари даражасида, уларга нефть базаларнинг декларация қилинган чекланган устамалари ва темир йўл харажатларини қўшиб белгиланади.

18. Биржа савдоларида шаклланган маҳсулот нарҳи унинг бошланғич нарҳидан ошиши натижасида сотувчи томонидан олинган қўшимча даромад унинг ихтиёрида қолади.

19. Биржа савдоларида тузилган битишувлар бажарилишининг молиявий кафолатини таъминлаш учун биржа савдоларида тузилган битишувлар бўйича ҳисоб-китоблар Биржа ХҚКП орқали амалга оширилади.

20. Ҳисоб-китобларни амалга ошириш мақсадида, ХҚКП Биржага хизмат кўрсатувчи банкда харидорлар ва сотувчиларнинг маблағларини сақлаш ва биржа битишувлари бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун хизмат қиладиган иккиламчи талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағини очади. Иккиламчи талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағи Биржага хизмат кўрсатувчи банкда биржа томонидан иккиламчи депозит ҳисобварағини очиш тўғрисидаги аризага мувофиқ очилади.

21. Сотувчи ва харидорларнинг иккиламчи талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағидаги маблағлари ҳаракатини назорат қилиш учун ХҚКП ҳар бир сотувчи ва харидорга фойдаланувчининг шахсий рақамига (бундан кейинги ўринларда ФШР деб юритилади) мос келувчи алоҳида шахсий ҳисобварақ очади.

Сотувчилар ва харидорларнинг маблағлари ушбу шахсий ҳисобварақларда ХҚКПнинг иккиламчи талаб қилиб олингунча ҳисобварағи доирасида ҳисобга олинади.

22. ҲККП биржа савдолари иштирокчиларини уларга хизмат кўрсатиш шартлари, уларнинг маблағлари ҳолати тўғрисида ўз вақтида хабардор қилиб туриши шарт.

ҲККП томонидан мижознинг шахсий ҳисобварағи ҳолати тўғрисидаги маълумотларни учинчи шахсларга ошкор этилиши ман этилади.

23. Биржа мижозларнинг сўровларига кўра уларни биржа клиринги натижалари, улар маблағларининг ҳолати ва жорий кунда белгиланган савдолари учун белгиланган маблағ лимитлари тўғрисида хабардор қилиб туриши шарт.

24. Сотувчи ва харидорлар Биржага хизмат қилувчи банкдаги ҲККПнинг иккиламчи талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағига биржа савдоларига қўйилган маҳсулот умумий қийматининг ва мўлжалланаётган битишув ҳажмининг 10 фоизгача бўлган миқдордаги закатли депозитга қўяди.

25. Харидорлар Биржада депонентга қўйилган закатли ҳисобга олинган ҳолда тўлаш мўлжалланаётган маблағ ҳажмида битишувлар тузишга ҳақлидир.

26. Биржага хизмат кўрсатувчи банкдаги ҲККПнинг иккиламчи талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағидаги сотувчилар ва харидорларнинг маблағларидан:

битишувлар бўйича мажбуриятлар бажарилиши, харажат қисмида ва улар ўртасида тузилган шартномалар билан боғлиқ бўлган ўзаро ҳисоб-китобларини амалга ошириш учун;

келишилган муддат давомида, битишув амалга оширилмаган ёки бекор қилинган тақдирда, ўрнатилган тартиб асосида ҲККПдаги ҳисобварақнинг эгаси — мижознинг банкдаги асосий талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағига қайтариш учун;

депонентга қўйилган маблағлар ҳисобидан Биржа хизматларига ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун фойдаланилади.

27. Биржа битишуви рўйхатга олинганидан кейин беш банк иш кунда харидор тузилган олди-сотди шартномаси бўйича молиявий мажбуриятларни тўлиқ қоплаш учун Биржага хизмат кўрсатувчи банкдаги ҲККПнинг иккиламчи талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағига қўшимча маблағларни ўтказиши шарт. Бунда, маблағни ўтказиш учун тўлов топшириқномасининг «тўлов мақсади» устунда харидорнинг ФШРи мажбурий тартибда кўрсатилиши шарт.

28. ҲККП харидордан маблағ келиб тушган вақтдан бошлаб бир банк иш кунда сотувчига тўланган битишувлар реестрини тақдим этиши шарт.

29. Агар харидор ушбу Низомнинг 27-бандида белгиланган муддатда биржа шартномасига мувофиқ маблағларни тўлиқ ҳажмда ўтказилишини таъминламаса, ҲККП кўрсатилган муддат ўтганидан кейин сотувчи ҳамда Биржага битишув бекор қилинганлиги тўғрисида дарҳол маълум қилади ва Биржанинг воситачилик ҳақини чегириб қолган ҳолда шартнома мажбуриятлари бажарилмаганлиги учун сотувчининг ҳисобварағига жарима чораси сифатида закатли миқдордан кам бўлмаган миқдордаги маблағларни киритади.

Битишув бўйича бекор қилинган маҳсулот ҳажми сотувчи томонидан қайта савдога қўйилади.

30. Сотувчи томонидан маҳсулотни харидорга олди-сотди шартномасида белгиланган муддатларда юклаб жўнатиш бўйича мажбуриятлар бажарилмаса, ҲККП шартномада белгиланган муддат ўтганидан кейин Биржанинг воситачилик ҳақини чегириб қолган ҳолда маҳсулотни етказиб бериш учун белгиланган қийматдан 10 фоизгача миқдордаги маблағни жарима чораси сифатида харидор ҳисобига киритади ва харидор, сотувчи ва Биржага битишув бекор қилинганлиги тўғрисида хабар қилади.

Битишув бўйича бекор қилинган маҳсулот хажми сотувчи томонидан қайта савдога қўйилади.

31. ҲККП томонидан тақдим этилган тўланган битишувлар реестри сотувчининг маҳсулотни харидорга юклаб жўнатишга асос бўлади.

Маҳсулот сотувчи томонидан харидор ўзининг мажбуриятларини бажарганлиги фактини ҲККП томонидан тасдиқланмасдан жўнатилган тақдирда, Биржа рўйхатдан ўтказилган биржа шартномаси бўйича харидор томонидан мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун жавобгар бўлмайди.

32. Маҳсулот жўнатилганлиги ва қабул қилиб олинганлиги факти харидор ва сотувчи имзолари билан тасдиқланган товар-транспорт юк хатлари нусхалари тасдиқлайди.

Маҳсулот темир йўл транспорти орқали жўнатилганда маҳсулот жўнатилганлиги фактини темир йўл юк хатининг нусхаси тасдиқлайди.

Юк хати нусхасининг тақдим этилиши ҲККП учун бир банк иш куни мобайнида ушбу Низомнинг 20-бандига мувофиқ очилган иккиламчи талаб қилиб олгунгача ҳисобварақдан сотувчининг унга хизмат кўрсатувчи банкдаги асосий талаб қилиб олингунгача депозит ҳисобварағига, сотувчининг шахсий ҳисобварағи кўрсатилган ҳолда ўтказиш, шунингдек битишувни ёпиш учун асос ва мажбурият бўлади.

Маҳсулот транзит меъёри бўйича етказиб берилганда, сотувчи маҳсулотнинг етказиб берилмай қолган миқдорлари тўғрисида ҲККПга ёзма хабар беради ва ҲККП етказиб берилмаган маҳсулот суммасига тенг маблағни харидорга қайтариб беради. Етказиб берилмаган маҳсулот миқдори бекор қилиниб, қайта савдога қўйилади.

33. Маҳсулотни биржа савдолари ғолибларига юклаб жўнатиш олди-сотди шартномаларида назарда тутилган муддатларда сотувчининг нарядлари бўйича амалга оширилади.

V. Томонларнинг жавобгарлиги ва низоларнинг ҳал этилиши

34. Биржа аъзолари, биржа савдолари иштирокчилари ва уларнинг мижозлари ўртасидаги биржа савдо қоидаларида назарда тутилган масалалар бўйича юзага келадиган низолар Биржа арбитраж комиссияси ёки суд орқали ҳал қилинади. Арбитраж комиссияси томонидан низоларни кўриб чиқиш учун йиғимлар ундирилиши ман этилади.

35. Харидор билан сотувчи ўртасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тартибга солинади.

VI. Ахборот таъминоти ва мазкур Низом бажарилиши юзасидан мониторинг

36. Биржа котировка ҳайъати ўтказилган биржа савдолари натижалари бўйича Биржанинг биржада сотилган маҳсулот нархларининг биржа котировкаларини аниқлайди ва уларни ҳар ҳафта оммавий ахборот воситалари ва Интернет тармоғи саҳифаларида эълон қилиб боради.

37. «Ўзнефтмаҳсулот» АК ва Биржа ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 5-кунидан кечиктирмасдан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат қўмитасига маҳсулотнинг биржа савдоларига чиқариш, сотиш ва ушбу Низомга мувофиқ сотилган маҳсулотнинг ҳақиқатда етказиб берилган ҳажмлари тўғрисида маълумотни тақдим этади.

38. Биржа ҳар куни Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасига савдога қўйилган ва сотилган маҳсулот миқдорлари, шунингдек савдоларда шаклланган ўртача нархлар тўғрисида ахборотни тақдим этади.

VII. Яқуний қоида

39. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, «Ўздав-нефтгазинспекция», «Ўзбекнефтегаз» МХК ва «ЎзРМХБ» ОАЖ билан келишилган.

Марказий банк
Бошқаруви раиси

Ф. МУЛЛАЖОНОВ

*Тошкент ш.,
2008 йил 28 март*

Монополиядан чиқариш, рақобат ва
тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш
давлат қўмитаси раиси в.б.

Б. УЛАШОВ

*Тошкент ш.,
2008 йил 28 март*

«Ўздавнефтгазинспекция»
бошлиғи

Р. ШЕРАЛИЕВ

*Тошкент ш.,
2008 йил 28 март*

«Ўзбекнефтгаз» МХК
Бошқаруви раиси

Н. АҲМЕДОВ

*Тошкент ш.,
2008 йил 28 март*

«ЎзРМХБ» ОАЖ
Бошқаруви раиси

Т. ТЎХТАБОЕВ

*Тошкент ш.,
2008 йил 28 март*

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги маълум қилади:
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг
умумий мажбурий тусдаги норматив ҳужжатларини давлат
рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2008 йил 12 апрелдан 18 апрелгача бўлган маълумот

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. «Ўзбекистон почтаси» очик акциядорлик жамиятининг талаб қилиб олин-гунча махсус депозит ҳисобварақларидан операцияларни амалга ошириш ва уларни бухгалтерия ҳисобида акс этириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки Бошқаруви, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг 2008 йил 10 мартдаги 22, 301-В, 10-8/729-сонли қарори.*

2008 йил 14 апрелда 1790-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 24 апрелдан кучга киради).

2. «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни ташиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2008 йил 17 мартдаги 4, 3-сонли қарори.*

2008 йил 16 апрелда 1791-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 26 апрелдан кучга киради).

3. «Банк кассаларига топширилаётган нақд пул тушумининг барқарор ўсиши-ни ва уларнинг узлуксиз берилишини таъминланиши бўйича мансабдор шахслар-нинг рағбатлантирилиши ва уларнинг масъулиятини ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Давлат солиқ қўмитасининг 2008 йил 24 мартдаги 296-В, 2008-21-сонли қарори.*

2008 йил 16 апрелда 1792-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 26 апрелдан кучга киради).

4. «Селекция ютуғига Ўзбекистон Республикаси патентининг амал қилишини узайтириш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси директорининг 2008 йил 25 мартдаги 13-сонли буйруғи.*

2008 йил 16 апрелда 1793-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 26 апрелдан кучга киради).

5. «Божхона юк декларациясини тўлдириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2008 йил 3 апрелдаги 01-02/8-29-сонли қарори.*

2008 йил 16 апрелда 834-17-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 26 апрелдан кучга киради).

6. «Инвестиция лойиҳаларининг техник-иқтисодий асосномаларини Ўзбекистон

Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида кўриб чиқиш тартибини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг 2008 йил 14 апрелдаги ЭГ-01/10-2212-сонли қарори.*

2008 йил 16 апрелда 846-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 26 апрелдан кучга киради).

7. «Супер элита, элита ва кейинги авлодларга мансуб уруғлик ғалла етиштириш ҳуқуқига эга бўлиш учун хўжаликлар ўртасида танлов ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг 2008 йил 22 мартдаги 41-сонли буйруғи.*

2008 йил 17 апрелда 1794-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 27 апрелдан кучга киради).

8. «Биржа савдоларида мазут ёқилғисини сотиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлигининг 2008 йил 2 апрелдаги 48, 30-сонли қарори.*

2008 йил 17 апрелда 1795-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 27 апрелдан кучга киради).

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Инвестиция лойиҳаларининг техник-иқтисодий асосномаларини Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида кўриб чиқиш тартиби. *Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 846, 1999 йил 9 декабрь).*

Адлия вазирининг 2008 йил 16 апрелдаги 67-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

2. Биржа савдоларида ёқилғи мазутини сотиш тартиби тўғрисида Вақтинчалик низом. *Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Молия вазирлиги, «Ўздавнефтвергаз инспекция», «Ўзбекнефтегаз» МХК, Товар-хом ашё биржасининг қарори билан тасдиқланган (рўйхат рақами 1348, 2004 йил 6 май).*

Адлия вазирининг 2008 йил 17 апрелдаги 69-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар амалдаги қонунчиликка ўзгартиришлар киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
МАЪЛУМОТЛАРИ
МИЛЛИЙ БАЗАСИ



ҲУҚУҚИЙ АХБОРОТ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ МАРКАЗИ

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасининг ахборот излаш тизими (ҚХММБ LexUZ) аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини кўтариш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан юридик ва жисмоний шахсларнинг кенг фойдаланиш имкониятини таъминлаш, жамиятни ҳуқуқий ахборотлаштириш тизимини такомиллаштириш мақсадида яратилган.

LexUZ фойдаланувчиларга ҚХММБда Интернет орқали фойдаланиш имкониятини таъминлайди ва бунда:

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни таркибий қисмлари ва реквизитлари, шунингдек, юридик таҳлил карточкаларидаги маълумотлари асосида, яъни:

— Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тармоқлари умумҳуқуқий классификатори бўйича;

— қонунчиликнинг мавзули маълумотномаси бўйича;

— тушунча ва терминлар маълумотномаси бўйича;

— алфавит-предметли кўрсаткич бўйича кўпмезонли, кенгқамровли қидириш имконини беради.

излаш натижалари жадвал қаторлари кўринишида акс эттирилади ва улар билан ишлашнинг қуйидаги имкониятлари мавжуд:

— танланган ҳужжатларнинг реквизитлари бўйича саралаш;

— танланган ҳужжатларнинг реквизитлари бўйича гурuhlани;

— ҳужжатлар билан ишлаш учун натижавий жадвалда уларни танлаш;

— излаш натижасида танланган ҳужжатларга оид барча маълумотларни олиш;

— ҳужжатларга киритилган қўшимча ва ўзгартиришларнинг хронологик тарихини кўриш;

— ҳужжат матнини алоҳида ойнада очиш;

— ҳужжат матнининг фойдаланувчи танлаган санадаги ҳолатини кўрсатиш;

— «Ҳаволалар харитаси» — танланган ҳужжатга нисбатан корреспондент /

респондент ҳужжатлар рўйхати;

— ҳужжат таркибида расмий матн қаторида норасмий ахборотларни (тушунтириш ва изоҳлар каби) акс эттириш;

— ҳужжат таркибида матн, жадвал, расмлар ва графикларни акс эттириш;

фойдаланувчи ишлаган ҳужжатлар тарихини автоматик тарзда тизимда сақлаб қолиш ва бунда:

— танланган ҳужжатлар рўйхатини сақлаб қолиш;

— излаш шартларини сақлаб қолиш;

— фойдаланувчи ишлаган ҳужжатлар тарихини тизимда сақлаш;

фойдаланувчи маълумотларини ва интерфейсини ўзбек ва рус тилларида олиб бориш; базага киритилган ҳужжатлар ҳақида электрон почта орқали хабар йўллаш.

WWW.LEX.UZ

сайтига марҳамат қилинг